

WATER BASED, EXTERIOR PAINT

НАРУЖНАЯ КРАСКА НА ВОДНОЙ ОСНОВЕ

ХАЁТ ФАЛСАФАСИ - ЯХШИЛИК



Falcon





Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Тошкент автомобил-йўллар институти

Ҳаёт фалсафаси – яхшилик

Тошкент-2003

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Тошкент автомобил-йўллар институти

Ҳаёт фалсафаси – яхшилик

Тошкент-2003


92
X-16

Ушбу рисолада Республика Олий таълим тизимида 50 йилдан ортиқ сидқидилдан хизмат қилган, давлатимиз равнақи, олий таълимнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган олим Устоз, мураббий, фидойи инсон академик Оқил Умурзоқович Салимов ҳақида шогирдлари, ҳамкасбларининг фикр-мулоҳазалари жамланган.

Устоз О.У.Салимовни нафақат Ўзбекистонда, балки МДХ давлатларида ҳам яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Шуни эътиборга олиб, улар учун қулайлик яратиш мақсадида айрим мақолалар рус тилида келтирилган. Бундан ташқари, рисолада русийзабон ҳамкасбларнинг Оқил Салимовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ибратомуз фикр-мулоҳазалари ҳам берилган.

Муаллиф ва тузувчи: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
Сарвар Қодиров
Нашр учун масъул: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси Сайди Умиров
Махсус муҳаррир: Шерхон Қораев
Муҳаррирлар: Носир Журабоев, Нилуфар Қувонova,
Қудрат Дўстмуҳамедов, Иброҳим Ҳабибуллаев,
Адолат Қудратова
Такризчилар: Омонулла Ганиҳужаев, Бахтиёр Матёкубов

Босишга рухсат этилди 24.12.2003й.
Буюртма № 371в. Формат 60x84 1/16 Адади 500 нусха.
ТАЙИ нусха кўпайтириш бўлими.



ИЛМ ВА ЭЗГУЛИККА ЭЪТИҚОД

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Олий мактаб халқаро фанлар академияси, Нью-йорк Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Оқил Умурзоқович Салимов йирик олим, давлат ва жамоат арбоби, мамлакат илм-фани, олий таълим ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устоздир.

О.Салимов 1928 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1950 йилда Ўрта Осиё индустриал институтининг «Автомобил эксплуатацияси» ихтисослигини тугатган. 1953 йилда Москва автомобил-йўллари институтининг аспирантурасини ўтаб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Оқил Салимов 1953 йилдан 1965 йилгача Ўрта Осиё политехника институтида ассистент, декан муовини, декан, кафедра мудири ва ўқув ишлар бўйича проректор лавозимларида фаолият кўрсатган. 1965-70 йилларда Ўзбекистон компартияси МКда фан ва ўқув юрглари бўлим бошлиғи ўринбосари ва бошлиқ бўлиб ишлаган ва 1970 йилда Ўзбекистон КП МК га котиб этиб тайинланган. 1983 йилда Ўзбекистон Олий кенгаши раиси этиб сайланган. Оқил Салимов 1965-1988 йилларда бир неча бор Ўзбекистон ва собиқ иттифоқ Олий Кенгаши депутаты этиб сайланган. 1978 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган. О.Салимов

кўп йиллар давомида техника йўналиши бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш раисидир.

Бевосита унинг илмий раҳбарлигида ўн тўртта номзодлик, тўртта докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Устоз мураббийлик ва раҳбарлик билан бир қаторда, автомобилсозлик соҳасида тадқиқотлар олиб борди. Автомобил двигатели қувватини ошириш, юқори фойдаланиш коэффициенти эга бўлган генераторларни ишлаб чиқаришда унинг илмий тадқиқотлари ҳиссаси каттадир. Оқил Салимовнинг илмий изланишлари натижалари бўйича 76 монография, мақола ва тадқиқотлар нашр этилган ва учта муаллифлик шаҳодатномаси олинган. Оқил Салимов Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаштириш институтида ректор бўлиб ишлаган вақтида (1986-1992 йиллар) асосий диққат эътиборини ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратган.

Оқил Салимовнинг ташкилотчилик ва моҳир педагогик тажрибаси унинг 1992-1994 йилларда Тошкент давлат техника университетиде ректор бўлиб ишлаган вақтида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимида фаолият кўрсатган даврда ва айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётда жорий этишда кенг қўламда намоён бўлди. Бу даврда

Оқил Салимов асосий эътиборини салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчилар таркибини янада кучайтиришга қаратди, шунингдек, мамлакатнинг талаб эҳтиёжидан келиб чиқиб, янги кафедра ва мугахассисликларни ташкил этиш билан шуғулланди.

Оқил Салимовнинг фаолиятида ҳамма вақт ёшларимизни миллий истиклол мафқураси асосида тарбиялаш масалалари бош ўрин эгаллаган.

Мустақиллик йилларида унинг ташаббуси билан мамлакат истикболи, амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишларининг тарғиб-ташвиқотиغا бағишланган ўнлаб рисоалар, рангли-безакли плакатлар чоп этилди, видеофильмлар яратилди.

Оқил Салимов 1998 йил июлдан нафақага чиққан бўлса ҳам, бугунги кунда - вазир маслаҳатчиси, Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими президенти, Республика истеъдодли ёшлар «Улугбек» жамғармаси раиси, ТАЙИнинг Фахрий ректори лавозимларида фаол меҳнат қилиб келмоқда.

Юнон файласуфи Суқрот ёзганидек, инсон эгулик учун туғилади. Шу муносабат билан устоз таваллуди нишонланаётганидан хабар топган машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг Оқил Умурзоқович ҳақида ёзиб юборган дил сўзларини эсга олиш ўринлидир: «Оқил Салимов шахсиятида икки фазилат - олимлик билан одамохунлик ажиб тарзда мужассамлангандир».

Устоз баъзан, завқи келганда Тошкент, Москва ва хорижда орттирган дўст-биродарлари - Расул Гамзатов, Чингиз Айтматов, Константин Симонов, Роберт

Рождественский, Қайсин Қулиев, Давид Қўғилтинов, хайкалтарош Вутечич ва бошқа фан ва адабиёт, санъат аҳллари билан мароқли мулоқатлари, собиқ марказ раҳбарлари билан муомалалари ҳақида қизик, ибратли воқеаларни ҳикоя қилиб беради.

Кимдир бу ишни обрў орттириш учун килар, лекин Оқил ака, ҳеч қачон обрў мавқе кетидан қувган эмас. Чунки, унинг ўзи табиатан шундай! Шундай туғилган. Инсонлар оғирини енгил қилмаса туролмайди. Аъмоли ҳам, амали ҳам шу.

Оқил Салимов хушмуомала ва дилбар инсон. У бирон бир кишининг дилини оғритган ёки унга озор берган эмас. Кимнингдир сўзи ёки қилиғи кўнглига оғир ботса-да, сездирмайди, унутади ёки кечириб юборади.

Салимовнинг ўз ҳаётий фалсафаси бор: «инсонларни қадрлаш, уларга қўлдан келганича яхшилик қилиб, ёрдам бериш.» Оқил аканинг ўзи ҳам, «яхшилик қилсам, кўнглим таскин топади» – деб таъкидлайди.

Оқил ака маданиятли, қатъиятли, талабчан ва меҳрибон. Унинг бажараётган ишларига ўта маъсулият билан ёндошишини кўриб, киши ҳавас қилади.

Салимов бир сўзли, лафзи ҳалол, вафодор киши. Иш юзасидан ҳар қандай муаммони ҳал этишда вақтни чўзиб ўтирмайди, имконияти борича тез ҳал қилади.

Талабалигимдан то шу кунгача, устоз билан мулоқотда бўлиб, шундай хулосага келдимки, халққа сидқидилдан, жонини жабборга бериб хизмат қилиш,

устознинг қонига сингиб кетган. Кунлардан бирида Оқил ака вазирликка ишга келаётиб, муюлишда қимтанибгина турган бир нуроний чолга кўзи тушади. У иккиланмай чолнинг ёнига бориб, ҳол аҳволини суриштириб, унинг дарди ҳолини тинглаб, баҳолиқудрат ҳожатини чиқаради. Воқеани менга бунинг гувоҳи бўлган одам гапириб берган эди.

Виждон, инсоф ва орият Оқил ака фазилатларининг гултожиси, десам янглишмайман. О.Салимов одамларга қилган яхшилигини ҳеч қачон миннат қилган эмас.

Салимовнинг кийиниши, еб-ичиши, одамлар билан муомаласи ва умуман яшаши ниҳоятда оддий, ҳаммага тушунарлидир. У соддаликни ва оддийликни хуш кўради. Бундай инсонларни Ҳадису-шарифда таъкидланганидек, Оллоҳ ҳам ёқтиради. Чунки, улуғ инсонлар ҳеч қачон ҳашамга интилмайди, улар учун илм-одоб, инсонлар ихлосининг ўзи ҳашаму-бойлик ҳисобланади.

Шогирд сифатида у кишини кўп қузатганман. Устозни шифобахш булоққа ўшатаман. Унда ташаббускор тоғлар қайнаб туради. У ҳар бир ишни етти ўлчаб, бир кесади.

Салимов ҳақиқатпарвар ва довиюрак инсон. Алолатсизликка тоқат қилолмайди. Собиқ шўролар даврида Сурхондарёда улуғ муҳаддис Ат-Термизий макбараси нураб, қаровсиз аҳволда бўлган. Оқил ака қаттиқ қайғуриб, Шароф Рашидов олдига ушбу обидани қўйта тиклаш таклифи билан киради. Макбара олдида дастлаб отчопар майдони қад кўтарилади, сўнг эса, обида

обод бўлади. Атеизм авж олган замонда бу таклифни кўтариб чиқиш ва эзгу мақсадни амалга ошириш учун катта юрак ва жасурлик талаб қилинарди.

Кўпчилик бундай «қалтис» йўлдан бормай, «оч қорним, тинч қулоғим» тамойилига амал қиларди. Салимов ҳеч қачон ўзини, тинчлигини ўйлаган эмас.

Йўллар ... узун, қисқа, ўнқир-чўнқир, текис ва равон йўллар. Бу йўллардан тақдирлар бошланади. Салимов талабаликдан академикликкача, ўқитувчиликдан вазир даражасигача бўлган сермазмун, сермашаққат, серташвиш йўлни босиб ўтган инсон. Бу йўлда машаққатли, оғир кунлар ҳам бўлган. Устоз уларни эслашни ёқтирмайди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтмишдаги барча ноҳақликларга барҳам берилди. Марказ амалга оширган барча қинғир ишлар фош қилинди. Албатта, инсон тақдири бир текис кечмайди. Ҳаётнинг фариштали онларидан ташқари, шайтоний лаҳзалари ҳам бўлади. Шунинг учун, устоз қуруқ тухмат ва ғийбат қилувчилардан нафратланадилар.

Салимов бутун умрини юрт юкини кўтариш ва ватанга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб келмоқда.

Мустақиллик бир нурки, - дейди Оқил ака, - у бутун мамлакатни ёритиб туради. Мустақил мамлакатдагина илму-фан чинакамига ривожланади.

Оқил ака ҳозирда ҳам техника соҳасига ихтисослашган кенгашлар раиси сифатида олимлар томонидан ҳимояга таклиф этилган тадқиқотларни

синчковлик билан кўздан кечиради ва «ҳар бир илмий талқикот ҳозирда мамлакатимиз олдида турган долзарб ва муҳим муаммоларни ҳал этишга бағишланиши лозим», - деб уқтиради. О.Салимовнинг ўзи ҳам бутун илмий фаолияти давомида шу қоидага риоя қилиб келмоқда. Унинг Ўрта Осиё индустриал институтининг механика факультетида ўқиб юрган кезларида олиб борган илмий изланишлари, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг мавзулари ҳам, ана шу талабларга бўйсиндирилган эди. Масалан, О.Салимов автотрактор двигателларини мамлакатимиз иқлимига мослаштириш учун унинг қувватини ошириш каби бир қатор илмий мулоҳазалари ва уларни «ЗИЛ» заводида амалиётда куриб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги фикримизнинг далилидир.

Оқил Умурзоқович илм машаққатли йўл эканлигини, ҳар бир олимдан мустаҳкам ирода талаб этишини, бу йўлда нафақат илмий қийинчиликларни, балки моддий қийинчиликларни ҳам енгиб ўтиш зарурлигини яхши билган ва бошидан кечирган инсон. Бу ўринда устознинг дўсти Сахий Жумабоев сўзларини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Оқилжон аспирантурада ўқиш билан бирга кечкурунлари метрополитенда ишлар, ҳеч қандай меҳнатдан қочмас эди. Ишдан тўғри бизнинг ётоқхонага келар, жисмонан толиққанлиги сезилиб турар эди. Унинг топаётган пули ҳам, лукмаси ҳам ҳалол эди.»

О.Салимов фаннинг ўз соҳаси бўйича илмий мактаб яратган таниқли олимлардан биридир. Унинг

шогирдлари хорижда ҳам анчагина. Салимовнинг таълим-тарбиясини олган шогирд борки, уни бошларига кўтардилар, чунки Оқил Умурзоқович барча шогирдларига бирдек муносабатда бўлган. Уларнинг оғирини енгил қилган, қолаверса ўзидаги бой ҳаётий тажрибалар асосида панду-насиҳатлар берган.

Салимов доимо илм аҳлини қадрлаб келган ва шогирдларини ҳам шунга даъват этган - Бизнинг йўлимиз илм-фан йўлидир, - дейди устоз. Мамлакатнинг қудрати унинг ривожига боғлиқ. Шунинг учун, илм йўлида ҳеч кимга ҳасад қилмасдан, сохта обрўга интилмасдан, муваффақиятларга ҳаволаниб кетмасдан ҳалол ва софдил бўлиш зарурлигини, илмингу-амалинг халқингга наф келтирмаса, унинг бир чақалик қиймати йўқ эканлигини уқтириб келмоқда.

Оқил акадаги шижоат ҳали ҳам ёшларникидек, бунинг сабаби, бизнингча, у бутун умрини ёшлар орасида ўтказганлигида, уларни баркамол этиб тарбиялашга бахшийда этганлигидадир.

Оқил Умурзоқовичнинг яна бир муҳим хислати-ёшларга таълим ва тарбия бериш билан бир қаторда, улардаги истеъдодни ўз вақтида аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва уларни тўғри йўлга йўналтиришда тиним билмаслигидир.

Тараққиёт тасодиф эмас, балки заруриятдир,- дейди устоз.- Фан эса тараққиётни ҳаракатга келтирувчи ўзакдир.

Ҳар бир миллатнинг ўз чинорлари бўлади. Улар мамлакатга қувват бахш этади. Техника илмининг

дипломаси Салимов ана шундай чинорлардан биридир.
Бу чинорнинг танаси-ю шох- шаббалари илм бўлса,
широқлари эзгуликдир.

* * *

После защиты в 1953 году кандидатской диссертации в МАДИ, Акил Умурзакович работал в СазПИ до 1961 года заместителем декана механического факультета и одновременно читал курсы «Двигатели внутреннего сгорания» и «Автоэксплуатационные материалы».

Хорошо помню хлопковую страду 1957 года. 4-го октября мы, студенты первого курса, выехали на сбор хлопка в Букинский район Ташкентской области. Бригаду автомобилистов возглавил Акил Умурзакович. Впервые мы с ним более близко познакомились на хлопковых полях и на хирмане. Он был очень спокойным и внимательным руководителем. Все ребята работали с полной отдачей. Он умел найти ключ к каждому студенту. Потом, на втором курсе после успешного выступления с докладом в СНО по «Сопромату» в зале механического факультета он вручил мне книгу «Автомобили» с личной подписью. Я её храню как ценную реликвию.

Привычка у меня (ещё с первого курса) на экзамен находить первым и первым сдать. Как правило, на экзамен еду не позавтракав, т.е. на голодный желудок. Говорят, так хорошо думается. Но так случилось, что на предмет «Технология металлов» опоздал на экзамен и получил билет только в 12 часов дня. Сел за парту, читаю билет и никак не могу сосредоточиться, не могу ответить на вопросы (как-то началась головная боль). Встал, вернул билет преподавателю, доценту Якунину, сказав, что не

смогу ответить. Он удивился, так как знал меня как знающего студента. Но в ведомость поставил двойку.

Я зашёл к Акилу Умурзаковичу, заместителю декана: он тоже был удивлён, отличник зашёл за «хвостичкой», и сразу выписал. На следующий день после обеда зашёл сдавать экзамен, получил билет и без подготовки ответил на все вопросы. Ответил на «5», но получил «4». Преподаватель объяснил: «Хотя ты ответил на пятёрку, я не имею право ставить тебе «5» после «2», поэтому поставил «4»». Здесь он спросил меня, в чём дело? «Почему вчера не смог ответить ни на один вопрос?» Я ответил – был очень голодным, и в голову ничего не лезло, и он понял меня.

По курсовому проекту по предмету «ДВС» Акил Умурзакович был моим руководителем. В этот период учебников практически не было, поэтому он подсказал, что надо записаться в библиотеку имени А.Навои и там можно достать книгу Каргополова. В ней приведен поперечный разрез нужного двигателя, и используя его, можно выполнить курсовой проект. Я так и сделал. Получился хороший курсовой проект, оценка тоже была хорошая. Самое интересное, и в 60-е годы студенты нередко переписывали проекты друг у друга. У меня скопировал друг армянин, и он тоже получил хорошую оценку. Я в поте лица трудился 3 месяца, а он – десять дней. Результат один и тот же. Как говорится: кому как повезёт!

После 4-го курса Акил Умурзакович был нашим руководителем по производственной практике в одном из Московских автопредприятий. Здесь мы почувствовали, что он прекрасно владеет всей технологией функционирования АТП.

На 5-ом курсе Акил Умурзакович стал деканом

факультета, и он сыграл решающую роль и в моей судьбе, так как моя мать направила меня именно к нему за советом, сказав, делай то, что скажет Акил Умурзакович. Она его хорошо знала и очень уважала. Я тоже хорошо знал маму Акила Умурзаковича, она часто бывала у моего друга-однокашника Мухсин ака и его жены Лола опа (родная сестра Акила Умурзаковича).

Интересно, 40 лет назад, т.е. в 1962 году в Ташкенте не нашлось работы для выпускников-автомобилистов. При распределении я зашёл первым и выбрал АТП в г. Янгиере, с окладом 280 руб. Потом меня пригласил зав. кафедрой, проф. Абрамов Н.С. и просил остаться в качестве ассистента с окладом 105 руб на кафедре «Автомобили». Сразу согласия не дал, сказав, что посоветуюсь с мамой. Она спросила, какая перспектива? Сказал, что буду учёным. И на этот раз мама направила меня посоветоваться с деканом Акилом Умурзаковичем. Так и сделал, зашёл к нему и спросил: «Как поступить?» Он сказал: «Оставайся, я тебя отправлю в МАДИ, в целевую аспирантуру.» Таким образом, по его совету согласился на должность ассистента, и это было поворотным моментом в моей судьбе. Поэтому Акила Умурзаковича считаю своим наставником и устозом. Всем, чего достиг в жизни, обязан ему, его советам и поддержке. Даже в годы учёбы в аспирантуре он поддерживал и помогал, независимо от того, где он работал. Вот уже 41 год, ни одно важное решение не решается без его мудрого совета.

Однажды спросили у мудреца: «Говорят, вы уважаете своего учителя больше, чем свою мать?» Он ответил: «Правильно, я обязан своей матери за то, что она с отцом создала меня, то есть опустили с небес на землю.

А учитель вознёс меня до небес». Поэтому я тоже уважаю своих учителей. В жизни их было много, но основным называю Акила Умурзаковича.

В октябре 1962 года Акил Умурзакович отправил меня в МАДИ в целевую аспирантуру, на кафедру «Автотракторные двигатели» к своему учителю профессору Ховаху М.С. Ховах М.С. был зав. кафедрой и он предложил мне годичную стажировку; я естественно, согласен, но как это осуществить? Позвонил из Москвы Акилу Умурзаковичу, и он ответил «В этом году нет возможности, так как места уже распределены. Только в будущем году. Возвращайся!».

И я возвратился в ТашПИ с опущенной головой, но с твёрдым намерением работать над собой. Купил в Москве несколько учебников для ВУЗов по ДВС и штудировал их. Начал свою педагогическую деятельность. Работал, не покладая рук. Осваивал азы педагогического мастерства. Ходил на занятия моих учителей - доцентов и внимательно слушал, изучал их методику преподавания.

В начале октября 1963 года Акил Умурзакович меня опять направил в МАДИ на стажировку сроком на год. На той же кафедре я начал свою деятельность, закрепили за мной доцента Никитина С.Е. Ходил на все лекции всемирно известных учёных-педагогов: Воинова А.Н., Архангельского В.М., Вихерта М.М., Ховаха М.С., Морозова К.А. и других. Получал консультации по расчёту деталей двигателя на кафедрах «Сопротивление материалов», «Материаловедение» и «Детали машин». Выполнил все лабораторные работы по «ДВС». Сам читал под руководством Морозова К.А. лекции по «Теплотехнике». Таким образом, одновременно повышал

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири

ҲАР КИМГА НИЯТИ БЎЛГАЙДИР ЙЎЛДОШ

Халқимиз Оқил Умурзоқович Салимовни улкан давлат ва жамоат арбоби, йирик олим, устоз ва мураббий, деб билади. Бу муътабар инсоннинг номи тилга олинганда беихтиёр ҳаёлимиздан тарихимизнинг бугун-бутун саҳифалари, қанчадан-қанча сокин ва шиддатли воқеалар ўтади.

Мен Оқил акани ўтган асрда Ўзбекистон раҳбариятида нуфузли лавозимда фаолият юритган йилларидан биламан. Энди шу нарсага иқроқ бўлмоқдаманки, имони бут, қалби пок инсонни ҳеч қанақа давр найранглари ўзгартириб юбора олмас экан. Оламларнинг қусури учун ҳамиша ҳам жамият жавоб беравермагани каби жамиятнинг қусури учун ҳам гоҳида айрим одамни жавобгар дейиш нотўғридир.

Яқин тарихга назар ташласак, баъзи манзаралардан афсус-надомат чекасиз. Айниқса, маҳаллийчилик, гурӯҳбозлик ва такаббурлик каби иллатлар ҳар бир кунгли пок, диёнатли инсонни изтиробга солиши тайин. Бу фикрларни таъкидлашдан муддао шуки, Оқил ака ҳар қандай вазиятда ҳам ана шундай қусурлардан устун турган, юксак инсоний маданиятини сақлаб қола олган муътабар инсондир. Унинг феълида, муомаласида, умуман айтганда, умри йўлида юксак маданият ва қозибачилик барқ уриб туради. Ҳолбуки, Оқил ака табиатида

дунё. Шунинг учун ўзбекликни Оқилдан ўрганса ҳам арзийди дейман.

1997 йил Брюссельда қаттиқ тобим қочди. Биз излаган дори-дармоннинг топилиши анча қийин кечди. Кутилмаганда анқонинг уруғи бўлган дорини Оқил Ўзбекистондан, қаердандир топиб юборибди. Бошим осмонга етди. Дарвоқеъ, мен унга ҳатто бу ҳақда айтмаган эдим.

Ўзбекистонга борсам, Оқил самимий меҳр билан кучоқ очиб кутиб олади, ўзини қўярга жой тополмайди. Қизларимни Тошкентда ўқитиб берди. Дўстлигимизнинг мустаҳкам риштаси сабабли, қаерда бўлсам ҳам Оқилга қўнғироқ қиламан ва у билан гаплашсам, болалардек тин оламан. Зеро дўстлик ҳам болаликдек беғубор, мусаффордир.

Етти томлик асарлар тўпламим нашрдан чиқиши билан биринчилар қатори бир нусхасини Оқилга юбордим. Қувончимни дўстим билан баҳам кўргим келди. Яна бир сабаби у техника соҳасининг етук мутахассиси бўлса-да, қалбан адабиётга жудаям яқин.

Яратганнинг мўъжизалари, ҳар нарсада хикматлари кўп. Оқил иккаламиз қон-қардош халқнинг фарзандларимиз. Бахтни қарангки, икковлон бу йил 75 га етдик. Устига-устига у ҳам, мен ҳам декабрда туғилганмиз.

Оқил ўзбек халқининг етук академиги, ўз миллатининг фаҳри.

Ишонса, суянса ва алқаса арзийдиган дўст.

миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура бўйича ўқув дастурлари, кўлланмалар, дарсликлар, услубий ишланмаларни яратиш, уларни ўқув жараёнига тадбиқ этишига ҳамда мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи плакатлар, шбомлар, стендлар, видеофильмларни чиқарилишида беназир хизмат қилди.

Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Олий мактаб Халқаро фанлар Академиясининг Ўзбекистон бўлими Президенти, фан доктори Оқил Умурзоқович Салимов фақат ташкилотчи ва ишбилармонлиги билан эмас, балки инсонпарварлиги, меҳр-муруввати, ёш авлоднинг аҳил бўлиб бирга ўқиши ва ишлаши тарафдори эканлиги, истиқлол даври ислохотларида фаоллиги билан ҳам шогирдлари ва софдошларининг меҳр-муҳаббатини қозонган.

Чингиз Айтматов,

Марказий Осиё халқлари

маданияти Ассамблеяси

Президенти, Қирғизистон

халқ ёзувчиси

САДОҚАТЛИ ДЎСТ

Дўстлик миллат танламайди. Унинг қуввати садоқат билан белгиланади. Оқил менинг Ўзбекистондаги содик, софдил ва танти дўстларимдан. Оқилдаги ўзбекларга хос нозиктаблик, дид, самимий бағрикенглик, фаросат, мулоҳазалиликнинг ўзи бир

раҳбарияти юқори малакали Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини ишлаб чиқишга катта эътибор берди, чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар томонлама пухта билим олган, мустақил фикрловчи ёшлар мамлакатимизнинг келажагини таъминлашда асосий куч бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга оширишда устоз Салимов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири сифатида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Оқил Умурзоқович бу йилларда узлуксиз таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга оширишга, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ва мутахассисларнинг замон талабларига мувофиқ малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Истиклол йилларида маърифат ва маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, олий ўқув юртларида ҳам инсон маънавий камолотини шакллантиришда хизмат қилувчи фанларга эътибор кучайди. Бу фанларнинг нуфузини ошириш ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми эканлигини яхши тушунган Оқил Умурзоқович, республикамиздаги барча олий ўқув юртларида минг йиллик маданий, маънавий хазиналаримизни ўрганишда асосий рол ўйнаётган, мустақиллик йилларида қайтадан ишлаб чиқилган ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса,

тадқиқотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу диссертация натижалари мамлакатимиз фанлар академияси физика-техника ва математика бўлимининг фундаментал илмий тадқиқот ишларининг узоқ муддатли координация режасига киритилгани ҳам бежиз эмас. Устоз кўп йиллар давомида фан-техника соҳасидаги номзодлик ва докторлик ишлари бўйича ихтисослашган бир қанча илмий кенгашларга раислик қилиб, республикаимизда бу соҳа тараққиётига етакчилик қилди. Оқил ака илмий тадқиқотларининг самараси сифатида саксонга яқин илмий асарларини нашр эттирди ва ихтиролари учун учта муаллифлик шаҳодатномасини олди. Унинг таҳрири остида русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча терминологик луғатлар нашр қилинди.

Кўп йиллар олий таълим тизимида ишлаб, катта тажриба ортирган Оқил Умурзоқович, истиқлол диврида ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ етук кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга қўйишда фаол меҳнат қилди. Буни Оқил аканинг Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигининг механизациялаш институти ҳамда Тошкент давлат техника университетиде раҳбарлик қилган вақтларида тирбиялаб етиштирган юқори малакали мутахассислар мисолида яққол кўриш мумкин. Шогирдларнинг устозга миннатдорчилиги чексиз. Устоз қайси олий таълим муассасасида ишласа, ўша жойдаги ўқув жараёнига энг яхши педагогик технологияни жорий этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач давлатимиз

академикликка сайланган.

О.Салимов ўз шогирдлари билан биргаликда Ўзбекистонда фан ва техника тараққиёти суръатларига мувофиқ машинасозлик саноати қандай ривожланишини олдиндан башорат этиш муаммолари билан ҳам шуғулланди. Ўзбекистон келгусида ўз машинасозлик саноатига эга бўлишига олдиндан ишонган О.Салимов, бундан чорак аср аввал Тошкент политехника институтида автомобил-йўллар факультетини ташкил этган эди, шундан кейинги йилларда унинг асосида Тошкент автомобил йўллар институти барпо этилди. Мазкур таълим муассасаси ҳозирги кунда Ўрта Осиё минтақасида бу соҳага малакали кадрларни етказиб берувчи асосий илм масканига айланди. ❖

Устоз олий ўқув юртларида мураббийлик ва ташкилотчилик ишлари билан бир қаторда, автомобилсозлик соҳасидаги илмий тадқиқотларини ҳам давом эттирди. Илмий ғояларнинг истиқболини аввалдан яхши билган, янгиликларни теран таҳлил этувчи устоз, техника билан боғлиқ бир неча фанларнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи бўйича илмий, амалий изланишларни давом эттириб, техника фанлари доктори диссертациясини химоя қилди. Бу илмий ишнинг натижалари ҳозирги вақтда ҳам халқ хўжалигида кенг қўлланмоқда. Автомобил двигателининг қуввати ошиб боришида, юкори фойдаланиш коэффициентиға эға бўлган янги генераторларнинг ишлаб чиқарилишида устоз илмий

Саидахроп Гуломов,
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги, академик

ОЛИМ, АРБОБ ВА МУРАББИЙ


Ҳазрат Алишер Навоий шогирдлари кўп устозни мавжли денгизга, эл-юртга фойдаси тегмаган одамни ёгинсиз булутга ўхшатган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, олий таълим ташкилотчиларидан ва унинг жонкуярларидан бири бўлган устоз Оқил Умурзоқович Салимовни ҳам мавжли денгизга ўхшатгим келади.

Устоз бутун умри давомида ўз атрофидагиларни, шогирдларини, шогирдларини халқни яқдил қила олганига ғоялар ва ишлар атрофида бирлашишга даъват этиб, янгиликка интилиб яшаб келмоқда.

Оқил Умурзоқович раҳбарлик қилган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ҳамда Тошкент политехника институтлари мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари орасида етакчи ўринни эгаллади. Техника бўлими бўйича малакали миллий кадрларни вояга етказишда, бу соҳа олимларининг қобилияти, истеъдоди ва салоҳиятини юзага чиқаришда доланинг хизматлари бақиссиз. Устоз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшганлиги учун, Қишлоқ хўжалик академиясининг ҳақиқий аъзоси —

Умурзаковича крутилось очень много людей: хороших, и не очень, надёжных и ненадёжных. Это проявилось в годы репрессий (80-е годы) узбекских государственных руководителей. Отдельные «личности» при допросах «сломались» и начали клеветать на своего учителя... Но мы, ученики Акила Умурзаковича, выпускники 1962 года ТашПИ вместе с Мухсин ака боролись за своего учителя изо всех сил. Мобилизовали все свои возможности; надо сказать, что и он сам держался молодцом, и мы победили общими усилиями страшное зло. Что было с ним в этот период, ведомо только ему. Мы бесконечно благодарны Аллаху и Президенту Исламу Каримову за то, что Акил Умурзакович с нами и продолжает благороднейшую миссию Учителя. Вся интеллигенция республики встала на его защиту. И Президент тоже встал горой. Всё кончилось для Акила Умурзаковича благополучно, и он приступил к своим обязанностям ректора ТИИМСХ. В 1991 году он был избран академиком Узбекской Академии сельхоз наук. В 1995 году шёл процесс подбора кадров на должность ректора ТАДИ и с самого начала он вместе с советником поддержал мою кандидатуру, и вот 9-ый год я работаю вместе с ним рука об руку. Он избран Почётным ректором ТАДИ и помогает мне во всех моих делах и поддерживает все начинания. С ним советуясь по всем основным вопросам, и он как опытный советник, всегда подсказывает правильное решение. Он для меня Человек и Устоз с большой буквы. Досконально знаю, что он при моём избрании членом-корреспондентом Сельхоз академии также сыграл большую роль. И когда это было необходимо, поддержал меня, за что ему благодарен всю жизнь.



дошёл до каждого студента.

Во многих судьбах, и в том числе моей, мнение Акила Умурзаковича имело решающее значение.

Например, в 1971 году было необходимо его вмешательство в одну проблему. В это время он был секретарём ЦК партии. С его разрешения (он был одновременно заведующим кафедрой) я со своими друзьями и с помощью студентов начал монтаж оборудования в научной лаборатории по испытанию ДВС. Работа практически завершилась, и остались только монтаж электролиний и запуск. В это время активировались определенные круги, которые имели отношение в доставке этого стенда в институт. Несмотря на огромную занятость, Акил Умурзакович явился на разбор. Всех внимательно выслушал: их было пятеро, а я – один. Решение: «Пойдем, посмотрим, что сделал Сарвар.» В трёх комнатах установлено самое современное оборудование. Это – мечта каждого учёного! Он внимательно расспросил меня, что к чему, в конце сказал – «Продолжайте!» И не попрощавшись ни с кем, сел в машину и уехал. Здесь тоже хочу отметить его дальновидность и человечность. В течение трёх лет это оборудование лежало на складе, и никто не смог его установить. А когда взялся за дело знающий эти установки учёный, появились, мягко говоря, конкуренты. Акилом Умурзаковичем было принято своевременное и правильное решение. В итоге на этой установке выполнили диссертации несколько аспирантов и докторантов. До сих пор лаборатория функционирует, хотя переезжала с места на место несколько раз.

Всем известно, что всю жизнь вокруг Акила

свою квалификацию, как педагог и как конструктор.

Акил Умурзакович часто бывал в Москве и всегда интересовался ходом исследований всех аспирантов-узбекистанцев. Вокруг него собирались аспиранты и часто организовывали застольные беседы, плов и слушали его советы. И это было для нас своеобразной жизненной школой. Он всегда твердил, что нас ждёт Родина и народ. Мы, все аспиранты, как один (хотя были хорошие предложения для работы в Москве) вернулись в родные стены института и с тех пор работаем для своей Республики.

Помню 1973 год. Я завершил перевод на узбекский язык учебника «Автомобильные двигатели» Ховаха М.С. и Маслова Г.С. Это было согласовано с издательством «Укитувчи» в 1970 году. Однако за три года руководство поменялось, и новый руководитель в категоричной форме мне отказал. Даже не полистал рукопись перевода и сказал: «Если нужно мы сами переведём на узбекский язык». Все мои уговоры и просьбы не привели ни к чему. Настроение упало... Об этом рассказал руководителю кафедры Акилу Умурзаковичу. После определённого времени этот вопрос на уровне МинВУЗа был решён.

В 70-е годы издавать учебники по технической литературе на узбекском языке, даже и на русском без согласования с Госкомитетом по печати СССР, практически не было возможности. Узбекские учёные имели право писать учебники только по хлопководству, шелкопряду, каракулеводству, а по технике – нет! Как будто учёные Узбекистана «не доросли до такого уровня». Таким образом, благодаря Акилу Умурзаковичу первый учебник на узбекском языке появился на свет в 1977 году и

даврда Оқил ака билан бирга институт партия кўмитаси котиби бўлиб ишлаганим учун рўй берган ҳамма воқеалар ҳамон кўз ўнгимда. Эсимда, у киши институтимизга ректор бўлиб келганидан сўнг билим масалани ҳаётида жўшқин кайфият юзага келди. Биз филофилик тушунчаси нима эканлигини Оқил аканинг ёшлиқ услуги мисолида тушуниб етдик. Ректор, аввало советий эътиборни таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчилар ва талабаларга яхши шароит яратишга қаратди. Биз кўпинча талабчанлик деганда эътиққўлликни тушунамиз. Оқил ака эса ўз ишимизда масъулиятни сезиш, интизомни саклаш ва талабаларга инсондан меҳрибонлик қилиш каби маслаҳатларни ўзига ҳок маданият билан бизга уқтирар ва бажарилишини талаб қиларди. Шаҳсан менинг учун ва кўп сонли институтимиз коллективи учун энг қувончли кун – Оқил аканинг машъум воқеалардан кейин қайта ўз вазовимизга келиши бўлди... Домлани, унинг ўз хизмат ҳолатига таклиф қилганимизда, ундаги буюм ва оғажлар олдинги, бирламчи кўркини кўрсатиб турар, оқик қолган календар варағи эса Оқил ака қўли билан, уша кунда ва вақтда ёзилган режаларни ёритарди... Гуё буюмлар, девонхона жиҳозлари, хона безаклари – бизнинг омон келишингизни кутгандик, деган маънони билаларди. Бу ҳолат ва манзарани кўрган Оқил ака ўз оғаж тўлқинларини бошқара олмади... Камтарин, филофи инсон ҳаётидаги бундай лаҳзаларга урғу берганимнинг сабаби бор. Гап шундаки, баъзан ҳаётимизда шамолнинг эсишига қараб ўзгарадиган

одамлар учраб туради. Оқил акада эса эътиқод бутун эди. Шу сабабли атрофдагилар қалбига ишонч туйғусини сола билганди. Домла ўзига нисбатан садоқатни кўргач, янада руҳланиб ишлади. Кўплаб янги иншоотлар Оқил Умурзоқович ташаббуси билан қад ростлади. Кейинроқ у кишини техника университетига ўтказишаётганда институт яна бир калкиб тушди: "Энди раҳбарга ёлчиганимизда нега биздан олиб кўяяпсизлар!" - деган самимий «норози»лик Оқил аканинг олийжаноб инсонлигини ифодалаб турарди.

Хўш, Оқил Умурзоқовичдаги салоҳиятнинг мазмун-моҳияти нима эди? Биз, шогирдлар, у кишидан кўпроқ нимани ўргандик?

Энг аввало - камтарликни. Домланинг юриш-туриши, турмуш тарзи оддий. Овозини баландлатганини ёки ўзини бошқалардан юқори тутганини кўрмаганмиз. Институтнинг оддий ходимлари, талабалар билан ҳам самимий суҳбатга киришар, бунинг учун вақтини аямасди. У илмда А.Навоийнинг: «Билимдан лоф урмоқ асли нодонлик, нодонлигинг билсанг - шу билимдонлик» сатрларига риоя қиларди.

Оқил ака том маънодаги фидойи инсондир. Қийинчиликлардан чўчимасди. Лоқайдликни ёмон кўрарди. Бировнинг дардини эшита ва ҳис қила биларди. Энг асосий фазилати - давр талабини, масъулиятини чуқур ҳис қиларди. Ёши анчага борган бўлса-да, янгича фикрлашда барчамизга ибрат кўрсатарди. Талабчанлиги, тиниб-тинчимаслиги айнан ана шу фазилатидан келиб чиқарди. Аввал қандай бўлса,

ҳозир ҳам шундай. Ўзгармаган.

Яна бир намунали жиҳати - тўғрисўзлиги. Уйда ҳам, ишда ҳам, даврада ҳам, минбарда ҳам бир сўзни айтар ва шунга амал қиларди. Зеро, валломат, танги инсонларнинг қадр-қиммати ҳам шунда. Ўз умрини юрти ва халқи учун бахшида этган шундай инсон билан ҳамнафас бўлганимдан, бирга ишлаганимдан фахрланаман. Меҳнат фаолиятимда қўллаётганим - Оқил ака ўргатган эзгу-фазилатлар, доно маслаҳатлар бидила ҳамиша таъзимдаман.

Музаффар Хайруллаев,

ЎЗР ФА академиги

ТИЛИ ҲАМ, ДИЛИ ҲАМ БИР

Оқил Умурзоқович Салимов билан 1970 йиллар бошида беш йил давомида Ўз КП марказий кўмитасида, у инсон раҳбарлигида фан ва олий ўқув юртлари масалалари билан шуғулландим. Шу давр давомида Оқил Умурзоқович билан кўп марта учрашиб иш юзасидан суҳбатлашиш ва маслаҳатлашишга тўғри келган. Қатор мажлис, анжуман ва учрашувларда бирга бўлганимиз.

Алваламбор, мени у кишидаги ўзига тортган хислатлар - Оқил Умурзоқовичнинг ниҳоятда босқинчилиги, масъулияти, маданиятлилиги, ички интизомга қатъий амал қилиши эди. Кам гапириб, кўп масалани ҳал этиш у кишига хос хислат бўлиб, биз у кишини доимо ҳаракатда, муомалада, иш юзасидан суҳбатда кўриб ўрганиб қолган эдик. Бирор марта

овозларини баландлатиб ёки дўқ билан ниқтаб кўрсатма берганини кўрган эмасман. Ҳамма масалани силлиқлик билан осон ва тез ҳал қилар эди. Бу хислатлар, барча раҳбарларга зарур фазилатдир.


Ишда ҳам, сўзда ҳам, муомалада ҳам ҳозиржавоблик у кишига хос. Муаммони кўпайтириш, уларни ҳал этмай чўзиш у кишига хос эмас эди. Биз шунга ўрганган эдик.

Бирга хизматда бўлганларнинг барчаси у кишини ниҳоятда ҳурмат қилар, у билан учрашишга, иш юзасидан маслаҳат қилишга интилар эдик.

Умуман ўзини раҳбар сифатида катта тутиш, бепарволик, эътиборсизлик, ўзининг лавозими ва устунлигини кўрсатишга интилиш у кишининг табиатида йўқ. Хизмат юзасидан доимо жонкуярлиги, ўзини аямаслиги сезилиб туради.

Марказий қўмитадан хизматдан кетганимдан сўнг ҳам Оқил Умурзоқович билан яқин бўлиб қолдим. Ҳолбуки мен каби бирга хизматда бўлганлар кўп. Юксак ички маданият у киши шахсиятига хос фазилатдир. Унинг узоқ йиллик марказий қўмитадаги фаолияти давомида халқига, юртига, инсонларга ўз имкониятлари ва вазифаси доирасида самимий хизмат қилди.

Ўша даврда умумий шўро сиёсати ва мафкураси ҳамма учун ҳукмрон, унга итоат этиш, талабларини бажариш мажбурий эди. Лекин шундай шароитда ҳам ўз халқига, инсонларга яхшилик, фойдали хизмат қилишга интилувчилар кам бўлмаган. Айниқса, катта лавозим ҳар бир шахсдан кучли тафаккур, ўткир ирода, ишонч, қатъийлик, ахлоқий, маънавий етукликни талаб этарди.




Ўқувчи Оқил ота-оналари ва сингиллари билан



Оқилнинг мактабдош дўстлари. 1945 йил



Заведующий кафедрой «Автомобили»
Н.С. Абрамов среди выпускников 1950 г.



Оқил Салимов: рафиқаси Лолахон ва фарзандлари билан



Оқил Умурзоқович «Автомобиллар» кафедраси аъзолари билан. 1968 йил



Оқил Салимов ТошПИ ректори Муҳаммад Тошевич Ҳрозбоев ва проректор
Ҳасна Нурматовна Боймухамедов билан



Шароф Рашидов ва Оқил Салимов



Оқил Салимов ёзувчилар даврасида




Оқил Салимов ва Зулфияхоним



Оқил Салимов ва ёзувчи Константин Симонов



Оқил Салимов ва шоир Роберт Рождественский



Устоз ва шогирд

Мурод Шарифхўжаев,
Тошкент молия институти
ректори, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби,
академик

ҲАЛОЛЛИҚДА КЕЧАЁТГАН УМР

Дунёда шундай одамлар борки, улар инсонларга
вақтлик ва эзгулик уруғларини сочиш учун бутун
умрини бағишлайди. Халқимизнинг шундай фидойи
фазилатларидан бири Оқил Умурзоқович Салимовдир.

Донм ёшлардек шахдам, тетик, ғайрати қайнаб
турганган, яшаш забтига эга бўлган, ҳам устоз-муаллим,
ҳам давлат арбобларидан бири Оқил Умурзоқович, мана,
ақлнинг бешга кириб бораяпти.

Ўзбекистонда бу кишини танимаган одам оз бўлса
керек. Илм аҳли у кишини атоқли автомобилшунос
олим сифатида билса, мамлакатимиз аҳли юртимиз
раёнаки йўлида фидойиларча меҳнат қилган давлат
арбоби сифатида танийди. Яна бир қур одамлар у
кишини саховат ва одамийлик мезонлари соҳиби
сифатида биледи.

Дарҳақиқат, Оқил Умурзоқовичнинг олим сифатида
бўлиб ўтган йўллари, қилган хайрли ишлари бир китоб!
Уларни санаб, тавсифлаб адоғига етиш қийин. Бир
томондан минглаб талабалар устоз мураббийнинг
автомобилсозликка оид дарсларини тинглаган бўлсалар,
унинг шоғирдлар домла раҳбарликларида номзодлик ва
инженерлик диссертацияларини ёқлаганлар. Иккинчи

томондан, у киши қилган ишларнинг Ўзбекистон автомобилсозлиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлигига қўшган ҳиссаларининг аҳамиятини англаб етиш учун устоз ёзган кўплаб илмий асарлари билан яқиндан танишиш керак.

Аммо, илм чўққиларга эришгунча Оқил Умурзоқович сермеҳнат, сермашаққат ва шарафли йўлни босиб ўтдилар. Фандаги, таълим тизимидаги дастлабки қадамларидан бошлаб жамоат ишларида қатнашиб, ўқитувчиликдан то кафедра мудири, проректорлик ва ректорлик вазифаларида самарали ишлаб, истеъдодли раҳбар сифатида элга танилдилар.

80-йиллар ўрталарида авж олиб кетган қатағон шамоллари Оқил Умурзоқовични ҳам четлаб ўтмади. Икки йилга чўзилган тазйиқ таълим фидойисининг сочини оқартирди, қадини букди, саломатлигига жиддий путур етказди. Аммо бу ноҳақлик Оқил Умурзоқовичнинг иродасини асло енга олмади, аксинча, таълимга нисбатан мухаббатини, илм-фанга фидойилигини янада оширди.

О.Салимовнинг фидойи меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У киши - «Шуҳрат» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари, Олий таълим аълочиси, «Устоз» жамғармаси нишондори, яна қатор-қатор унвон ва мукофотлар соҳиби.

Оқил Умурзоқович босиб ўтган йўллар ҳақида ўйлар эканман, яна бир нарса мени ҳайратга солади ва ҳаваслантиради – у жуда ҳалол ва покиза ҳаёт кечирди. Ахир, бу ҳаётни ҳар канча мақтаб улуғламайлик, унинг

қошбадор томонларини айтиб алқамайлик, ўта шафқатсиз томонлари, дош бериш кийин бўлган ҳолатлари ҳам бор.

Инсон умри узун йўлга ўхшайди, бироқ бу йўл ҳамма-чаман сочилган гулзорлардангина иборат эмас, унинг наст-баландликлари, ўнқиру чўнқирлари, доғдлари ва ҳаттоки нопокликлари ҳам бор. Бу доғдлар оёғимизга чирмашишга, баданимизга ёпишишга, юзингизда бир умрга кетмайдиган доғ бўлиб тўқрилиб қолишга уринади. Бу йўллардан кирланмай ўтганинг ўзи катта фазилатдир. Оқил Умурзоқович бирон жойига гард юқтирмай, покизалигини сақлаб келапти.

Йўқ, мен Оқил Умурзоқовични бутун умрида бир марта ҳам хато қилмаган, адашмаган, бенуқсон, бекаму-буқ инсон, деб айтмоқчи эмасман. Негаки, адашмаслик, нуқсонсизлик фақат Оллоҳга хос!. Беайб - Нарвардигор. Бандасики бор, албатта, адашади, аммо адашишда - адашиш бор.

Оқил Умурзоқович эсини таниб, улғайиб, одамлар қамчилиги қадам қўйганидан бери шу пайтга қадар бирор одамнинг ғийбатини қилиб, тухмат ва яўдонларга йўл қўйгани йўқ, ҳасад ва бахиллик ҳуқуқига кирмади, дўстларига хиёнат қилиб, уларни ҳаққа итармади. Яқинларига, шоғирдларига, ёрдамга муқтисс одамларга ёрдам берса бердики, ҳеч кимга ҳақдорлик қилгани йўқ.

Қилоллик деганлари, поклик деганлари шунинг ўзи бўлиши мумкин? Унинг чеҳрасида барқ уриб турадиган нур

шундан эмасми? Оқил Умурзокович фан ва раҳбарлик соҳасида қанчалар юксакликка эришган бўлса, одамийлик соҳасида ҳам шунчалар юксакликка кўтарила олган инсонлардандир. Бундай инсонларнинг борлиги кишига чексиз далда беради. Яшашга, эзгулик йўлида тинмай курашишга, одамлар бахт саодати учун интилишга ундайди.

Мақсуд Қориев,
«Меҳригиё» газетаси
бош муҳаррири, ёзувчи

УНИ СЕВМАЙ БЎЛАДИМИ...

Инсон борки, меҳр-окибатли, дили-дилига тўғри келадиган кадрдон, садоқатли дўстга муҳтож. Ҳаётимда учраган, кўнглимиз-кўнглимизга тўғри келиб қолган ана шундай олижаноб инсонлардан бири Оқил Умурзокович Салимовдир.

Оқил Умурзокович билан биринчи марта Ўз КП Марказий Қўмитасида учрашиб қолганман. Ўша кезлари у фан бўлимига эндигина мудир бўлиб ишга келган эди. Мен бўлсам «Ўзбекистон овози» газетасида ишлардим. Хизмат бурчим бўйича янги мудир ҳузурига кириб, маслаҳатлашиб чиқмоқчи бўлдим. Уни мен Тошкент политехника институтидан келганлигини, техника фанлари соҳасида мутахассис эканлигини яхши билардим. У биринчи бор кўришимда Марказқўмнинг бўлим мудир сифатида эмас, мен учун оддий, камтар бир инсон сифатида кўз олдимда гавдаланди. Худди

илларидан таниш, энг яқин кишидек бемалол дилни-
анага кўйиб суҳбатлашиб олганмиз. У илм-фаннинг кўп
инжаларидан хабардор, кенг билимли олим ва раҳбар
сифатида кўз ўнгимда намоён бўлди. Шу-шу мен Оқил
абога меҳр кўйиб, қадрдон дўст-ўртоқ сифатида энг
яқин киши бўлиб қолганман.

Газетада қанча йил ишлаган бўлсам ҳамisha
ўзини оқилона маслаҳатлари, яқин дўстона
муносабатларини, самимий қўллаб-қувватлашларининг
шоҳиди бўлдим.

Оқил Умурзоқович билан бир бор сўзлашиб
қўнгангиз, уни ҳақиқатдан ҳам севиб қоласиз, яна бир
ўзини билсам, маслаҳатлашсам деб шунга интиласиз. Унинг
ўзи ҳам келишган, жозибали сўзи ҳам чиройли. Ахир
шундай олижаноб инсонни севмай бўладими?

Ўша собик иттифок даврида газета
редакцияларида ишлаш жуда оғир эди. Битта хато учун
бошингиз кетиши ҳеч гап эмасди. Ҳаётингиз қил устида
турарди. Газеталарга расмий материаллар жуда ҳам
қизиқиб келар, нутқлар, докладлар, Марказқўмнинг
кўрсатқичлари, бунинг устига Марказий газеталардан
кўчириб босиладиган редакцион мақолалар кундалик
газеталарнинг ҳаммасида ёппасига кўчириб босиларди.
Махаллий мақолаларга ўрин қолмасди. Баъзан газета
редакцияга тайёр бўлиб турганда ярим тунда Марказдан
кўнган-узок материал келиб қолар, газетани қайтадан
редакцияга тўғри келарди. Газета
редакцияларининг боши қотиб не қилишни билмай
қўнганларида мафкура масалалари бўйича қотибга

кўнғироқ қилардик. Шундай вақтда Оқил Умурзокович барча жавобгарликни зиммасига олиб: «газетани бузманглар, расмий материалларни эртанги сонга берамиз», деб журналистларнинг жонига оро кирардилар. Бундай воқеалар газеталар ҳаётида жуда кўп бўларди. Уша ҳар бир нарсага ҳадиксирай берадиган даврда у, бизнинг яқин ҳимоячимиз, журналистларнинг меҳрибон дўсти эди, десак янглишмаймиз.

Маълумки, тоталитар тузум шароитида «Имзосиз хат» («анонимка») деган бир ёмон кусур нарса бўларди. Галамис ниятли, нопок, қўлидан иш келмайдиган иғвогар кишилар ўзлари ёқтирмайдиган, иқтидорли, ишбилармон раҳбарлар устидан юқори ташкилотларга имзосиз хат ёзиб юборишар, бу билан ўша софдил кишиларни бадном қилишга, ҳатто ишдан кетишга ҳам сабаб бўлишарди. Айниқса, мафкура соҳасида ишлайдиган кадрлар устидан нафақат республика ташкилотларига, ҳатто Москвага, КПСС МКга, Халқ Контроли Қўмитасига, Марказий газеталарга имзосиз хат юборишарди. Албатта, бундай хатлар иттифок ташкилотлари томонидан қатъийлик билан текширишга юборилар, агар жиддийроқ бўлса республикаимизга алоҳида комиссия ҳам жўнатиладди.

Бир куни Оқил Умурзокович газета муҳаррирлари устидан тушган «имзосиз хат»ни ўқиб туриб, жаҳллари чиқиб, ҳатто ўша хат муаллифини қойиб юборганларини ўзлари ҳам билмай қолдилар.

Кейин: — Бу қанақаси, ҳаммаси тухма-ку! Бу лаънати отасиз туғилган бўлса керак. Нени

булмаса ўз имзосини чекмабди. Шу ғаламис ниятли боғини топиб яхшилаб жазосини бериб қўйиш лозим, — дедилар.

Кейин яна: — Имзосиз хат ёзган беном, беномус одам умр бўйи кийналиб юради, — деб дундилар.

Кишини ранжитмоқ, кўнглига озор бермоқ, тинибат қилмоқ ўта оғир гуноҳдир, бундай кишиларнинг йекки дунёси ҳам куйгай.

Ёдимдан чиқмайди, мен 1970 йилда Шредер номидаги илмий-тажриба хўжалиги ёнидан ўзимга дала боғи сотиб олдим. Ўшанда кимдир устимдан имзосиз хат ёзиб юборибди. Текшир-текширишлар бошланди. Махсус комиссия ҳам боғни кўриб келди. Институт директори ҳурматли «Маҳмуд Мирзаев комиссия аъзоларига ҳаммасини яхшилаб тушунтириб берибди: «Бу боғда икки хонали оддийгина уйи бор, боғни сотиб олинган кейин чўмилиш учун ховуз қилди, унчалик узар бағанидек ховуз эмас. Анчагина мевали дарахтлар ўтказилди, деб изоҳлаб берибди». Бир куни дам олиш куни боғимдаги дарахтларни суғориб юрган эдим, кўкқисдан Ойил Умурзоқович келиб қолди. Ҳайратдаман, нима тўғриси билмайман.

— Эҳе, мақталиб ваҳима қилиб ёзилган боғнинг сати, — деб ҳазиллашдилар.

Хуллас, имзосиз хат муаллифларининг туҳмати қилган Қизиги шундаки, Оқил ака шундан кейин дала боғини бозан дам олиш кунлари келиб турадиган кунда қолдилар. Бизнинг дўстлигимиз яна ҳам

барқарор, мустаҳкамланиб борди. Чунки биз ҳаётда ҳам, ишда ҳам ҳалол эдик, ҳеч кимга ёмонлик қилмадик. Эзгулик, яхшилик турмушимиз, юриш-туришимиз мазмунига айланиб қолган эди. Ахир «инсон» сўзи энг улуғ каломдир, шуни билиб қўймоқ лозимки, сен Оллоҳ яратган жонзотлар ичра энг мукаммали, энг улуғисан, шу сабаб сени Инсон дерлар.

Газеталарда танқидий мақолалар босилиб чиққанида баъзи обком, райком котиблари ўзларининг обрў-эътиборларини ишга солиб газеталар устидан Марказқўмга «Мақола яхши текшириб кўрилмай ёзилган» деб шикоят қилишар, муҳаррирларни тартибга чақиришни, ҳатто жазолашни талаб қилиб қолган вақтлари ҳам бўларди. Шундай кезларда Оқил Умурзоқович албатта газетачилар томонида турар, ҳақиқий ёзилган танқидни қаттиқ туриб ғимоя қилар, мақолага жавоб беришни тегишли идора ва раҳбарлардан қатъийлик билан талаб қиларди. Аммо газетада бирор хатога йўл қўйсак, бундай вақтларда ўринли танбеҳ берардилар.

Оқил Умурзоқович Салимов ўзи техника соҳасида мутахассис бўлишига қарамасдан мафкура соҳасини жуда яхши биларди. Адабиёт, санъат, журналистика, маърифат соҳалари, турли уюшмалар, ҳамма-ҳаммасининг ишларига билафонлик билан раҳбарлик қилиш қобилиятига эга эди котибимиз. Биз Оқил аканинг камтарлиги, одамохунлиги, қалби тозаллиги учун иззат-икром этардик, тўғриси севардик. Ўзи ҳам ширин сўз, юзидан таббасум ҳеч қачон кетмас, агар бирга

сефорга чиқсангиз, суҳбатда бўлиб қолсангиз, ҳеч қачон
эрикмасдингиз. Бирга бўлганингизда ҳеч қачон ўз
мансабини пеш қилмас, сиз билан оддий одамдек
самимий сўзлашарди.

Бир йили Оқил Умурзоковичга жуфти халоллари
Лолахон билан Ялтада бирга дам олиш насиб бўлиб
қолди. Яна Ўзбекистондан келган эътиборли дўстлар
ҳам оилалари билан келишган эди. Ўша саодатли кунлар
ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Оқил ака эрта саҳарлаб
туриб, бу гўзал водийни серфайз ўрмонлари, боғларида
сўйр қилиб юрар, спорт билан мунтазам шуғулланар,
бир дақиқа вақтини бекорга ўтказмасди. Ўша Ялтада
тушган оилавий суратлар менинг расмлар албомимда
ҳамон сақланиб қолган.

Яна бир муҳим томони шунда эдики, Оқил
Умурзоковичнинг Ялтага боришидан асосий мақсади
турмуш йўлдошлари Лолахонни даволаш эди. Шуни
айтиш лозимки, Оқил ака оғир хасталикка учраган
Лолахон опанинг кўрсатмаган шифокори, табиби, олиб
бормаган шифохонаси қолмади. Бир дақиқа ҳам
Лолахонни ёнидан кетмади, энг оғир дамларда бошида
сурани, умрбод унга содик қолди. Фарзандлари
Дайлохон, Равшанларга ҳам оталик, ҳам оналик қилди
демак ҳақ гапни айтган бўламиз. Ҳозир Оқил
Умурзокович ажойиб фарзандлари, қатор-қатор
наваралари даврасида, уларнинг меҳри-муруввати билан
куршаб олинган.

Ўзбек халқи бошига оғир кунлар тушган
байвонинчи йилларда Оқил Умурзокович дастлаб

Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумининг раиси, кейин уни Тошкент ирригация ва механизация институтига ректор этиб юбордилар. Тиниб-тинчимас ташкилотчи, жонкуяр ректор институтда илмий-тадқиқот ва тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйди. Катта қурилиш ишлари олиб борди. Мазкур институт пойтахтимиздаги ўқув-тарбия ишлари намунали ташкил этилган олийгоҳлардан бирига айланди.

Аммо ишлар яхши кетаётган бир пайтда, иғво-туҳмат, «имзосиз хатлар» туфайли алломанинг бошига таъна тошлари ёғилди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, 1988 йил октябр ойлари эди. Кечқурун Оқил Умурзокович хуфтон чоғида дала боғимга келиб қолдилар. Республикамиз халқи бошига таъна тошлари ёғдириляётган ўша оғир, аянчли дамларда мен учун энг кадрдон кишимни йўқлаб келишидан бошим кўкларга етиб кетди.

Аммо ректорнинг кўнгли нохуш, асаблари негадир бузилган, хаёллари тўзғиган. Ҳурмат билан дастурхон ёздим, ширин-шакар меваларни дастурхонга қўйдим. Оқил аканинг дарди ичида, бир нарса демоқчи бўларди-ку, лекин тили бормасди. Овқат олиб келдим, киттай-қиттай ичдик ҳам.

— Менинг бошимга ҳам маломат, туҳмат тошлари ёғмоқда. Нима қилишга хайронман. Мени Москвага олиб кетишадиганга ўхшайди, — деб қолдилар.

Биз ўша куз кечаси ярим тунга қадар дардлашиб ўтирдик. Ҳовлидаги каравотга жой солиб ўрин қилиб бердим. Чироқлар ўчди. Осмон тўла юлдуз. Нақадар чиройли сокин кеча. Жимжитлик, осойишта бир вазият

Ҳў шу жимжитлик қўйнида олам-олам ғалаён бордек. Самога термулганча ётибмиз. Уйқу қурғур келмайди... Минг хаёллар билан кўзим уйқуга кетиб қолибди. Эрталаб уйғонсам Оқил ака ўрнида йўқ, кетиб қолибди. Шундан кейин мен уни кўра олмадим... Кейин эшитсам, Оқил Умурзоқович институтга борганларида кабинетларидан Москвага олиб кетиб қолишибди.

Ўринларини йиғиб қўйдим. Қарасам қуёш барсандек бўлиб кўтарилди. Бутун оламни ўзининг ҳайбати нурлари билан нурафшон айлади. Балки бу тинч мунаввар кунларни олиб келар. Бу эркинлик, эстетик нурлари бўлсачи? Хаёлимдан ўтказаман.

Қорлар эриди, музликлар ҳам. Ахир ҳаёт бир ҳўлда тўхтаб қолмайди-ку! Жаҳолат ўрнини адолат, торонтлик ўрнини ёруғлик эгаллайди-ку! Ва ниҳоят республикамиз мустақилликка эришди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган тавқи лаънат ўша тоталитар тузум томонидан атайлаб ўйлаб топилган тўхмат-надомат маълиғи маълум бўлиб қолди. Адолат тантана қилди. Ўзбекистон озод, мустақил Республика, деб эълон қилинди. Унинг Президенти этиб Ислон Абдуғаниевич Каримов сайланди. Муҳтарам Президентимизнинг буюк тўхматларидан бири шуки, миллатимиз бошига тушган офат-тўхматлардан ўзбек халқини қутқарди. Миллатимизнинг шавкати, обрў-эътиборини осмонларга кўтарди. Москва авахталарида ҳақсизликдан, тўхматдан азоб чекиб ўтган юртдошларимизни ана шу тўхмат балосидан қутқарди. Улар ўз она Ватанларига юзлари ёруғ бўлиб қайтиб келишди. Шу жумладан бизнинг кадрдонимиз,

Оқил Умурзокович Салимов ҳам озодликка чиқди.

Мана, бизнинг Оқил акамиз етмиш беш ёшга тўлди. У, шунча ёшга кирган бўлса ҳам, ҳамон ёш, навқирон йигитлардек. Келишган, юришлари тетик. Истиқлолимиз учун жон куйдириб, ёниб ишламоқда. Ҳа, Оқил аканинг зуваласи пишиқ, чунки унинг қалби пок, таги-тахти бақувват, аждодлари улуғ инсонларга, аслзодаларга бориб тақалади. Шу боис у ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳали ҳам эл-юрт хурматида. Уни Республикамизда барча танийди, иззат-икром килади. Бирор тўй, маросим ёки йиғинга бориб қолсалар одамлар шу камтар, олижаноб инсонни қўлини бир олиб қўяй, дегандек ҳузурига югуриб келиб, энг яқин кишисидек самимий саломлашади.

Бир одамдан:

— Айтгинчи, сен дунёга келиб нима иш қилдинг, бирор туп дарахт ўтказдингми, мевасидан баҳраманд бўлдингми? Кимларга яхшилик қилдинг, саховатли ишларинг учун одамлардан дуо олдингми, деб сўрашибди...

Бизнинг Оқил аканинг бутун мазмунли, жўшқин ҳаёти ана шундай саховатли савоб ишлар билан боғланиб кетган. У, ўз Ватани, халқи учун жон куйдириб меҳнат қилди ва қилмоқда.

Ўткир Ҳошимов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИСТИҚЛОЛДАН НУР ОЛГАН ОЛИМ

Ҳадиси шарифда айтадилар: «Ярлақанган бағдасидан эзгу амаллар, солиҳ фарзандлар, содик шогирдлар ва яхши китоблар қолади». Бир қарашда бу — табиий ҳақиқат. Бирок мана шу тўрт амални адо этиш инсоннинг мушкул юмуш.

Оқил Салимов босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлаган киши кўп ибратли ҳолатларни кўриши мумкин. У бундан эллик йил аввал ҳимоя қилган номинидлик диссертациясидаёқ иқтидорли олим эканини юз берган эди. Автомобил ва трактор двигателларининг иссиқ иқлим шароитида унумли ишлашига қаратилган бу тадқиқот етук мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги бежиз эмас. Ким билсин, балки айнан шу масала устида бош қотириш ёш олимнинг ўз юртига қўнган меҳрининг тўрткиси боис туғилгандир. Негаки унинг ўли иссиқ иқлимли Ўзбекистонда туғилиб ўсган. Олим одам ўз заминининг манфаатини ўйлаши табиий ҳолат.

О.У.Салимов Тошкент Политехника институтида табиий ассистентдан ректор даражасигача бўлган йўлни босиб ўтганида ҳам, техника фанлари доктори унвонини юртинида ҳам муттасил изланишдан тўхтамади. Кўплаб монографиялар, дарсликлар яратди, ўзбек техника фани тарихига ҳисса қўшди. Олий ўқув юртида таҳсил олган минглаб талабаларга, илмий изланишлар олиб

бораётган ёш олимларга устозлик қилди.

Оқил Умурзоковичнинг олим ва раҳбар сифатидаги фаолияти мустақиллик йилларида янада кенг камровли бўлди. У Тошкент Давлат ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш институтига, кейинроқ мамлакатимиздаги энг йирик олий ўқув даргоҳи – Тошкент Давлат техника университетига ректорлик қилганида, академик унвонини олганида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири бўлганида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида яратилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга оширилишига салмоқли улуш қўшди. Мазмун-моҳияти билан тамомила янгича бўлган бу Дастур Ватанимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг пухта билим олиши, ўз юрти манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи, дунёнинг қай бурчагига бормасин, ҳеч кимдан қолишмайдиган мутахассис эканини исботловчи билимдон инсон бўлиб шаклланишига қаратилди ва ўз самарасини берди. Тажрибали олим О.Салимов мана шу муҳим ва хайрли юмушга ўз хиссасини қўшишга интилди, хизматини аямади. Ундан сабоқ олган талабалар, қўл остида докторлик диссертацияси ёклаган алломалар, фан номзоди бўлган ўнлаб олимлар у устозларига самимий эҳтиром кўрсатиши ана шундан. Унинг шогирдлари орасида академиклар, фан арбоблари, мамлакатимизнинг энг нуфузли университет ва институтларининг ректорлари бор. Бу эса унинг фақат олимгина эмас, устоз сифатида ҳам катти

кўмушлар қилганини тасдиқлайди.

Шу ўринда тагин бир фикрни айтиш адолатдан булур эди. Баъзан инсон қисмати шахмат тахтасидаги ниҳданнинг юришини эслатади. У гоҳ оқ катакдан, гоҳ қара катакдан ўтади... Оқил Салимов қисматида ҳам булутди кунлар бўлди. Бунинг сабабчиси собиқ шўролар тузумининг қаттол сиёсати билан боғлиқ эди.

Мустабид тузумнинг бир одати бўларди: ҳар ўн-ўн беш йилда бир «калла олиб» турмаса, кўнгли жойига турмасди. Бундан мурод – халқни муттасил ваҳима ҳаёт ҳолатида ушлаш, жиндай эркин фикрлайдиганларни, миллатнинг мева берадиган гулларини йўқ қилиш, халқни «оломон»га айлантириш эди.

Шўролар тузуми, гарчанд барчага «тенглик», «ферровонлик», «мустақиллик» сингари чиройли шўролар билан йўгон-йўгон ваъдалар берган бўлса-да, ҳақиқатда бунинг акси бўлиб чиқди. Ўтган асрнинг ўн еттинчи йилида рўй берган тўнтаришдан сўнг йўқолиб қолган фуқаролар уруши миллионлаб ҳаётсизларнинг ёстиғини қуритди. Ота-болага, ака-укага душман бўлди. Ўзбекистонда ўз Ватани озодлиги учун курашганларга «босмачи» деган тамға урилди ва қириб кетди. Мажбурий колхозлаштиришга кўнмаган юз минглаб тажрибали деҳқонлар «қулоқ» қилиб Сибирга вақтарга ютилди. 37-йил, 50-йил қатағонлари ҳар бир инсоннинг гули бўлган зиёлиларга қирон келтирди...
■ Янадайдирок ўйлаб қарасангиз, шўро замонида туғилиб ўтган бирон авлод урушлар ва қамоқларсиз яшамабди!

Шўронинг «қонсираш» дарди саксонинчи йиллар бошида тагин қўзиб қолди. Бу сафар «қурбонлик» учун ўзбек халки танланди. Калтафаҳм сиёсатчилар, тўнкамижоз «ҳуқуқшунослар» социалистик тузумнинг тарих олдида ҳеч балога эриша олмагани, улкан мамлакатда рўй бераётган бўҳронлар учун ўзбеки «айбдор» деб топдилар. Буни қарангки, бутун бир совет жамиятининг зил кетишига ўзбекларнинг «қўшиб ёзиши» сабабчи экан! Буни қарангки, Ўзбекистондан марказий минтақаларга вагонларда тола ўрнига ҳаво, самолётларда эса «дипломатлар» тўла пул бораркан! Ўша кезлари юртимизга келган КПСС раҳбарларидан бири – Бессарабов деган жаноб ўзбек халқини батамом ҳаромхўр, «қўшиб ёзувчи», «миллионер»га айлантиргани ёдимда. Ўша паллада Ўзбекистонга раҳбарлик қилаётган айрим «юрт оталари» ҳам шу «мусика»га ўйнагани, «чириб кетган» республикани марказдан келадиган «халол», «малакали» кадрлар билан таъминлашни илтижо қилгани ёдимизда.

Ўшанда Марказқумда ишлайдиган «опа»лардан бири менга ҳам сўзга чиқиш, коммунист сифатида марказ сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлаш ҳақида топшириқ берганди. Анжуманнинг оқавасига қарасам, барча ўзбеклар ҳаромхўр, уёқдан келганлар эса фариштага айланаяпти. Сўзга чиқишга чикмадим-ку, ўртоқ Бессарабовдан ўзимнинг «ақлим етмаган» бир нарсани тушунтириб беришни илтимос қилдим. Агар «ҳаромхўр» Ўзбекистондан марказга вагонларда тола ўрнига ҳаво, самолётларда эса чамадон тўла пул борган

қили, нима учун уёқдагилар «менга самолётда келган нун керакмас, мар-ҳамат қилиб толанинг ўзини жабринлар» демабди? Нима учун ўзбеклар қамалди-ю, уёқдагилар «фаришта?» Ахир, пора оладиган амалдор пора берадигандан кўра юқорироқда ўтиради шекилли? Табиийки, бу савол жавобсиз қолди ва мендек «сиёсий таводисиз»ни бундай йигинларга чакирмай қўйдилар...

Бу тариқа юзлаб бегуноҳлар қаммоққа тиқилди, олис юрталарга бадарға қилинди. Гдлян ва Иванов деган баллакесарлар оддий деҳқон билан хўжалик раҳбарини қам, туман бошлиғи билан Республика миқёсидаги арбобини ҳам ҳибсга олиб, аёвсиз зулм қилдилар. (Мен қамб сифатида бу ҳужжатларни синчиклаб ўрганганман. «Қатагон» фожиаси, қатор бошқа асарлар ёзиш учун улар билан чуқур танишганман. Шу хулосага келганманки, бу конхўрлар кўлига тушган инсонларнинг кўпчилиги «гуноҳи»ни қилди, деб «исботлаш» учун, йўқ айбонини «бўйнига қўйиш» учун турли қийноқ усулларини қўлдан келтириб берган. Шундай айбсиз «айбдорлар» орасида Оқил Каримов ҳам бор эди).

Иккинчиси, юртимиз бахтига, халқимиз истикболига Ислам Абдуганиевич Каримов мамлакат раҳбари бўлди. Ўз фаоллиятининг биринчи кунлариданоқ «ўзбек иши», «ахста иши» баҳонасида қатагон қилинганларни оқлаш, бадаларга эгилганларни ўз Ватанига кайтаришга аҳд қилди.

Бир воқеа аниқ кўз ўнгимда турибди. 1990 йил декабрь ойида Москвада КПСС XXVIII съезди бўлди. 5 декабрь куни Ислам Каримов съезд минбаридан туриб

«пахта иши» баҳонасида бутун бошли ўзбек халқини бадном қилиш, бу хунрезлик ташкилотчилари ҳали тарих олдида жавоб бериши муқаррарлигини баралла айтганда анжуманга тўпланган минглаб одамлар бу инсон жасоратига қойил қолган эди! Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган дунё жамоатчилиги вакиллари олдида бундай «қалтис» ҳақиқатни очиш мислсиз жасорат эди. Чунки ҳали Мустақилликка эришганимиз йўқ эди, шўро сиёсатининг қамчисидан кон томиб турар, марказдаги казо-казо раҳбарларнинг ўзи «чекланмаган ҳуқуқ» бериб қўйган жазо отряди ҳар балога кодир эди...

Мамлакатимиз Президенти Истиқлолнинг биринчи куниданоқ бегуноҳ жазога тортилганларни озод қилишга эришди. Уларнинг пок номини тиклади. Шулар орасида Оқил Салимов ҳам бор эди. Юртбошимиз унинг хизматларини тақдирлаб, энг масъулиятли лавозимларни топширди. Шу тарика адолат тўлик тантана қилди.

Бугун ўзининг етмиш беш ёшини кутиб олаётган олим, Ҳадиси-шарифда айтилганидек, яхши амаллари, солиҳ фарзандлари, содиқ шогирдлари, яратган илмий асарлари билан байрам қилмоқда. У ўзининг қисматиини ёритган Истиқлолга тасанно айтса, бу билан ҳарчанд фахрланса арзийди.

Нурислом Тўхлиев,
«Ўзбекистон Миллий
энциклопедияси» Давлат
илмий нашриёти директори,
иктисод фанлари доктори,
профессор

ОҚКЎНГИЛ ОДАМ

Устоз Оқил Умурзоқович Салимов билан менинг
биринчи учрашувим 1979 йилнинг ёз кунларида содир бўлган
эди. Мени суҳбатга олиб киришганида у киши гапни чўзиб
турмасдан дангал қилиб, «Сиз ҳақингизда маълумотим
кам. Энди аппаратда бирга ишлаймиз, розимисиз?» - деди.
Инструктор аппаратнинг энг қуйи ходими ҳисобланиб,
қўлиб улар билан кам қўришар, топшириқлар эса асосан
ўзим мудури ва унинг ўринбосарлари орқали берилар эди.
Аммо шунга қарамасдан, у киши ҳақида ходимлар ўртасида
нопаён, сергайрат, расмиятчиликни хуш кўрмайдиган
минимий раҳбар ва инсон сифатида тасаввур шаклланган эди.
Ўзининг олдига биринчи бор кириб қолган одам унинг
қўлида 4 ёки 5 телефонда гаплашаётганини кўриб
қўнғини ва ҳатто бир неча муддат эътиборсиз ўртада тик
қўлиб кетиши, айрим ҳолларда нима учун йўқлатилганини
унинг ўзидан аниқлаш ҳоллари ҳам учраб турарди.

Оқил Умурзоқович баъзида «қоида»ни бузиб,
инструкторга бевосита ўзи телефон қилиб топшириқларни
қўришар эди. Бундан хурсанд бўлган ёш ходимлар
инструкторни бекаму-қўст бажаришга ҳаракат қиларди.

Бир юқса мени ҳаётимда муҳим аҳамиятга эга бўлган

эди. 80-йилларнинг бошларида ўша вақтда анча долзарф бўлган агросаноат интеграцияси механизми муаммоларига бағишланган докторлик диссертациямни ёзиб тамомладим. Иш ҳимояга тавсия ҳам этилди, икки монография, ўнлаб илмий мақолалар, жумладан 5 та назарий мақола марказдаги нуфузли иқтисодий журналларда чоп этилди. Аммо мен ишлайдиган бўлимда «қандай бўлар экан, ёки партия, ёки илмий иш, биттасини танланса бўлармиди?» қабиллиги муносабат бўлиб турганди. Шунда Оқил Умурзоқовичга мурожаат этишга қарор қилдим. Аниқроғи, тўғридан-тўғри бу масалада чиқишдан истиҳола қилиб, бошқа киши орқали мени юқоридаги муаммо бўйича қабул қилишни илтимос қилдим. Оқил ака, эшитар-эшитмас, «Муаммо нимадан? Диссертация тайёр бўлса, уни ҳимоя қилиш керак, мендан нима ёрдам?» - дебди дабдурустдан. Елкамдан тоғ қулиб тушгандай бўлди.

У кишини турли лавозимларда, турли вазиятларда, ўзим ҳам турли хизмат пиллапояларида бўлганимда учратганман. Лекин бирон марта у кишидаги ўзгаришни, муомаладаги пасту-баландликни сезмаганман. Ҳар доим куюқ кўришиб, самимият билан «оиланг тинчми, ишларинг яхшими, йўқ бўлиб кетмагин» деб кўяди. Элга бериладиган ошига ҳам амалига қараб чақирадиган, курсиси пастроқлар билан эринибгина сўрашадиган кишилар учраб турадиган бир замонда устознинг бу фазилатлари анча ноёб бўлиб кўринади.

Шиддатли ва аёвсиз вақт Оқил Умурзоқовичга ўзининг таъсирини деярли ўтказа олмаган. Бу сирни ҳар ким ўзича, ҳар хил изоҳлайди. Уларда ҳам ҳақиқат бўлиши мумкин. Мен эса, бунинг асосий сирини унинг самимийлиги-ю оқ кўнгиллилигида деб биламан. Дарҳақиқат, кўнгли оқ одам қаримайди.

Наим Гойибов,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

СУЯНЧИҚ

Одамлар ҳар хил. Бировнинг сиркаси сув кўтармайди, бўлган-бўлмаганга фиғони чиқиб, оламга сиймай қолади. Бошқа биров унча-мунчага парво кўтормайди. Худди шунингдек, баъзилар шахсий манфаати гирдобида қолиб кетган, фикри-зикри: ўзим бўлай! Баъзиларнинг эса бағри кенг, дили тоза, эли, юрти обод бўлса, кўнгли таскин топади; одамларнинг шарини енгил қилса, жамиятга бирор нафи теккудек бўлса, терисига сиймай севинади. Бундай инсонни халқ дўнди қилиб, «яхши одам» дейди.

Яхши одамлар камми-кўпми билмайман. Лекин одам ободлигини, ҳаёт гўзаллигини, инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатни авайлаб-асраб келаётганлар азизлар, яъни яхши одамлар-да! Оқил Умурзоқович Салимов ана шундай, халқ назарига тушган, бағри кенг одамлардан биридир.

Оқил акани узоқ йиллардан бери биламан. Катта-кичик лавозимларда хизмат қилган даврларимда у кишининг кўп маслаҳат ва ўғитларини олганман. Ўйлашимча, Оқил аканинг бебаҳо фазилатларидан бири одамларни яхши кўриши, уларга қўлидан келганича яхшилик қилиши, уларни ўзининг яқинлари

деб ҳис этишидир.

Аёнки, илм-фан, маданият, санъат аҳли ўзига хос алоҳида хусусиятларга, ақл бовар қилмайдиган хилма-хил индивидуал кайфиятларга эга. Шу боис улар билан мулоқатга киришиш, хусусан, улар фаолиятига раҳбарлик қилиш ўта нозик маданиятни, одамохунликни, инсонлар қалбига кира билиш ва дилидагини тушуна олиш қобилиятига эга бўлишликни талаб этади. Оқил ака меҳнат фаолиятининг аксарият кўп даврида ана шу соҳага раҳбарлик қилди. Айтиш жоизки, Оқил аканинг юқорида қайд этганимиз одамийлик хислатлари айнан шу фаолиятида жуда кўл келди. У киши фан, маданият, санъат аҳлининг қалбига кира олди, уларнинг дилидаги эзгуликларни фаҳмлади, бу ниятларнинг рўёбга чиқишига ёрдам берди.

Иқтидорли ижодкорлар фаолиятдан бохабар бўлишни, уларнинг ижоди учун имконият ва шароитлар яратиб беришни Оқил Умурзоқовичнинг хизмат вазифаси доирасига кирадиган юмушлар, деб ҳисобласак, илм аҳли, санъаткорлар эришган ҳар бир ижодий муваффақиятларга улар билан биргаликда баб-барабар қувониши эса, у кишининг инсоний фазилатлари нишонасидир.

Эсимда бор, хорижга чиқиш, халқаро илмий анжуманларда, маданий тадбирларда иштирок этиш, айниқса, уларда маърузалар билан чиқиш учун минг чиғириқдан ўтказиладиган даврларда Оқил ака республикамиз олимлари, санъаткорларини четга юбориш йўлларини излар ва кўпинча бунга муваффақ

булар эди.

Оқил аканинг одамийлигидан, мардлигидан далолат берувчи бир воқеа, айниқса, ёдимдан чиқмайди. "Ўзбекистон" нашриётига директор бўлиб ишлаган вақтда нашриётда чоп этилган нашрларнинг биридаги бир фотосурат Москвадаги марказий раҳбарият аппаратидагиларга ёқинқирамабди. Текшир-текшир акалга чиқиб, бу "қусур" учун нашриёт раҳбарияти қаттиқ жазоланадиган бўлиб қолди. Шунда Оқил Умурзоқович хузурига кириб масаланинг моҳиятини тушунтиришим ҳамано менинг олдимда Москвага, яъни муассасди амалдорга телефон қилиб, адл туриб, «бу менинг топширигим билан бўлган, бу ўринда нашриётни айблаб бўлмайди; мабодо шу иш учун жазо берилиши лозим бўлса, мени жазолаш керак», деган мазмунда гапирди. Шу-шу ҳамма ёқ сув сепгандай тортинди-қўйди...

Хуллас, Оқил Умурзоқовичнинг инсоний қилатлари, уларнинг ажойиб самаралари кўп. Уларни бирма-бир таърифлаш қийин иш. Лекин бу қилатларнинг бир самарасини айтмасам бўлмайди. У қан бўлса Оқил аканинг йигитлардек кўркем ва бавақрон бўлиб юришларига у кишининг, қайд отанимиздек, бағри кенглиги, қалби тиниклиги ва бавақарга яхшилик қилиб чарчамаслиги сабаб бўлса шубҳаб эмас.

Эл дуоси кўкартиради ва яшартиради, деб шунга эътиқинса керак-да?

Лерик Ахметов

Доктор экономических наук,
профессор, заслуженный
работник транспорта
Республики Узбекистан

НЕЗАБВЕННЫЕ ТЕ ГОДЫ...

В эти юбилейные дни как-то даже не верится в эту цифру, так стремительно прошли вторая половина двадцатого и начало двадцать первого века, насыщенные большими незабываемыми историческими событиями и впечатлениями.

Почти пятьдесят лет тому назад молодой ученый, прибывший после окончания аспирантуры из Москвы, Акил Умурзакович повез нас, первокурсников-автомобилистов на сбор хлопка, на поля бескрайней Голодной степи. Так мы, студенты Среднеазиатского политехнического института, получили первое в своей жизни трудовое крещение.

Нам всем очень повезло, что нашим непосредственным руководителем и наставником был Акил Умурзакович – требовательный, чуткий, внимательный, высококультурный и интеллигентный человек.

Первыми нашими учителями по автомобильному транспорту были: Акил Умурзакович, незабвенный Абдусалом Абдуганиевич Муталибов – первый ректор Ташкентского автомобильно-дорожного института, Николай Сергеевич Абрамов – заведующий кафедрой. Без преувеличения, они были выдающиеся ученые, воспитатели и педагоги, широко эрудированные люди с энциклопедическими теоретическими и практическими знаниями и навыками.

Акил Умурзакович, Абдусалом Абдуганиевич и Николай Сергеевич преподавали нам самые первые и общепонятные и верные уроки человечности, серьезного, ответственного и творческого отношения к знаниям и выполняемой работе, требовательности к себе и окружающим, верности своему слову и порядочности. Воспитанные ими высококвалифицированные ученые, инженеры, государственные и хозяйственные деятели в последующие десятилетия определили и во многом обеспечили поступательное и позитивное развитие автомобильного транспорта, автомобилестроения и экономики Узбекистана. В независимом и свободном Узбекистане успешно трудятся на благо Республики не только ученики, последователи и соратники Акила Умурзаковича, но и следующие поколения, ощутившие и ощущающие на себе благотворное влияние Акила Умурзаковича и его учеников.

Акил Умурзакович, в течение многих лет являясь крупнейшим ученым, одним из руководящих государственных и общественных деятелей Узбекистана, много сделал для научно-технического прогресса в Республике Узбекистан, в становлении и формировании науки, высшего и среднего образования в Узбекистане, подготовил и воспитал целую плеяду ученых и специалистов,

Большую известность и всеобщее признание получили научные труды, монографии и прикладные исследования и разработки, выполненные и реализованные Акилом Умурзаковичем, его учениками и последователями, и, в первую очередь, в области двигателестроения.

Скоро хотелось бы отметить решающую роль, которую

сыграл Акил Умурзакович в создании и развитии нашего родного Ташкентского автомобильно-дорожного института, который в течение 30 лет готовит специалистов и ученых не только для Республики Узбекистан, но и для других стран.

Много труда вложено Акилом Умурзаковичем в развитие культуры, искусства, литературы, живописи и средств массовой информации в Республике Узбекистан, в ознакомление мирового сообщества с достижениями во всех сферах культурной и общественной жизни страны.

Государственная, общественная, педагогическая и научная деятельность Акила Умурзаковича получили достойную оценку и признание; он крупный ученый и педагог, пользующийся всеобщим признанием и глубоким уважением в Узбекистане и за его пределами, доктор технических наук, профессор, академик Академии сельскохозяйственных наук Республики Узбекистан, заслуженный деятель науки Узбекистана, действительный член Нью-Йоркской Академии наук и Международной Академии высшего образования, удостоен многочисленных правительственных наград Республики Узбекистан, бывшего Союза и ряда других стран.

В последние годы, являясь Советником Министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, Акил Умурзакович передает свои бесценные знания и опыт молодым ученым, специалистам, студентам и практикам и вносит неоценимый творческий вклад в дальнейшее развитие Республики Узбекистан.

Больших успехов, крепкого здоровья, счастья и многих лет жизни Акилу Умурзаковичу в его неутомимой деятельности на благо и процветание Узбекистана.

В.С. Шкрабак

Ректор Санкт - Петербургского
Государственного аграрного
университета, заслуженный
деятель науки и техники РФ,
доктор технических наук,
академик

ПАТРИОТ-ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ, ТВОРЕЦ-СОЗИДАТЕЛЬ

24 декабря 2003 г. исполняется 75 лет славному сыну
братского узбекского народа, патриоту-
интернационалисту, видному ученому и общественному
деятелю Акилу Умурзаковичу Салимову. Жизненный путь
А.У. Салимова - яркий пример творца-созидателя.
Независимые творческие способности личности А. У.
Салимова блестяще раскрылись на научно-
образовательной и общественной работе, которым он
посвятил практически всю жизнь. Итогом упорного и
плодотворного труда стали общепризнанные достижения в
области автотракторного двигателестроения, электронно-
новых, безотходных и активных технологий. Результаты
этих исследований по существу являются первыми в
рассматриваемой области и обладают существенными
резервами для повышения эффективности производства, а
академические звания - высочайшая оценка содеянного на
данное время.

Трудно переоценить общественно- организационную
работу юбиляра, который прошел практически все
структуры научно-образовательного процесса, от
ассистента, старшего преподавателя, доцента, заместителя
декана, декана, проректора до ректора крупнейших

учебных заведений Узбекистана, заведующего отделом науки и учебных заведений ЦК КП Узбекистана, секретаря ЦК КП Узбекистана, Председателя Президиума Верховного Совета Узбекистана, депутата Верховного Совета Узбекской ССР. На всех постах и должностях, которые занимал А.У. Салимов, он оставил яркий след творца-созидателя. Его научная школа, большой опыт научной и общественной деятельности – достояние общечеловеческой культуры. Поздравляя юбиляра с 75-летием, желаем, чтобы семена его мудрой деятельности пали на плодородную почву и бурно расцвели в деятельности его последователей и учеников.

Алексей Хачиян,
Профессор, МАДИ (Москва)

О ДРУЖБЕ, КОТОРОЙ БОЛЬШЕ ПОЛУВЕКА

Я познакомился с Акилом Умурзаковичем Салимовым в 1950 г. при поступлении в аспирантуру МАДИ. Все прошедшие годы мы так или иначе поддерживали дружеские отношения. Конечно, отношения были наиболее тесными первые 3 года, когда мы оба жили в Москве.

Диссертация Акила была посвящена в целом исследованию работы двигателя ЗИЛ-120 в условиях жаркого климата Средней Азии и разработке рекомендации по приспособлению системы охлаждения двигателя к этим условиям.

Мне довелось принять участие в опытах по диссертации Акила. Был заключен договор с пожарным управлением, посвященный влиянию повышения температуры окружающей среды на показатели двигателя

ШШ-120. Предполагалось, что температура может повыситься в результате пожара.

Работали мы в лаборатории кафедры, больше похожей на сарай. Институт в ту пору помещался в Тверском-Ямском переулке.

Условия для проведения опытов были очень простыми. Помнится, что в зимний период мы регулировали температуру в лаборатории, изменяя степень открытия наружной двери. Склонность двигателя к детонации очень остро зависела от температуры. Буквально изменение температуры на 1° приводило к появлению детонации.

Диссертантом были разработаны и реализованы предложения по интенсификации охлаждения двигателя. Эти предложения Акил потом проверил опытами непосредственно в Средней Азии.

Мне помнится, что Акил практически в срок защитил диссертацию. Это было поистине большим достижением. Ведь приехал он в Москву с не очень высокой подготовкой. Даже русский язык знал не блестяще. И вот за короткий сравнительно срок смог преодолеть все препятствия и блестяще защитил в столице, в одном из ведущих ВУЗов страны, диссертацию на соискание ученой степени кандидата технических наук.

Жили мы бедно, но очень дружно и весело. К нам вскоре присоединились двое друзей Акила по Ташкенту - Ефим Индикт и Леонид Лейках. В дни получения стипендии отправлялись все вместе обедать на фабрику-кухню, недалеко от места проживания друзей. А жили они все вместе на Б. Серпуховской. Я жил отдельно от них, так как уже на втором курсе аспирантуры женился, и мы

снимали комнату в одном из переулков Сретенки.

Очень грустно было расставаться с узбекским другом. Отмечали это событие в большой компании хозяев на Б. Серпуховской, с которыми были в очень тесных отношениях. Помню я в тосте сказал: «Большому кораблю - большое плавание». Меня даже упрекнули за столь непривычную в узком дружеском кругу официальную фразу. Но предсказание мое сбылось. Акил стал одним из руководителей республики.

Мы встречались и в последующие годы. Как-то он устроил мне с женой совершенно незабываемую поездку Ташкент-Самарканд Навои-Бухара-Хива. Видели много интересного. Познакомились с его семьей - женой Лялей, дочерью Лайло, сыном Равшаном.

Виделись и позднее, когда Акил приезжал в Москву. Но самые теплые воспоминания все же о первых годах дружбы. Было очень много забавных приключений, о которых едва ли уместно вспоминать в эти юбилейные дни. Я понимаю, что в декабре Акилу исполнится 75 лет. Он младше меня всего на 4 месяца.

От души желаю Акилу, прежде всего, чтобы окружающие, - друзья, коллеги, дети, всегда ценили его замечательные человеческие качества. И этим он был счастлив. Уверен, что и сейчас Акил много и успешно работает. Так что и в этом желаю рабочего долголетия. Без работы нет полноценной жизни. Так уж мы воспитаны.

Зиёд Есенбоев,
Беруний мукофоти лауреати,
уруш ва меҳнат фахрийси,
журналист

ОДИЛ ИНСОН

Олимни Оллоҳ таоло ҳамма нарсадан азизу мукаррам қилиб яраган. Шу боис ҳам одамдан олимлар етишиб чиққан. "Олим бўлсанг, олам сеники", "Оз-оздан ўрганиб олим бўлур" каби мақоллар замирида кўп ва хўб маъно, шайхун бордир.

Оқил Умурзоқовичнинг олимлиги, олий ўқув марказларида ва Олий таълим вазирлигида қилган амалий ишлари, олиб борган илмий тадқиқотлари ҳақида сўз юритмоқчи эмасман. Бу ҳақда Оқилжоннинг мақолаблари, кўпдан-кўп шогирдлари, илм даргоҳининг раҳбарлари батафсил ёзганлар.

Собиқ Ўзкомпартия марказий қўмитасида бўлим раҳбари, мафкуравий ишлар бўйича котиби, сўнгра Ўзбекистон Олий Кенгаши президиумининг раиси - давлат ва жамоат арбоби сифатида республикамизда тутган ўрни, жуда оғир ва мураккаб журналистик тузум тартиби, марказ идораси ва ташкилотлиги авжига чиққан бир пайтда мустақил андримизнинг равнақи ва истиқболи, миллатимиз ва миллий маданиятимиз кўрки учун талайгина ишлар амаллиги, илмий кадрлар тайёрлаш борасида шайхонлик кўрсатганлиги ҳақида ҳам сўз юритмадим. Фақат Оқил Салимовнинг одамохунлиги, бағри

кенглиги, саҳоватпешалиги, одиллик ва тўғрилиги, камтарлиги тўғрисида қалбим тўридан жой олган юрак сўзларини айтишни лозим топдим.

Ўн йилдан ортиқ "Тошкент ҳақиқати" ва "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газеталарига бош муҳаррирлик қилдим. 22 йил Давлат матбуот кўмитасини ва журналистлар уюшмасини бошқардим. Шу давр мобайнида Оқил Умурзоқович билан кўп мулоқотда бўлдим, жуда кўп мартаба қабулида бўлиб, маслаҳатларини ва амалий ёрдамини олдим.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси қардош республикаларда ўтказилган кунларда бирга сафарда бўлганимизда бирор марта ножўя гап айтганини, кишилар кўнглини оғритганлигини билмадим. Унинг сиёсий етуклиги, ҳушфеъллиги, одамларга муомаласи ва юксак маданиятига ҳамма тан берар эди. Мен матбуотда раҳбарлик қилган йиллари қўлидан келадиган яхшилиги, амалий ёрдамини аямади. Маслаҳати ва кўмагини бериб турди. Ишхонасига борганимда кабинетидан республиканинг атоқли олимлари, маданият, адабиёт, санъат арбоблари, композитор, артистлар, муҳаррирлар, ёзувчилар, журналистлар кети сира узилмаслигини кўриб ғоят хурсанд бўлардим. Оқилжон қабулида бўлган кишиларга яхши муомала қилар, улар эса ундан доим хурсанд бўлиб чиқар эдилар.

Кувончли кунларда ҳам, ташвишли кунларда ҳам бир оғиз ширин сўз ва далдаси билан инсон қалбига малҳам бўлишига нима етсин! Қалбни яралаш қийин иш эмас, аммо қалбга йўл топиш анча мушкул. Инсон учун

ни зарур фазилатлар: ҳурмат - саховат, оқибат ва вафо - садоқат, меҳр - муҳаббат, матонат ва жасорат, сабр - тоқат ҳисобланур. Бу фазилатлар Оқил Умурзокович Садимовда тўла мужассамдир, деб баралла айта оламан. Улар фармон ва буйруқ билан берилмайди. Оллоҳнинг ўзи суйган бандаларига инъом этади. Гдлян ва Ивановлар бошлиқ ёвуз десантчилар гуруҳи республикаимизга келганида Оқилжоннинг бошига ҳурмат тошлари отилганда, оғир кулфат тушган вақтда ҳам у сира бўшашмади, сабр-тоқат, матонат, жасорат ва ақл-идрок билан енгди.

Умр чархпалаги ҳаракатида давом этаверар экан. Мустаҳкам ирода, ҳалоллик, покизалик, ўз хизмат вазифасига нисбатан масъулиятни чуқур ҳис этиш қушқулари Оқилжон Садимовга яна обрў - эътибор олиб келди.

Халқимизда "яхшилар - одамларнинг фариштаси, хислат - фаришталарнинг сариштаси" деган нақл бор. Менинг тасаввуримда бу ажойиб хислатлар Оқилжонда ҳам намоён. У кишига ҳамisha яхшиларнинг яхшиси бўлиб юринг, деб мақоламга нукта қўйдим.

Оқилжон! Сиз ҳам менга ўхшаб 80 ёшдан дадил сакраб ўтинг! Тўқсон ёш билан тўқнашиб, юз билан юз бўришишни яратганнинг ўзи насиб этсин!

Он все решает объективно. Он хорошо знает, когда нельзя медлить и когда не надо торопиться. У науки, любит повторять Акил Умурзакович, имеется собственная специфическая логика развития, которую весьма важно учитывать. Наука должна работать не только на день сегодняшний, но и завтрашний, она должна работать в запас, на будущее. Быть истинным ученым - значит не только обладать знаниями, но и создавать запас прочности для будущих поколений.

Важно постоянно укреплять связь науки с жизнью, и производством, потому что чем более наука служит жизни, тем более жизнь обогащает науку.

Все, кто близко знает Акила Умурзаковича, неизменно выделяет его выдержанность, эрудицию, научный темперамент, уважительное отношение к людям вне зависимости от их служебного и общественного положения, высокую требовательность как к подчиненным, так и к самому себе. Никакие оговорки на форс-мажорные обстоятельства не могут служить оправданием невыполнения поручения или какого-либо другого служебного задания.

Ценят ученики и высокие нравственные, чисто человеческие качества в характере Акила Умурзаковича. Их Учитель, Домла, видит смысл жизни в том, что человек прежде всего должен хорошо знать себе цену, дальше - он должен ценить других людей, быть внимательным к ним. Человеку от природы дан ум, чтобы мыслить, совершать богоугодные поступки, оберегать окружающий тебя мир, приносить пользу Отечеству.

Смысл жизни - в труде. В том, какую профессию мы выбираем, как воплощаем в дело накопленные знания и опыт, что оставляем будущим поколениям. Любовь к науке - это любовь к правде, считает Акил Умурзакович. И эту любовь он бережно пронес через всю свою жизнь, не расплескав ни одной драгоценной капли на большом пути своего 75-летия.

Халимахон Алимова,
ТТЕСИ ректори, техника
фанлари доктори, профессор

ИБРАТ ОЛСА АРЗИГУЛИК ИНСОН

Оқил Умурзоқович Салимов билан бундан 33 йил муқаддам, бир идорада, яъни марказий қўмитада, мен интил ва озиқ-овқат саноат бўлимига ходим, у эса фан ва ўқув юртлари бўлимига мудир бўлиб ишлай боғлади. Ўзи ўтмай О.У.Салимов марказий қўмита котиби бўлимига кўтарилиши билан бирга докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилди.

Уна бир воқеани эслаб ўтмоқчиман: ёш ходимлар ўзи ҳар ойнинг шанба кунлари малака ошириш мақсадида ўқиш ташкил этилар эди, шунда кўп марта О.У.Салимовнинг илм-фан, маънавият-маърифат, таълим-тарбия, раҳбар этикасига доир мавзуларда марказий маърузаларини тинглаганимиз ҳозиргача сабоқ бўлиб келмоқда. Аҳил кўшничилик муносабатларини ривожлантиришдаги ҳиссалари катта, энг оғир, долзарб вазоратларда кўшни Афғонистонда тинчлик, барқарорликни ўрнатиш йўлида бир неча ойлаб олиб ўқиган саъй-ҳаракатларини қаҳрамонликка менгзаш шунинг назаримда.

Собиқ Иттифок даврида Республика Олий кенгаши қўмитаси раиси сифатида халқаро парламентлар конференцияларини кенг ёйиш, депутатлар корпусининг фахрли хизмат қилишини таъминлашдаги самарали ишларини мамлакатимизнинг энг олис туманларидаги

инсонлар ҳам доимо ҳис этиб турардилар. Нафақат Республикамизда, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам О.У.Салимовни танимаган, суҳбатларидан баҳраманд бўлмаган зиёли, ёзувчи ёки санъат арбоби кам бўлса керак, деб ўйлайман. Санъатни нафис тушунадиган инсон «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўшиқлар кўрик танловини ташкил этиб, ўзининг таклиф ва мулоҳазалари билан унга сайқал бериб келди.

Устозга мустаҳкам соғлиқ ва шижоат доимо ҳамроҳ бўлсин.

Нусрат Парпиев,
академик

ИРОДА ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Ўша даврда Оқил ака катта вазифада ишлар эдилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси Кимё институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимини ишлаганим учун у билан йиғилишларда ва марказий кўмигада тез-тез учрашиб турар эдик. Бу даврда Ўзбекистон фанининг ривожланиши ва айниқса, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга катта аҳамият бериш тўғрисида маслаҳат ва кўрсатмаларини олишти муяссар бўлганман. Ўша пайтлар кўплаб иқтидорли ёшлар Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга фаннинг ҳар хил соҳалари бўйича аспирантурага юборилар эди. Москвада таълим олаётган аспирантлар тўғрисида Оқил Умурзоқович доим ғамхўрлик қилар

эдилар. Менга ҳам ҳар ойда телефон килиб Москва университетигади УЎбекистон Фанлар Академиясидан берган аспирантларга ўз вақтида маош берилаяптими? - деб сўраб турар эдилар.

1977 йилда янги ташкил қилинган Бухоро озиқ-овдат ва енгил саноат технологияси институтига ректор лавозимига тайинландим. Бу вақтда Оқил Умурзоқович Афғонистонда узок муддатли хизмат сафаридан шайғина келган эдилар. Мен у кишининг қабулига кириб, иш юзасидан қимматли маслаҳатлар олдим. У менга катта ишонч билдириб, оқ йўл тилади. Дарҳақиқат у кишининг ҳамма вақт маҳаллий мутахассисларга нисбатан меҳрибонлик қилишларини кўрар эдим. 1981 йилда Бухорога телефон қилиб келинига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилгани тўғрисида фармон чиқиши билан, кишини табриклади. Бир қувондимки!

Оқил Умурзоқович Салимов Олий ва ўрға махсус таълим вазири этиб тайинланганидан сўнг олий таълимнинг мустақил Республикамизда ривожланишига, янги-янги мутахассисликлар бўйича юкори малакали кадрлар тайёрлашга жуда катта ҳисса қўшди. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни ҳозирги замон талаби даражасига кўтаришга бағишланган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни тайёрлаш ва уни амалда қўриқ қилишга камарбаста бўлди ва ҳозирда ҳам бу йўналишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Азиз Тўраев,
А.Қодирий номидаги
Тошкент Давлат маданият
институти ректори,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси

МАДАНИЯТ ЖОНКУЯРИ

Ҳар бир халқ ўзининг истеъдодли фарзандлари билан фахрланади. Асл фарзанд эса ўз халқи, ватани учун садоқат, виждон билан хизмат қилади. Ўзбек халқининг ана шундай ўғлонларидан бири Оқил Умурзоқович Салимов десам, муболага бўлмаса керак.

Оқил Умурзоқович адабиётимиз ва санъатимизнинг чуқур билимдони, фидойисидир. Коммунистик мафқуранинг «энг ривожланган» 70 – 80-йилларида маданият деб аталмиш энг нозик соҳага раҳбарлик қилиш осон эмас эди. Лекин шундай оғир шароитда ижодкорларнинг бошини силаш, уларнинг дардини тўғри тушуниш, ижодий режаларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, яшаш шароитини яхшилашда ғамхўрлик қилиш ҳар кимнинг қўлидан келмас эди.

Ёш ижодкорларга эътибор О. Салимов фаолиятида асосий ўрин эгаллар эди, десам хато қилмайман. «Ёшлик» журналининг чоп этилиши, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига айлантирилиши, «Баҳор», «Ялла»

«Дастан», «Дугорчи қизлар» ансамблларининг шуҳрати, Гуломжон Ёқубов, Дилафрўз Жабборова, Абдухошим Номонлов, Исмоил Жалилов, Қўрқмас Муҳитдинов, Мунोजоғ Йўлчиева каби кўплаб санъаткорларнинг катта саҳнага чиқиши, Саид Аҳмаднинг катта шов-шувга сояб бўлган машҳур «Келинлар кўзғолони» асарининг театр репертуарида сақланиб қолишида Салимовнинг катта хизмати бор. Тоталитар тузумнинг 80-йиллари бошида Мунис Хоразмийнинг 200 йиллиги, Закириддин Муҳаммад Бобурнинг 500 йиллигини республика миқёсида имкон борича тантана қилиб таъдирнинг ўзи бўлмаган.

Саксонинчи йилнинг ўрталари халқимиз тарихида энг қора даврлардан бири бўлди. «Пахта иши», «Ўзбек яши» каби уйдирмалар асосида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар қораланди. Бу туҳмат О.Салимовни ҳам четлаб ўтмади.

Бир куни Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Қўрашевани учратиб қолдим. Анча суҳбатлашдик. Ундай: «Сизларни ҳам «гдлянчилар» чақириб, Оқил Умурзоқович тўғрисида сўроқ қилишдим, нима деб жавоб бердинглар», - деб сўрадим. Шунда Маъмура қўрашеванинг бир қанча санъаткорлар қатори уни ҳам таъдирининг баъди улар бир овоздан: «Биз санъаткорлар қатори ҳам Оқил Умурзоқович каби раҳбарни хоҳлар қўрашевани», - деб дадил жавоб беришганини айтди.

Маълумки, Оқил Умурзоқович кўплар қатори Шўро тузуми даврида вояга етди, етук олим даражасига кўтарилди, республика миқёсида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Лекин шунини мамнуният билан таъкидлаш лозимки, республикада мустақилликни эришгандан кейин у айрим собиқ раҳбарларга ўхшаб иккиланиб турмади, ўзининг билими, тажрибасини мустақилликни мустаҳкамлашга сафарбар этди. Президентимиз ишониб топширган вазифаларни виждонан, ҳалол бажариб келмоқда.

Оқил Умурзоқович Юртбошимиз томонидан илгари сурилган миллий истиқлол ғоясини, бой маънавий меросимизни тарғиб қилишда, айниқса, жонбозлик кўрсатмоқда. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» номи билан суратга олинган беш қисмли ҳужжатли фильм, қатор плакатлар, мақолалар, китоблар бунинг яққол далили.

Халқимизда «Устоз отангдай улуғ» деган ҳикмат бор. Оқил Умурзоқович Салимовни ўзимнинг азиз устозим деб биламан ва дил сўзларимни севимли шоиримни Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари билан яқунламоқчиман:

Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.
Тагин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозин қадрига етолган Инсон.

Нодирбек Юсупбеков,

академик

ИРМОҚЛАР БИРЛАШАДИГАН ДАРЁ

Тадриблик йилларимдан Оқил Умурзоқовичнинг факультет декани муовини, декан, эндигина проректор вазифаларида фаолият кўрсатган даврларни жуда яхши эсламан. Ўқишда фаол бўлганлигим учун ўша даврда талабалар касба уюшмасига раҳбарлик қилардим. Ўша даврдан бу инсоннинг юриш-туриши, ўзини тута билиши, барчага бирдек қилган муомаласи, уларни тиниб, ёрдам бериб, тўғри маслаҳат бера олиши, мен каби ёш авлодни – эндигина катта ҳаётга аста қадам қўйган талабаларни ҳайратда қолдирар эди. Биз ҳам Оқил Умурзоқовичга ўхшаб илм-фан чўққиларини эгаллашни ва олий таълимда фидокорона хизмат қилишни, орзу қилардик. Худди шундай бўлди ҳам. Мен ҳам Оқил Умурзоқовичга ўхшаб қадамма-қадам олий таълимда хизмат қилиб, улар билан бамаънабат ишлаб келмакдан, шу сабабли кам бўлмадим. Устоз наънаватига амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиш босқичида олий ўқув юртида доцент, профессор, кафедра муdiri, факультет декани, олий ўқув юрти ректори даражасига етишганим ҳам шулар жумласидан, деб билман. Академик Салимовнинг Тошкент Давлат техника университетида ректорлик қилган даврларини, Республика Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазири вазифасидаги мазмунли фаолиятини алоҳида таъкидлаб

Ўтмоқчиман. Бу давр – Республикамизнинг мустақиллик давридан бошланиб ҳозирги эришган ютуқларимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, Оқил аканинг Президентимиз ташаббуслари билан ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»ни рўёбга чиқишидаги фаол ишлари эътиборга лойиқдир. Оқил Умурзоқович таълим соҳасида жуда катта тажрибага эга бўлган олим сифатида фаолият кўрсатиб, таълим ривожига жуда катта ҳисса қўшиб келмоқда. У киши олий таълимнинг вилоятларда ривожланишида, педагогика институтларининг университет даражасига кўтарилишида, бу даргоҳларда техник таълимнинг ривожига катта ҳисса қўшган инсон деб биламан. Айниқса, Оқил Умурзоқович фундаментал фанларнинг олий таълимда ўқитилишига катта эътибор бериб келмоқда. Оқил Умурзоқович давлатимиз равнақи, таълим ривожига салмоқли ҳисса қўшган катта олим шайх раҳбарлардан бири, деб ўйлайман.

Рустам Холмуродов,

Самарқанд давлат

Университети ректори,

профессор

ШУНДАЙ САОДАТНИ МЕНГА ҲАМ НАСИБ ЭТСАЙДИ!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, академик Оқил Умурзоқович Салимовнинг улуғланаётгани, қадрланаётгани чексиз

куватиради. Чунки, у киши ҳар қандай эъзозга
эришибдир. Бир муддат бу донишманд, зийрак,
маърифатли, бағрикенг инсоннинг ўғитларини тинглашга,
унинг фазилатларини англашга сазовор бўлганман:

«Кибр қилманг! - дейди Оқил домла вазирликдаги
ҳар бир ходимга. - Манманлик ҳою-ҳавасларига
беришманг. Асл инсонийлик - камтарликдадир. Бу
барада Юртбошимиздан ўрганинг».

«Билу сиз шу жамиятнинг фарзандларимиз.
Маъсулият юки, даражамизга кўра, бошқалардан
кўпроқ, Маъсулиятли бўлинг», - дейди у.

Танлаган соҳалари нечоғли оғир бўлмасин, академик
Оқил Салимов мамлакатимизнинг фахри, гурури
эришибнадиган ҳақиқий олим. У Ўзбекистоннинг фан
ва техникаси ривожига улкан хисса қўшган
олимларимиздан саналади. Домла маънавий бой,
фикран теран, кенг қамровли, ҳозиржавоб, жисман
тотик, рухан бақувватдир. Домлага қараб, «Шундай
маърифатли менга ҳам ато этсайди!», - деб ҳавас қилиб
эргувчи шогирдлари кўп.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бир муддат
Оқил Салимовнинг ўринбосари сифатида кузатганим,
ўзининг ҳақида тўхталмоқчиман. Домла эрта
ёшлардан оқ вақтли матбуот билан танишиб чиқар, ҳар
биримизга кундалик вазифаларини белгилаб, муҳим
ишлари қилар берар эди. Оқил Умурзоқовичнинг
ишлари, вилоятлардаги илм даргоҳларига
ишлари бераётганларини кузатиб, ўз-ўзимга «агар
маърифатли соҳасига ҳам илмий даража берилганда эди,

домла ҳеч шак-шубҳасиз мафкура фанлари доктори бўлган бўлур эдилар», - деганман.

Имкониятдан фойдаланиб, домланинг одамларга ўта эътиборли бўлиши, улар кўнглини олиш борасидаги менга маъқул бўлган айрим фазилатларига урғу бериб ўтсам. Бир мисол. Мен вазирликда энди иш бошлаган кунларим. Гапнинг тўғриси, кўнглим анча хира. Уйда бола-чақани ташлаб келганман, ҳали янги вазифага кўникма ҳам йўқ... Назаримда, домла кайфиятимни сездилару ниманидир баҳона қилиб, вазирликнинг аппарат ходимлари йиғилишини эълон қилдилар. Ушбу йиғилишда, махсус олий сифатли қоғозга қўлдан ёзилган эсдалик номасини менга тақдим қила туриб: «Рустам, вазирлигимизда иш бошлаган кунларинг ёдингда қолсин. Фаолиятинг тарихида бу ҳам бир муҳим босқич...» дея айтган гаплари бир умр эсимдан чиқмайди.

Домла атрофдагилардан камтаринликни талаб қилардилар. Барча масалаларда ва биринчи навбатда ўзлари шундай фазилатнинг намунаси ҳисобланардилар. Бу борада домланинг 70 йиллик юбилейларини ташкил қилиш, уни ўтказиш маросимлари ўта камтарин бўлгани фикримга яққол мисол бўла олади. Домланинг шахсий ҳаётларида камҳаражатли яшашлари, бировга хизмат юзасидан озор бермасликка интилишлари, оддийлиги, самимийлиги барчага ўрнак, намуна десам янглишмагани бўламан.

У инсоннинг яна бир фазилатлари, Президент сиёсатида содиқлик, бугунги куннинг долзарми

мисаллари юзасидан ҳозиржавоблигидадир.

Ҳар сафар Ўзбекистон қахрамони, сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Дўстларимга айтаганим» шеърини ўқиганда:

Дунёда кўп нарса унутилади:

Қашшоқлик, мартаба, қувонч, қайғулар.

Унутилиб борар муҳаббат дарди,

Унутилар йиллар, йўллар, туйғулар.

Қирқ йиллик адоват унутилар секин,

Унутилар ҳатто юракдаги дард.

Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,

Унутилмас улар олдидаги қарз.

Бизлардари домла Оқил Умурзоқовични кўз олдимда
яна ҳам килади. Шундай кезларда домланинг
сўзбадларини соғинганимни ҳис этаман...

Назар Ҳақимов,

Қашқадарё вилоят ҳокимининг
ўринбосари, профессор

ЭЛ-ЮРТ НАЗАРИГА ТУШГАН ИНСОН

Академик О.У.Салимов Ўзбекистон тарихидаги
биринчи сиймолардан бири. Мен алломани Тошкент
вилоят консерваториясида ишлаган пайтимдан биламан.
Унинг 70-йилларида Консерватория ўзбек
мунофиқлигида муҳим ўринга эга бўлган ўқув юрти эди.

О.У.Салимов ўша вақтда Марказқўм котиби бўлиб,
санъат, маданият, таълим ишларига бош - қош эди.
Унинг банд бўлишига қарамай, ижодкор ёшлар

билан учрашишга вақт топар, ҳар бир иқтидорли ёш санъат вакили билан бемалол, шошмасдан суҳбат ўтказар, уни ташвишлантираётган муаммолар билан қизиқарди.

Консерватория иқтидорли ёшлар, машҳур санъаткорларнинг концерт ёки ижодий кечалари ўтказиладиган гуша бўлганлиги учун, ушбу концертларга келиб уларни қутлашни, ёрдам қўлини чўзишни унутмасди. Уша кезлари Ёшлар қўмитаси котиби эдим. Шуниси қизиқарлики, консерватория, ёшлар қўмитаси хоналарини ҳам келиб кўриб, ишимиз билан қизиқарди.

Бевосита О.У.Салимов таклифига биноан «Ёш ижодкорларни қўллаб қувватлаш тўғрисида» давлат миқёсида махсус қарор қабул қилиниб, уларга амалий ёрдам берилган эди.

Академик Салимов олий таълимимиз ривожига катта ҳисса қўшган ташкилотчи олим ва раҳбардир, Олий ўрта махсус таълим вазири сифатида университет таълимининг тараққиёти, янги мутахассисликлар, икки босқичли олий таълим ташкил этилишининг ташаббускорларидан бири.

О.У.Салимов ҳар ҳафтада бир марта мунтазам равишда Қарши Давлат университети ректори, яъни камина билан телефонда батафсил гаплашиб, бутун ўқув юртидаги янгиликлар, ижодий изланишлар билан қизиқар эди. Албатта, сўзларининг сўнгилари «ишларингизга омад тилайман» деб гушакни кўярди. Вазирлик ҳайъати йиғилишлари жуда ишчанлик билан юқори савияда ўтказилиб, камчиликлар рўй-роқ

айтилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланар эди, вазирнинг энг муҳим фазилатларидан бири талаба ва ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясига муҳим аҳамият қаратар эди.

Айниқса, иқтидорли талабалар тақдирига бефарқ қараганларга танбеҳ бериб, талабаларни қўллаб қувватлашни таъкидларди.

Вилоятга ташрифи чоғида ўқув бинолари, талабалар уйлари, спорт иншоотларини бориб кўрарди.

Ажойиб инсон, улуғ алломанинг ҳаёт тажрибаси ҳаммамиз учун ибратдир.

Бахтиёр Асқаров,

Тошкент архитектура-
қурилиш институти ректори,
техника фанлари доктори,
профессор

ФАЗИЛАТЛАРИ БИР ДУНЁ

Ҳар кимнинг обрў-эътибори эл-юртига қилган хизмати ва садоқати билан белгиланади. Ватани ва халқига ўз умрини, бор куч-ғайратини бахшида этган инсонларгина халқнинг, жамиятнинг ардоғига, наъзига сазовор бўладилар. Ана шундай мўътабар инсонлардан бири Оқил Умурзоқович Салимовдир. Оқил Умурзоқовични узоқ йиллардан бери биламан. Қузғувимга кўра, бу олийжаноб инсонда улуғ зотларга хос фазилат ва хислатлар мавжуд. Аввало, Оқил Умурзоқович илм-фанда донг таратган атоқли фан

арбоби. У республикамизда илм-фан ва техникани ривожлантиришга салмоқли хисса қўшган таниқли олимдир. Техника ва гуманитар фанларнинг равнақи ва ривожи Оқил Умурзоқович номи билан ҳам боғлиқдир.

Оқил Умурзоқовичнинг яна бир фазилати шуки, у қайси бир лавозимда ишламасин, миллий кадрлар тайёрлаш борасида ҳамиша қайғурди, ғамхўрлик қилди.

Комил инсонни, баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш Оқил Умурзоқовичнинг диққат марказида турди. Қатор институтларнинг ректори ва вазир лавозимида ишлаган пайтларида минглаб юқори малакали кадрлар тайёрланди. Эндиликда улар барча соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Оқил Умурзоқовичга хос яна бир фазилат – одамийлик, инсонийликдир. Инсонларга яхшилик қилмоқлик, уларга меҳр-мурувват кўрсатмоқлик Оқил аканинг қон-қонига сингиб кетган. Қайси мансабда ишламасин, барчага яхшилик қилди, кўмак берди, ҳеч кимнинг дилини оғритмади. Шу боис ҳам Оқил Умурзоқовични таниган, билган инсонлар ул зотни ғоятда ҳурмат қиладилар ва ардоқлайдилар, бошга кўтардилар.

Оқил Умурзоқович доно ва оқил, билимдон ва салоҳиятли раҳбар сифатида ҳам маълум. Унинг ташкилотчилик қобилияти ва истеъдоди барча мансаб ва лавозимларда яққол намоён бўлди. Оқил Умурзоқович раҳбарлик қилган техника олий ўқув юртлари тез орада республикада пешқадам институтларга айланди.

Вазир лавозимида ишлаган вақтларида эса

республикадаги олий ўқув юрғларида илм-фан ва таълим-тарбия ривож топди.

Оқил Умурзоқовичнинг юқорида санаб ўтилган хизмат ва фазилатлари Ўрта Осиё Политехника институтида шаклланди. Проректор бўлган пайтларидаёқ Оқил Умурзоқович таниқли олим, етук мураббий, моҳир ташкилотчи ва фидойи инсон сифатида обрў-эътибор қозонган эди. Бунга шахсан гуноҳман.

Оқил акага сихат-саломатлик, ҳамиша бардамлик ва узоқ умр тилаймиз.

Қуанишбой Утениязов,
Ректор Қарқалпақского
Университета, профессор

ОДЕРЖИМЫЙ

За время работы А.У.Салимова министром проводилась целенаправленная работа по совершенствованию вопросов образования, науки и воспитания. Особенно хочется отметить, выходение вузов и ссузов в рынок, искоренение, как у руководящего, так и у профессорско-преподавательского состава изживенческой психологии, стимулирование инициативы и предприимчивости, умение формировать внебюджетные средства. Совершенствовалась система высшей и средней специальной школы, было обеспечено функционирование 4 новых высших учебных заведений, при областных вузах созданы 16 лицеев, 13 бизнес-школ для подготовки сельской молодежи к предпринимательской деятельности. На базе техникумов организовано шесть центров предпринимательства, менеджмента и рынка и 12

колледжей с ориентацией на подготовку специалистов для рынка.

Под его непосредственным руководством с ориентацией на международные стандарты образования с учетом специфики нашей республики разработаны концепции высшего и среднего специального образования, положения о многоуровневой системе высшего профессионального образования, о государственном высшем учебном заведении, о государственных колледжах, о бакалавриате, о магистратуре, о государственном среднем специальном учебном заведении, положения о стипендиальном обеспечении студентов вузов и ссузов.

За время его работы на различных постах им было опубликовано несколько монографий и научных работ и получено ряд авторских свидетельств. Под его руководством было подготовлено 4 докторских и 12 кандидатских диссертаций.

Я знаю академика Акила Умурзаковича Салимова более 20 лет, начиная с периода, когда он работал секретарем ЦК КП Узбекистана. Особенно его многосторонняя деятельность проявилась при непосредственной работе министром. Это - несомненный организаторский талант. Еще одно качество - преданность и верность близким и друзьям. Его умение быть рядом и в радости и в горе, помощь советами и практическими делами, не жалея на это ни сил, ни времени. Было бы ошибкой думать, что жизненный путь Акила Умурзаковича был усыпан розами. Все, чего он достиг как ученый, организатор и как человек, было результатом упорного труда и борьбы с оппонентами, которых у него было в жизни с избытком. Акил Умурзакович был всегда примерным человеком - мужчиной в настоящем смысле этого слова. Мне посчастливилось работать как ректору ВУЗа с Акилом Умурзаковичем.

Акбарали Жабриев,

Самарқанд кооператив

институту ректори, профессор

ЛОЧИНГА ҚИЁС

Оқил Умурзоқовичдаги ташкилотчилик қобилияти, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланган даврида янада яққол намойён бўлди. У киши раҳбарлигида олий таълим соҳаси эришган ижобий натижаларни ҳамкасбларимиз қанузгача чуқур эҳтиром ва мамнуният билан аслайдилар.

У киши менинг олий таълим тизимидаги ҳаётимда қим ўчмас из қолдирган. 1996 йилда бўлиб ўтган бир воқеа. Самарқанд меъморчилик - қурилиш институти шу соҳада Республикамиздаги нуфузли олий ўқув марказларидан бири бўлиб, унинг олдига муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйилган эди. Институт раҳбарларидан бири эдим. Институт қошида, биринчилар қаторида «Бизнес - инкубатор»ни очиш маросимида вазиримиз Оқил ака Салимов бевосита иштирок этиб ва жамоамиз раҳбарларлари билан бўлган уchrанишда кўплаб қимматли маслаҳатларини берганлари қиммон эсимда. «Жамоага раҳбарлик қилиш - мансаб эмас, балки масъулиятдир, уни раҳбар ҳар доим эсда тутиши керак. Раҳбарнинг вазифаси жамоани бошқариш, мавжуд салоҳиятни қўйилган асосий вазифага сафарбар этиш, қўл остидагиларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилишдан иборат.

Шундай раҳбарни жамоатчилик ҳар доим ҳурмат қилади ва ардоқлайди» - деган эдилар ўшанда. Мен ўз фаолиятимда ушбу фикрларга ҳар доим амал қилишга ҳаракат қилиб келаман.

О.У.Салимов қандай лавозимларда ишламасин, Ватанни, унинг равнақини ўйлади. Шунинг ҳам эътирофи этиш керакки, таниқли олим, йирик ташкилотчи, давлат арбобининг ҳаёт йўли ҳар доим ҳам тўғри ва теп-текис бўлавермаган. У ҳаётида маълум кийинчиликларга ҳам дуч келган. Лекин уларни мардонавор енгишга астойдил киришган ва унга эришган ҳам. Мен бу борада таниқли шоир Расул Ҳамзатовнинг куйидаги мисраларини эслатишни ўринли деб билдим:

Ҳиндларнинг нақлига кўра энг аввал

Оламда илонлар пайдо бўлганлар.

Тоғликларга қолса, улар ҳар маҳал

Энг аввал лочинлар пайдо бўлган дер.

Мен эса ўйлайман: ушбу оламда

Одамлар дунёга келган илгари.

Кейин, қай бирлари лочин бўлган-да,

Илонга айланган қайси бирлари.

Мен Оқил ака Салимовнинг ўз соҳасининг лочинига қиёс қилгим келади. У киши билан бирга ишлаганимга шукроналар қилиб, беҳад фахрланаман.

Сирожиддин Зайнобиддинов,
Андижон Давлат университети
ректори, физика-математика
фанлари доктори, профессор

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС...

Машҳур авар шоири, айтгандай, О.Салимовни яхши билган, қадрлаган Расул Ҳамзатов дадил ва забардаст кишиларни тоққа қиёслайди: тоғдаги бағрикенглик, саховатпешалик, собит ирода, мустаҳкамлик, сабот ва мапонат, сабр, сукут, гўзаллик — буларнинг барчаси метиндай тошлардан иборат тоғларда мужассам... Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий вазиятда, айниқса, илм-фан, техника, Олий ва ўрта махсус таълим тизимида катта хизматлар қилиб келётган техника фанлари доктори, профессор Оқил Умурзоқович Салимовни шоир айтган одамлар сирасига киритиб, уни салобатли ва пурвиқор тоғларга ўхшатсак, ҳақо қилмаган бўламиз.

Оқил Умурзоқович ҳам жисман, ҳам маънан ўзбек элқанининг асл фарзандларидан, миллатимизнинг етуқ вакилларидан саналади.

Мустақиллик шарофати ва шахсан Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш ишлари бошланган бир пайтда ўта масъулиятли ва шарафли саналган бу ишга бош – қош бўлиш, уни ташкил қилиш ва ривожлантириш О.У.Салимовдек таърибали ва салоҳиятли инсонга топширилган эди.

О.У.Салимов Олий ва ўрта махсус таълими вазири этиб тайинланганда ҳамкасбларимиздан бири: «Эшитдингларми, вазирлигимизнинг бошига «Ақл (Оқил демоқчи) келибди», - дея лутф қилган эди.

Дархақиқат, О. У. Салимов ўзи раҳбар бўлган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини катта истеъдод, матонат, юксак ақл ва идрок билан бошқарди.

Унинг бошчилигида олий ва ўрта махсус таълим тизими халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бирига айланди, таълимга давлат стандартлари жорий этила бошланди, янги типдаги мукамал дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилиб, улар ишлаб чиқаришга жадаллик билан жалб қилинди, ўқув жараёнига жаҳондаги илғор педогогик технологиялар кириб келди ва таълимни ялпи компьютерлаштириш ишлари бошланиб кетди, хорижий мутахассислар билан кенг алоқалар йўлга қўйилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг асл фарзандлари – топилмас маъданларимиз қайтадан ярқирамоқда, уларнинг кадр-қимматини биз эндигина теран англаб етмоқдамиз.

О. У. Салимов орамизда. У тиниб — тинчимас олим, зукко тадқиқотчи, катта тажрибага эга бўлган доно маслаҳатчи сифатида олий таълимни янада ривожлантириш, ўзбек илм-фанини жаҳонга олиб чиқиш учун бор куч -- ғайратини сарф қилмоқда.

Биз азиз устозимизга қутлуг ёшда «Ҳорманг, домли! Илм-фан, ижод йўлида чарчоқ нималигини билманг, бизларга бош бўлиб, яна узоқ йиллар яшанг, фарзандларингизнинг орзу - ҳавасини кўринг»,— деб қоламиз.

Ҳамид Каримов,
Иккинчи Тошкент давлат
тиббиёт институти ректори,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби,
профессор

БУ ШУНДАЙ УМРКИ...

Академик Салимов Оқил Умурзоқович номи тилга олинганда, кўз ўнгимизда серқирра фаолият ва сермазмун ҳаёт соҳиби, ғайратли ижодкор олим, сермулоҳаза арбоб, шогирдларга меҳрибон ва талабчан ўқитувчи, моҳир педагог ва ташкилотчи ва айни пайтда, оддий ва самимий инсон сиймоси гавдаланади.

Инсон умрини йўлга қиёс этишади. Ҳар бир инсон бу дунёда ўз ҳаёт йўлини аста-секин босиб ўтади.

Оқил ака ўзининг машаққатли ҳаёт йўллари тавомида ўзгаларнинг ташвиши билан, ўз халқининг орзу-умидлари билан яшаб, давлатимизнинг фаровонлиги, ёрқин келажаги учун фидокорона меҳнат қилиб келмоқдаки, бунга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Халқда азалдан, йўл қурган икки дунё савобини билдириб, деган нақл бор. Одамларнинг узоғини яқин, юзирини енгил килувчи автомобил ва йўллар тизимининг дарғаларидан бири бўлиш, узоқ йиллар малакали кадрлар тайёрловчи олийгоҳларда ишлашнинг ниҳати ҳам шарафдир. Зеро, бунинг натижаси ўлароқ

бугунда коммуникациялар, аграр индустрия тараққийетининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

У киши қайси ташкилот, жамоада фаолият кўрсатмасин, раҳбар сифатида инсон омилига биринчи навбатда аҳамият беришини, айниқса, педагогларнинг нафақат кадр сифатида шаклланишига, балки уларнинг турмуш шароитларию бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари, яхши дам олишларигача эътибор қаратиши ҳаммага аён. Республикада "Устоз" жамғармасини ташкил қилиб, устозларга устозлик қилдилар, уларнинг янада зукко, жаҳон талабларидан бохабар бўлишлари, дунёни таниш йўлида тинмай меҳнат қилдилар. Мана, қилинган меҳнатлар зое кетмади - педагог-муаллимларнинг мазмунан янги бир илғор авлоди шаклланди.

Бугунда босиб ўтилган умр йўлларининг сарҳисоби унинг нақадар сермазмун, серҳосил ва савобли эканини кўрсатиб турибдики, бунга бир инсон сифатида хавас билан қарайман ва бу, камина ва касбдошларим учун ўрнақдир.

Табаррук ва забардаст умр сохибининг ғайратлари жиловсиз, орзулари уммондир. Халқнинг ардоғида бўлишдек бахтга сазовор бўлган ҳақнинг ҳам ардоғида бўлиши бегумон.

Содиқ Қосимов,
Тошкент ахборот
технологиялари университети
ректори, профессор

АЛЛОМА

Академик Оқил Умурзоқович Салимовни хизмат юзасидан 1992 йилдан - Тошкент давлат техника университетига ректор бўлиб ишга ўтган даврдан бошлаб биламан.

Ўша йилларда мамлакатимизнинг таълим тизимида ислохотлар эндигина изчил тарзда амалга оширилмоқда эди, унинг моҳиятини кўпчилигимиз ҳали яхши тушуниб етмаган эдик.

Тошкент давлат техника университетига, Республикамиз олий ўқув юртлари орасида биринчилар қаторида, абитуриентлар билимини баҳолашда тест синовларининг адолат мезони сифатида киритилиши топширилган бўлиб, раҳбаримиз университет ходимларига унинг аҳамиятини изоҳлаб берди. Бу қабул жараёнидан шахсий манфаатлари учун фойдаланишни кўзлаган кимсаларга катта тўсиқ эди. Юртимизда, Юртбошимизнинг махсус фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, иқтидорли ёшларни адолат билан ўқишга қабул қилиш давлат сиёсатининг бош йўналишларидан бири сифатида белгиланиши кўнгилдагидек иш бўлди. Албатта, тест синови - таълимдаги демократиядир.

Оқил Умурзоқович 1994 йиллардан бошлаб энг

муҳим масала – олий ўқув юртлари ислоҳоти бўйича бошланган ишларга бош-қош бўлди. Олий таълим тизимидаги хизматларидан бири олий ўқув юртлари талабаларини фан, техника, иктисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, яъни ҳаёт талабларига қараб тайёрланишининг ташкил этилишига катта ҳисса қўшишидир.

Таълим соҳасида халқаро меъёрлар ва андозалар асосида давлат стандартларини ишлаб чиқиш зарурлиги, шунга қараб, ўқув юртларини замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, керакли моддий-техника базасини яратиш, ўқув дастурларини замон талабларига мослаштириш, мутахассислар сифатига алоҳида эътибор бериш вазирлик кун тартибида турди.

Оқил Умурзоқович бевосита раҳбарлик қилган таълим ислохотларидан бири – олий ўқув юртларида қандай ва неча хил йўналиш, мутахассислик бўлиши керак ёки ўша даврда тайёрланаётган мутахассислардан қайси бири керагу қайси бири нокераклиги аниқланиши ва замон талаб қилаётган янги мутахассисликларнинг йўлга қўйилишидир.

Маълумки, замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг шакли, асосий вазифалари, таркиби, моддий-техника базасини замон талабига мослаштириш зарур. Қўшимча равишда ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари, шунингдек, раҳбар кадрлар таркибини шакллантириш лозим. Барча мавжуд мутахассисликлар бўйича ўқув

режалари ва дастурларини замон талабларига мослаштириб, истиқболимизни кўзлаган ҳолда тузиб чиқишимиз ва амалда жорий этишимиз, тажрибалар натижасида ўз вақтида тегишли қўшимчалар ва унгартиришлар киритишимиз кераклигини Оқил ака теран англаб етган ва бу борада қўп бош қотирган.

Оқил Умурзоқовичнинг Тошкент давлат техника университети ректори, сўнг Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимлари давридаги кўзга кўринарли ишларидан бири – таълим хизмати бозорини ривожлантириш, молиялаштиришнинг қўп вариантли (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар) тизимини жорий этиш, чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этишни йўлга қўйгани десак, янглишмаган бўламиз.

Дунёда ҳар қайси касб-хунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва кадр-қиммати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси ўсиб келаётган ёш авлодга устоз бўлишдир. Чунки устоз ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устозларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олийжаноб инсоний фазилятлар камол топади.

Расулжон Тожиев,
Фаргона политехника
институти ректори, техника
фанлари доктори, профессор

У БИР ЧЎҚҚИКИ...

Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов халқимизнинг забардаст шоири, академик Гафур Ғулумни таъриф эта туриб, чўққига киёс қилган эди. Чиндан ҳам, чўққига қанча олисдан қаралса, унинг юксаклиги, улғворлиги шунча аниқ кўринади. Чўққилар - тоғларнинг файз-кўрки, уларсиз тоғ – тоғ эмас.

Илм-фан, маданиятнинг ҳам ўзига хос чўққилари бўлади. Шундай сарбаланд чўққилардан бири, шубҳасиз, академик олим Окилхон Умурзокович Салимовдир.

Тақдир йўллари мени бу ажойиб инсон, таниқли раҳбар, жамоат ва давлат арбоби, захматқаш олим билан учраштиргани учун қайта-қайта шукроналар айтаман..

1964 йилда ўрта мактабни тугатиб, олий ўқув юртига кириб ўқиш иштиёқида Тошкентга келдим. Излаб - суриштириб, улкан шаҳарнинг қок марказида жойлашган Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент архитектура қурилиш институти)ни топиб бордим, Фаргона вилоятининг чекка туманларидаги қишлоқда ўсиб вояга етган оддий йигит, тасаввур қилинг, бирданига тумонат одамлар билан ҳамшиша гавжум машҳур олий ўқув юрти остонасида турибди. На бир ҳамроҳим, на бир таниш, на бамаъни маслаҳат берувчи қадрдоним бор. Шундай машҳур даргоҳда камина каби оддий қишлоқ йигити ҳам ўқирмикан,

талабалик биз каби олислардан келганларга ҳам насиб тармикан, деган ўй-хаёллар билан институтнинг эски услубда қурилган мухташам биноларини, узун ва нимқоронғи коридорларини узоқ кезиб юрганим ҳали-ҳали ёдимда.

Хуллас, кириш имтиҳонлари бошланиб кетди. Дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтдим, иттифоқо, кимё фанидан имтиҳон топшира туриб, ўқитувчи билан бир масала устида қаттиқ тортишиб қолдим. Ҳақлигимга ишониб, ўз сўзимдан қайтгим келмади. Қатъийлигимни қайсарлик деб тушунган ўқитувчи имтиҳон варақамга «қониқарсиз» баҳо қўйди. Ушанда апелляция комиссиясига ариза билан мурожаат қилиш чоғида илк бор Оқил Умурзоқович ҳузурига кирганман. Арзимни ҳафсала билан тинглагач, у киши қатъий, ҳал қилувчи оҳангда дедилар.

- Яхши, кимёдан яна бир бор синовдан ўтишингизга имкон берамиз!

Қайта синов муваффақиятли бўлди ва институтга қабул қилиндим.

Талабаликнинг мен орзиқиб кутган қизғин дамлари бошланди. Ана шу ўқишу изланишларга чанқоқ талабалик йилларида биз тенгдошларимиз билан Оқил Умурзоқовични яқиндан танишга муваффақ бўлдик. Ҳар кун эмас, ҳар соат ва дақиқа ўқув юрти ташвишлари билан яшаш, институтда кетаётган катта ўқув-тарбия жараёнини бошқариш билан бир қаторда, талабаларга оналарча ғамхўрлик қилиш Оқил акага хос хусусиятлардан эди. Эсимда бор, биз талабалар ётоқхонасида яшар эдик. Бир куни кечқурун ёнида хитроҳлари билан Оқил ака ётоқхонамизни кўргани келди. Яшаш шароитимиз билан танишди, кўрпа-

ёстикларимизни назардан ўтказди. Ёстиқ остига кир бўлмасин деб, тахлаб қўйилган оппоқ чойшабларни олиб, «Фарзандларим, бу нарсалар сизлар учун, уни бемалол солиб ётинлар, кир бўлса, алмаштириб беради», - деб, ўз қўллари билан ёзиб қўйдилар.

Олис шаҳарда мусофир юрган биз талабаларга олий ўқув юрти раҳбари томонидан бу қадар меҳрибонлик кўрсатилиши нақадар ҳаяжонли ва таъсирли эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу икки мисол: бири апелляция куни мен учун ҳақиқат тикланган дақиқа бўлса, иккинчиси – ётоқхонада кўрсатилган ғамхўрлик бир умр қалбимга муҳрланиб қолди. Оқил ака учун бу ҳар куни ва ҳар соатда содир бўладиган оддийгина одат бўлиши мумкин. Лекин бу воқеалар ёш бўлишимизга карамай, ҳаётнинг баъзи ноҳақликларига, аччиқ - чучугига дуч келиб улгурган биз каби мурғак қалблар учун ҳайратга тушадиган ҳол. Ўша куни мен бир умрга татиғулик сабоқ олган эдим. Кейинчалик институтдаги ўқитувчилик фаолиятимда, айниқса, ҳозирги раҳбарлик давримда ҳам Оқил ака ўғитларини унутган эмасман. Баъзан ўйлаб қоламан: балки мана шундай олийжаноб фазилатлари Оқил акани юксак лавозимларга, давлат ва жамоат арбоби даражасигача етказгандир. Балки, уни кўрган, унга яқин юрган, ундан бевосита таълим олган юзлаб биз каби шогирдлар ҳам Оқил ака фазилатларидан ўрганиб, ҳаётда ўз йўлимизни топиб кетгандирмиз.

Институтни тугатиб, аспирантурага кирдим, Украина пойтахти Киевда бир неча йил яшаб, илмий ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Она юртимга қайтиб, Фарғона политехника институтида ишлай бошладим. Бу орада албатта Тошкент билан, кадрдон

институтим ва шахсан Оқил ака билан яқин муносабатимни давом эттириб, у кишининг қимматли меъналаридан баҳраманд бўлдим.

1995 йилдан Фарғона политехника институтида дастлаб проректор, сўнг ректор лавозимларида ишлай бошладим. Иш юзасидан Оқил Умурзоқович билан шунда кўпроқ учрашиб, яқиндан биргалашиб меҳнат қилишга тўғри келди. Ҳама йиллари Оқил Умурзоқович Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги лавозимида ишлар, энди у Республика миқёсида олий таълим муаммоларини ҳал этиш, таълимни ислоҳ қилиш масалалари билан ҳамаи банд бўларди.

Оқил ака билан кечган турли мулоқотларда фақат у кишига хос бўлган айрим фазилатларни сезиб, ўзимча «кашф қилганман». Буларнинг биринчиси - ўз суҳбатдоши билан самимий муносабат ўрната олиши. Оқил ака ҳамсуҳбатини, бундан ташқари, унинг ўзини тутиши, сўзлаши, гап оҳанги, фикрини исботлай олишини кузатиб, кўп йиллик бой ҳаётий тажрибалари асосида, унинг нима мақсадда келгани, сўзларининг самимийлик даражасини иккиланмай айтиб бера олади. Шу билан бирга, суҳбатдоши сўзларини бўлмайдиган тинглаш, уни тоқат билан тушунишга интилишни ҳам барча раҳбарларга хос деб бўлмайди. Бу одат, менимча, ўзини ички интизом, маданий муомалага кўниктирган раҳбарлардагина бўлиши мумкин.

Иккинчиси, у кишининг юриш-туришига хос бир хусусият ёки одат. Чамаси, Оқил ака шунчаки одатдаги қандам ташлаб юришида ҳам ҳаёлида қайсидир масалаларнинг муҳокамаси билан банд бўлади. Бир маромда юриб кета туриб, ногаҳон тўхтаб қолиши, сўнг олдингидан тезроқ суръат билан илдам юриб кетишини

кузатиб, шундай мулоҳазаларга борганман.

Умуман, нуфузли доираларда илм-фан, маданият арбоблари билан кечган доимий мулоқотлар, йирик давлат арбоблари, машҳур санъаткор ва адиб, хорижлик меҳмонлар билан ўрнатилган дўстона муносабатлар Оқил акада ўткир дипломатик маданият, сезгирлик, хушёрлик, топқирлик, маънавий-руҳий баркамоллик, сўзга чечанлик хислатларини таркиб топтирган десам, янглишмайман. Шу боисдан ҳам, суҳбатида бир марта иштирок этган одам унинг сўз, атамаларни ўз ўрнида, узукка кўз қўйгандек қўллай олиши, умуминсоний кадриятларга мансуб мумтоз асарлардан ғоят характерли бирор мисра, банд ёки иқтибосни бежирим келтириши, фикрини образли ифодалай олишини узоқ вақт эслаб юриши табиий.

«Барча нарсада, ҳар бир хатти-ҳаракатимизда ибратли, хосиятли бўлишимиз лозимлигини унутмайлик», - деб таъкидлашни хуш кўради Оқил ака. Унинг ўз сўзларига доимо амал қилишга интилишининг кўп марта гувоҳи бўлганман. Остона ҳатлаб кўчага чиққанда, таниш ёки нотаниш бўлсин, бирор хонадон ёки даргоҳга кириб келганда, ҳамиша ўнг оёқ билан кадам ранжида қилиш, катта-кичик турли тоифадаги одамлар билан мулоқотларда муомала меъёрини сақлай олиш, уларни чуқур ангаб олишга интилиш Оқил ака шахсига хос ажойиб фазилатлардандир.

Толибжон Худойбердиев,
Андижон қишлоқ хўжалик
институтининг ректори, техника
фанлари доктори, профессор

ШОГИРДЛИГИМДАН МАМНУНМАН

Ўз вақтида О.Салимов Тошкент политехника институтининг халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва маънавий баркамол инсонни юзга етказиш йўлида олиб борган илмий педагогик фаолияти билан кўпчилиكنинг эътиборини қозонган.

Техника фанлари доктори, профессор О.У.Салимовнинг халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган пирик илмий тадқиқот ишлари ўзбек олимларининг илм-фан ривожини йўлидаги улкан ютуқлари қаторида ўз ўрнини топа олди. Кўплаб фан докторлари ва фан номзодларини тайёрлашга бош-қош бўлган таниқли олим О.У.Салимов томонидан яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан мамлакатимизнинг кўплаб техника ва қишлоқ хўжалик ўқув юртларида ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

О.У.Салимов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимида хизмат қилган йиллари кўплаб ўзгаришларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, тайёрланаётган кадрлар сифати ва савиясини ошириш ҳамда жаҳон андозалари даражасига етказишга интилиш борасидаги ишлар шулар жумласидандир. Шу даврда мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун етук

мутахассислар тайёрлайдиган етакчи ўқув юртларидан бири бўлган институтимиз ҳам вазирликнинг ҳамда шахсан вазир О.У.Салимовнинг доимий эътиборида бўлганлигини мамнуният билан эслаймиз.

О.У.Салимов Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлик институти (ТИҚХМИИ) ректори сифатида мазкур ўқув юрти моддий-техника базаси, илмий педагогик салоҳияти ва тайёрланаётган кадрлар сифатининг юксалишига муносиб ҳисса қўшди. Шу йилларда ТИҚХМИИ ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти жамоалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари анча кенгайди ва мустахкамланди.

Устоз ҳозирда ҳам шу институтнинг «Трактор ва автомобиллар» кафедраси раҳбари сифатида ўқув ва илмий тадқиқот ишларига етакчилик қилаётгани барчамизни қувонтиради.

Умрининг мазмунини элу юрти учун хизмат қилишга, халқимиз орасида илму маърифатни кенг қулоч ёйдиришга, муносиб шогирдлар тайёрлаш, уларни илм-фанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялашга бахшида этган заҳматкаш олим, ғамхўр ва меҳрибон устоз О.У.Салимов 75 ёшни «уриб» қўйганига, тўғриси, ишонмайсан киши.

Ҳамон ёшлардек ғайрат-шижоат билан ишлаётган, қалбида ҳамкасбларига, шогирдларига эзгулик барқ уриб турган бағри кенг устозни андижонлик шогирдлари ҳам кизгин қутлашади.

Бори Раҳимов,

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги муам-
молар институти директори

ҚЎЛИНГДАН КЕЛСА, ЯХШИЛИК ҚИЛ!

Зиёлига Оқил Умурзокович ҳақида сўз бошласангиз, шуббатта чехраси ёришиб: «Мен жуда яхши биламан», «Учрашгандик», «Қабулларида бўлгандим» - дея тилидан бўл томиб, у кишини мақтаб кетади. Оқил ака доимо халқ манфаатини шахсий манфаатдан юқори қўйган, бағрикенглик, меҳрибонлик, ҳалоллик ва ҳар қандай кийинчиликларга қарамасдан ҳақгўйлик ва одамийликни, яхшилик ва савобли иш юритиш заруратини чуқур англаб келган. Ҳозир ҳам шундай. 75 ёшлари билан қутлашдан бағоят бахтли эканлигимни изҳор этмоқчиман.

Менга йўлчи юлдуз бўлиб, устозлик қилган, доимо маслаҳат бериб, тўғри йўл кўрсатган Оқил Умурзоковични қанчалик улуғлам, оз деб ҳисоблайман. Чунки, бу инсоннинг кўплар қаторида менга нисбатан кўрсатган тамхўрликлари, йўл-йўриқлари ва ҳаётда обрў-эътибор топишимда катта аҳамият касб этди. Чунончи, уларнинг «Қўлингдан келса, яхшилик қил!» деган сўзлари ҳамон қулоғимда жаранглайди.

Устознинг республикамиз ёшлари таълим-тарбиясига қўшиб келаётган ҳиссалари бекиёсдир. Хусусан, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш ва тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш борасида амалдаги ҳаракатлари, бераётган йўл-йўриқлари биз шогирдлар учун дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда ва хизмат қилади.

Азмиддин Садриддинов,
Руководитель Ташкентского
Областного отделения НПЦ по
сельскому хозяйству, профессор

УЧЁНЫЙ МЕХАНИК

Я учился на 1 курсе мехфака по специальности «Сельхозмашиностроение». Акил Умурзакович в 1954 году в Мирзачульском районе Сырдарьинской области был руководителем студентов 1 курса мехфака, помогающим при уборке хлопка. Он приехал из Москвы, успешно защитив кандидатскую диссертацию.

Всегда аккуратно одетый, он быстро завоевал расположение и уважение студентов, как знающий проблемы студенчества, их нужды. Для выполнения дневного хлопкового задания он без назидания добивался выполнения задания. В 1958 году Акил Умурзакович работал зам. деканом мехфака. Он впервые в истории мехфака организовал вечер с выпускниками мехфака. Мехфак находился тогда в Шайхантахурском районе.

Вечер выпускников проходил вечером во дворе факультета. Президиум расположился на борту спаренных грузовых автомашин. В президиуме были декан факультета доцент Александров С.А., замдеканы Салимов А.У. Свердлин В.И., заведующие кафедрами доцент Абрамов Н.С., доцент Кришталь В.Н., доцент Нинов А.Н., доцент Фуклев В.А.

Акил Умурзакович открыл вечер и обратился к выпускникам с речью. Среди выпускников были директоры заводов и начальники конструкторских бюро.

Этот вечер послужил хорошим толчком в интеграции науки и производства и сыграл положительную роль в организации производственных и дипломных практик.

В 1992 году Акил Умурзакович был назначен ректором Ташкентского Государственного Технического Университета. Я работал деканом факультета тракторного сельхозмашиностроения.

Мне посчастливилось работать его первым проректором. Честно признаюсь, думал, что Акил Умурзакович работал долго на высших партийных и государственных должностях и наверно, подзабыл тонкости учебного процесса.

Первые месяцы совместной работы показали, что он знает лучше нас проблемы учебной и воспитательной работы. Он прекрасно знал перспективу развития ВУЗ а.

Особенно много сил, энергии, таланта вложил Акил Умурзакович в развитие технического университета, в целом, ВУЗов, в улучшение обучения и воспитания студентов.

В доказательство приведу два примера показывающие его дальновидность и хорошие знания в организации учебного процесса.

Первый пример: технический университет как ведущий технический ВУЗ имел право внести изменения в учебный план специальностей. Под руководством Акила Умурзаковича в 1992 году ввели впервые в Узбекистане в учебный план курс автоматическое проектирование для студентов 1 и 2 курса. Еще раз в дальнейшем жизнь показало своевременность и необходимость курса для

выполнения различных, сложных заданий проектирования с помощью компьютера.

Второй пример: чтобы исключить, при выполнении домашних заданий по черчению, посторонней помощи, студенты свои задания выполняли в аудитории после занятий при присутствии преподавателя, для этого выделялись дополнительные часы.

Акил Умурзакович сразу начал работу ректора университета с реорганизации его структуры. В одном здании факультетов располагались два, иногда три факультета.

Акил Умурзакович вместо факультетов организовал учебные центры. Руководителями центров назначил проректоров, были организованы:

1. Энергетический учебный центр вместо двух факультетов
2. Механический учебный центр вместо двух факультетов
3. Электронный учебный центр вместо двух факультетов
4. Горно-геологический учебный центр.
5. Экономический учебный центр.
6. Учебный центр нефти и газа.

Самое главное, фундаментальный учебный центр, объединяющий обучение студентов 1-го и 2-го курсов всех специальностей университета.

Убайдулла Усманов,
Заместитель руководителя
Центра среднего специального
профессионального
образования, Заслуженный
работник народного
образования Республики
Узбекистан

МНЕ ПОВЕЗЛО

Мне исключительно повезло в жизни и работе, поскольку на протяжении многих лет непосредственно работал с А.У. Салимовым. Это были годы становления молодой суверенной республики Узбекистан.

Было очень непростое время и в особенности для системы высшего и среднего специального образования. В 1992-1994 г.г., когда я работал заместителем министра высшего и среднего специального образования, Акил Умурзакович возглавлял Ташкентский Государственный технический университет, все свои глубокие, разносторонние знания и опыт щедро передавал всем, кто с ним работал.

Особенно проявились его талант и высокие организаторские способности, когда в 1994 г. он стал Министром высшего и среднего специального образования. По долгу своей работы мне ближе всего вопросы укрепления материально-технической базы высших учебных заведений и социальной защиты профессорско-преподавательского состава, с которыми мне постоянно приходилось сталкиваться. В успешном

решении этих сложных проблем Акил Умурзакович оказывал мне неоценимую помощь и поддержку. По его инициативе и с его непосредственным участием мы проделали значительную и плодотворную работу по укреплению материальной базы учебных заведений. Была осуществлена не просто работа по компьютеризации системы, но и с видами на будущее приобретена компьютерная техника нового поколения. С этой же целью закупалось новейшее учебно-лабораторное оборудование, пополнялся автомобильный парк, создавались современные учебные пособия и методики.

В те годы остро стоял вопрос о сохранении и пополнении опытных, квалифицированных профессорско-преподавательских кадров и сотрудников, а также об их социальной защите. Приходилось просто удивляться, как, за такой короткий промежуток времени Акил Умурзакович глубоко изучил и применил на практике вопросы рыночной экономики, решение которых было распространено на все высшие и средние специальные учебные заведения Узбекистана? Благодаря этому были изысканы пути развития видов и форм привлечения внебюджетных средств, находящихся в гармонии с действующим законодательством. Это позволило не только ввести дополнительную оплату профессорам, доцентам и преподавателям, сохранить их постоянный состав, но и сделать престижной эту благородную профессию.

Акил Умурзакович всегда находился в поисках всего нового и передового и вдохновлял на это всех своих

сотрудников. Благодаря ему впервые при всех ВУЗах открыты бизнес-школы и различные образовательные платные курсы с формами обучения, как за счет средств бюджета, так и за плату, что позволило не только привлечь дополнительные бюджетные средства, но и охватить учебой значительное количество юношей и девушек, которые не смогли поступить в высшие учебные заведения.

Большой заслугой А.У. Салимова является постоянный поиск путей совершенствования управления высшими учебными заведениями. По его личной инициативе должности проректора ВУЗов по административно-хозяйственной работе были преобразованы в проректоры по экономике и предпринимательству. В результате этого ВУЗы начали активно заниматься предпринимательской деятельностью для дополнительного зарабатывания средств, направляемых на развитие и укрепление материально-технической базы.

С полной уверенностью можно сказать, что огромный труд и основополагающие идеи Акила Умурзаковича Салимова по развитию и расширению материально-технической базы высших учебных заведений воплощаются в жизнь. А это означает, что независимый Узбекистан во всех отраслях производства, сельского хозяйства, науки и культуры будет пополняться высокообразованными, квалифицированными специалистами. Это означает также - благородный вклад А.У. Салимова в дело становления и упрочения суверенного Узбекистана.

Шукур Жонбоев,

Олий ўқув юртлари Бош

бошқармаси бошлиғи

УСТОЗ

Оқил Умурзоқович Салимов ҳақида фикр билдириш, бир тарафдан осон туюлса ҳам, аслида, жуда масъулиятлидир. Чунки, бу инсон босиб ўтган мураккаб йўл, серқирра-сермазмун фаолият, муболагасиз, ҳар биримиз учун ибрат бўлиб хизмат қилади.

Устоз, қандай лавозимда ишлашидан ва ҳар қандай шароитда бўлишидан қатъий назар, доимо халқ манфаатини ва унинг истиқболини ўйлаган шахсдир. У бағрикенглик, самимийлик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик, ҳалоллик ва ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан одамийлик кийёфасини йўқотмаслик, ҳаётнинг бирдан-бир мезони – адолат, яхшилик ва савобли иш қилиш эканлигини чуқур англаган ва бутун умри давомида мана шу хусусиятларни намоён қилиб келган инсондир. Устозда янгиликка интилиш, келажакни олдиндан кўра билиш ва ўзи раҳбарлик қилаётган жамоани янгиликка йўналтириш хусусиятлари кучли бўлиб, ҳар қандай янгиликни кўллаб-қувватлаб ва ҳаётга жорий этишда бош-кош бўлиб келмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнининг илк босқичи Оқил Умурзоқовичнинг вазирлик даврига тўғри келганлиги ва дастурда белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини вазирлик ходимларининг ҳар бирига

гушунтириб, уларни амалга ошириш учун ҳар бир бошқарма ва ҳар бир ходим нималар қилиши кераклиги тўғрисида берган йўриқлари ҳамон кўз ўнгимда турибди.

Оқил ака билан ишлаш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Яратган томонидан берилган ғайрат-шижоат ва меҳрибонлик хусусиятлари сизни ҳеч қачон тарк этмасин деймиз, устоз!

Исмаил Мирходжаев,
доктор геолого-
минералогических наук,
профессор, заслуженный
деятель науки и техники
Узбекистана

ПОКРОВИТЕЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК

Акилу Умурзаковичу 75 лет. Невероятно! Выглядит моложе! Это потому, как в Восточных сказаниях, что он где бы ни работал, создавал хорошую обстановку, служащим и к тем, кто приходил по различным вопросам, относился хорошо, с уважением. Он их не делил на группы по занимаемым должностям, всех считал равноправными по всем вопросам. Поэтому, кто побывал (их очень много!) с различными вопросами, независимо получен ли положительный ответ или нет, все уходили довольными, улыбающимися. Именно такая обстановка и отношение к людям, уважение последних, омолаживает руководителя.

Он был и остается Человеком с Большой буквой. Я был проректором по научно-исследовательской работе Ташкентского политехнического института. Ученый совет

института выдвинул мою кандидатуру на высокое звание «Заслуженный деятель науки и техники Узбекистана». Документы были отправлены в Министерство высшего и среднего специального образования, а там дело остановилось. И вдруг, 31 декабря, приблизительно в 16.00, в моем кабинете раздался телефонный звонок, поднимаю трубку, и слышу в трубке голос секретаря ЦК Узбекистана Акила Умурзаковича. Он поздравил меня с присвоением высокого звания. Я успел сказать "спасибо" и всю ночь не было сна.

Он, наряду с другими ВУЗами, интересовался и политехническим институтом. Постоянно держал под контролем успеваемость молодежи, их учебу, качество подготовки специалистов для народного хозяйства и для самого института, большое внимания уделял техническим вузам, говорил о престиже политехников. «Преподаватели должны гордиться, что они работают в политехническом, молодежь должна гордиться, что они учатся в политехническом, а руководители предприятий должны гордиться, что у них работают выпускники политехнического».

У нас была постоянная связь, с другими высшими учебными заведениями, с бывшим Центральным комитетом, лично с Акилом Умурзаковичем.

Дай бог ему здоровья. С таким умом, здоровьем ему жить ещё долго!

Желаю еще раз больших успехов и счастья.

Шукрулла Йўлдошев
академик, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган фан арбоби,
техника фанлари доктори,
профессор

ЖЎШҚИН ЮРАК

Ҳаётда шундай окилу доно инсонлар бўладики, улар билан бўлган бир учрашув, дилдан килинган самимий суҳбат бутун умрга ёдда қолади. Айниқса, илм-фан намояндалари, ёзувчи-шоирлар билан бўладиган бундай суҳбатларни узоқ вақт эслаб юрасиз. Ушбу дил сўзларимни қоғозга туширар эканман, ғоят камтарин, қора қошлари ва сочлари ўзига жуда ярашиқли, ҳалолу пок, меҳрибон ва қалби дарё ажойиб инсон, севиқли устозимиз, биргина каминанинг эмас, балки минг-минглаб талабалару, етук ва таниқли олимларнинг ҳам домласи бўлмиш Оқилхон Салимовнинг нурли сиймоси кўз олдимга келди.

Оқилхон Салимов Мустақил Ватанимизнинг бугуни ва эртанги кунини учун, маънавият ва маърифати учун, миллий ғоялар, илм-фанни ривожлантириш йўлида, етук кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш борасида фидойи, ҳамиша янгиликлар излаб, меҳнат қилган таниқли ташкилотчи, моҳир раҳбар, олим, беғараз устоз ва меҳри дарё мураббийдир.

Оқилхон ака бизларни 1955-1957 йилларда Ўрта Осиё политехника институти "Механика" факультетининг "Автомобиллар" кафедрасида ўқитганлар. Ўқув режасига биноан III, IV ва V

босқичларини тамомлаганимиздан сўнг бизларга Россиянинг Челябинск вилоятидаги юк ташувчи автомобил ишлаб чиқарувчи заводда, сўнгра Москва ва Горький шаҳарларидаги "ЗИЛ", "АЗЛК", "ГАЗ" заводларида амалиёт ўтишимизга раҳбарлик қилдилар. Амалиёт пайтида пайдо бўлган муаммоларни ечишда ўзларининг амалий ёрдамларини аямадилар.

Шу ўринда устознинг талабаларга дарс ўтиш санъати ҳақида тўхталайлик. Тўғриси биз, талабалар устознинг ўқийдиган ҳар бир маърузаларини соғиниб ва орзиқиб кутардик. "Автомобил двигателлари конструкцияси" ва "Ёнилғи-мойлаш материаллари" фанлари бўйича ўтиладиган дарслар жуда завқли бўларди. Ўзлари двигателлар конструкциясини мукаммал билганликлари боис биз, талабаларда ҳам бу фанга нисбатан зўр қизиқиш уйғотган эдилар. Шу сабабдан институтда олган назарий билимларимиз бизларнинг ҳар биримизнинг иш фаолиятимизда, илмий-тадқиқот, изланишларимизда, айниқса, қишлоқ хўжалик машиналарининг, пахта териш комбайнларининг кафолат кўрсаткичлари, таъмир боплигини тадқиқ этишда ҳам асқотди.

Раҳбарлик қилиш ҳам кишидан катта иқтидор ва масъулият талаб қилади. Оқилхон аканинг узоқ йиллар республика олий ўқув юртларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган кезларидаги услубида бошқалар ибрат оладиган жиҳатлар бисёр эканлигини алоҳида таъкидлагим келади.

1987 йилда мен хизмат қилаётган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ректори вазифасига тайинланганларида устознинг раҳбарлик ва ташкилотчилик фазилатлари янада ёрқин намоён бўлди.

Устоз бирон-бир вазифани ҳал қилишдан олдин профессор-ўқитувчилар билан маслаҳатлашиб, уларнинг фикрларини олишга ҳаракат қиларди. Бу нарса пировард натижада умумий ишга кўпроқ фойда келтирарди. Оқилхон аканинг яна бир инсоний фазилати шу эдики, у киши ҳеч қачон, ҳеч кимга сиз ноҳақсиз, деб танбеҳ бермасди, балки ўзига суҳбатдош бўлган одамнинг айтмоқчи бўлган фикрларини диққат ва эътибор билан тинглар, керак ўринда ўзининг аниқ ва қимматли маслаҳатларини берарди.

Чиндан ҳам, устозимиз институтимизнинг доим уриб турадиган, асло чарчамайдиган "юраги" эди. Мен ҳам Оқилхон аканинг кўрсатган амалий ёрдамларидан баҳраманд бўлганлардан бириман. Устознинг "Машиналар ишончилиги ва таъмири" кафедрасининг илмий салоҳиятини ошириш ва моддий-техника негизини янгилаш бўйича берган қимматли маслаҳатлари ҳамон эсимда.

"Умр - оқар дарё", деганларидек, юкорида баён этган воқеаларга ҳам бир неча йил бўлди. Лекин устознинг нурили умр саҳифаларини варақласангиз, бутун ҳаёти давомида одамларга фақат яхшилик қилганликларининг, эзгу ишларнинг бошида турганликларининг шоҳиди бўласиз. Олимимизнинг ўтган йиллар мобайнида илм-фан соҳасида қилган хизматлари ҳақида ҳам кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Шу ўринда буюк форс-тожик шоири ва мутафаккири Шайх Саъдийнинг "Дўст учун эгмасанг сен гарчи бош, уйла, у ортиқча юк бўлур, гарчи тош" мисралари беихтиёр ҳаёлимдан ўтди. Академик Оқилхон Салимовни муборак етмиш беш баҳори билан табриклаб, "Устозим ва мураббийим сифатида Сизнинг олдингизда ҳар доим бош эгишга, таъзим бажо айлашга тайёрмиз",-дегим келади.

Абдуқуддус Абдурахимов,
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги мухосаба ҳисоби
ҳисоботи ва таҳлили
бошқармаси бошлиғи

ЭЪТИҚОДИНИ ЎЗГАРТИРМАДИ

Аввало шуни айтмоқчиманки, халқимизнинг ардоқли фарзандларидан бири, эл ҳурматига сазовор устоз Оқил ака Салимовдек инсон ҳаётда кам учрайди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажagini ўйлаб, таълим ривожига катта эътибор қаратар, эдилар. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларни ҳар доим қўллаб-қувватлаб, моддий рағбатлантиришга катта аҳамият берар, давлат маблағини тежамкорлик билан ва эзгу мақсадлар учун ишлатилишини назорат қилардилар.

Ҳозирда мустақил Ўзбекистонимиздаги байрамларига атаб қатор плакатлар яратганлар. Бу плакатларда Республикамизда бажарилган ишлар ва барпо этилган иншоотлар ўз аксини топиб, муваффақиятларимизни яққол намоён этмоқда.

Оқил Умурзоқович ҳар қандай шароитда ҳам Ватанга, оиласига ва дўстликка содиқлиги билан кўпчилик ҳурматига сазовор. Қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, қай шароитда биродар ва дўстлари билан учрашмасин, ҳамма вақт, ҳамма учун ширинсухан суҳбатдош, чуқур мулоҳазали маслаҳатчидир.

У исмига монанд оқил ва ёруғ келажакка зийрак кўз,

чукур ишонч билан қарайдиган зукко инсондир.

Катта қалб эгаси, мутахассисларнинг оқил устози, ҳаётдаги ўрнини илм-фанда топган ўз мавқеи, салоҳиятига эга зот, жонкуяр ва моҳир раҳбар, оилапарвар, меҳрибон ва талабчан мураббий Оқил Умурзоқович ёшлар учун ибрат ва намунадир.

Соколов Гурий,
Бывший главный
юрисконсульт Минвуза

ДАЛЬНОВИДНЫЙ РУКОВОДИТЕЛЬ

С начала пятидесятых годов я, будучи офицером армии, проходил службу в городе Ташкенте. О Салимове А.У. знал не более, чем должен был знать офицер о руководстве республики по месту дислокации части. Я никогда его не видел кроме как на военных парадах. Вместе с тем, слышал о нём много хорошего от очевидцев. Хорошо узнал и увидел Акила Умурзаковича в деле, работая юристом Минвуза, после назначения его министром. Я благодарен судьбе за общение с ним и работу под его началом.

В министерство пришёл руководитель, знающий высшую школу, как говорится, изнутри. Его интеллект, широта мышления, высокий профессионализм и опыт работы государственного деятеля не вмещались в рамки компетенции нашего ведомства. В основе руководства образованием в республике лежало, на мой взгляд, его твёрдое убеждение в том, что прогресс цивилизации в мире и Узбекистане, в частности, будет определяться в

наступающем веке исключительно интеллектуально-образовательным уровнем человека, его знаниями. На различных семинарах, совещаниях, в частных беседах он страстно убеждает аудиторию в необходимости приоритетного отношения к образованию, науке и культуре с целью накопления, развития и использования интеллектуального и культурного потенциала нации.

Данный постулат явился доминирующим в подготовке различного рода проектов нормативных документов по вопросам организации учебного процесса, содержанию высшего образования по различным направлениям и специальностям. При этом Акил Умурзакович непосредственно сам принимает участие в разработке таких документов, неоднократно возвращая их для доработки исполнителям с учётом своих рекомендаций и замечаний. Отдельные разделы проекта Национальной программы по подготовке кадров были подготовлены в нескольких вариантах. Он был одним из разработчиков проекта Закона «Об образовании» (1997 г.).

Салимов руководит министерством в период, когда Союзная нормативно-правовая база, регулирующая отношения в сфере образования, уже не действовала, а собственная не разработана. Бесчисленное количество идей Акила Умурзаковича по совершенствованию системы образования остались не реализованными, поскольку их содержание зачастую вступало в противоречие с действующим устаревшим законодательством. Таким образом, целесообразность подавлялась устаревшей нормой закона, что естественно вызывало возражение

Салимова.

С началом перехода к рыночным отношениям Акил Умурзакович одним из первых предвидит необходимость развития в деятельности вузов их возможностей по привлечению внебюджетных средств, как одного из источников доходов вуза, обеспечивающим его развитие. В этой связи на всех совещаниях звучит его требования об отказе от старого стереотипа мышления, извлечение возможностей внебюджетных поступлений и т.д. По его инициативе и непосредственном участии создаётся Фонд социальной защиты профессорско-преподавательского состава и студентов подведомственных вузов.

Следует отметить, что Акил Умурзакович постоянно поддерживает дружеские связи с ректорами ведущих столичных вузов Российской Федерации с целью сотрудничества в области образования. Только благодаря этим связям, уважению и своему авторитету Салимов смог организовать постоянное поступление в библиотеку Минвуза российской периодики по вопросам образования, науки, техники, культуры и др.

Судьба не баловала Акила Умурзаковича, поворачиваясь к нему не только лицом, но и спиной. Однако он смог сохранить лучшие достоинства личности - нравственный авторитет, знания и жизненный опыт, которые успешно использует в настоящее время в своей работе советника министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

Саттор Ибодуллаев,
Ўзбекистон ва
Қорақалпоғистон
Республикаларида хизмат
кўрсатган фан арбоби,
профессор

МЕН СИЗГА АЙТСАМ...

Оқил Умурзоқович Салимовни 1963 йилдан бери танийман. Ўша йиллар Тошкент политехника институтининг «Геология ва қидирув» факультетига декан лавозимида ишлар эдим.

Оқил Умурзоқович Салимов Москвада, МАДИда аспирантурани битириб, номзодлик диссертациясини химоя қилиб, институтнинг механика факультетига ишга келди ва декан муовини, декан лавозимида ишлади. Кейинчалик ректор, академик М. Т. Ўрозбоевга ўқув ишлари бўйича муовинлик қилди. Оқил Умурзоқович таклифи билан мени умумтехника факультетига декан лавозимида тайинлашди. Мақсад 1-ва 2-босқич талабаларининг умумий фундаментал фанларидан (математика, физика, химия ва ҳ. к), ўзлаштиришини назорат қилиш, тарбиявий ишларни яхшилаш эди. Оқил Умурзоқович ёш ва ниҳоятда ишчан, ақл-заковатли, ҳар қандай ўқув ишларига алоқадор масалаларни бирпасда ижобий ҳал қилар эди.

Кейинчалик у марказқўмга ишга ўтди. Мен, Ўрта Осиё геология ва хом ашё илмий текшириш институтига директорлик лавозимида тавсия этилдим. Орадан 14 йил

ўтгач, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ишга таклиф этилдим ва Оқил Умурзоқович тавсияси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув-методик бош бошқармасига бошлиқ этиб тайинландим ва 6 йил мобайнида шу лавозимда ишладим. Кейинчалик Оқил Умурзоқович Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига ректор этиб тайинланди. Олий таълим вазирлиги ва Маориф вазирликлари бирлаштирилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Вазирликда ишлаб ўтирсам, телефон кўнғироғи чалинди, гўшакни кўтарсам, Оқил Умурзоқович: «Саттор, сенга таклифим бор. ТИҚХМИИга ишга кел, бирга ишлаймиз. Эски қадрдонсан, сенинг ишбилармонлигингни, меҳнаткашлигингни яхши биламан» - деди. Қайси лавозимга таклиф этмоқчисиз, десам, сиртқи бўлимга, менга муовин бўлиб ишлайсан, кейинчалик кўрамиз, деб телефон трубкасини қўйди. Эртасига Оқил Умурзоқович хузурига бордим. Касабақўм қотиби Шавкат Мирзиёев билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Саломлашиб, илиқ кутиб олди ва ариза ёзишимни айтди.

Кейин: «Саттор, ҳозир Москвага, қишлоқ хўжалиги бошқарма бошлиғи ўртоқ А. Парахинга кўнғироқ қиламан, эртага Москвага жўнайсан, сени қабул қилиб, номзодингни коллегияда тасдиқлайди. Кейин келиб ишлайверасан,» - дея оқ йўл тилади. Мен Москвага жўнаб кетдим ва коллегияда тасдиқдан ўтиб, Оқил акага муовин этиб тайинландим.

Биргаликда иш бошладик. Оқил Умурзоқович институтга ректор лавозимига келган кундан катта режа тузиб, ишни ўқув ва амалиёт учун керак бўлган замонавий асбоб - ускуналарни сотиб олиш, мамлакатда кўзга кўринган профессор - ўқитувчиларни бўш лавозимларга таклиф этишдан бошлади.

Ҳар куни эрталаб ишга келиши биланоқ янги фикрларни ўртага ташларди. Кунларнинг бирида: «Хорижий давлатларда чоп этилаётган журналларни ўқиб, менда шундай фикр туғилди. Институтнинг қармоғидаги «Учхоз»да амалиёт ўтказиш учун тажриба участкаларини ташкил қилишдан иш бошласак, талабалар ўзлари мустақил ишлаб, кишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассис бўлиб етишишса, дейман. Мутахассис бўлиш учун кишлоқ хўжалигини биладиган талабаларни ўқишга қабул қилиш, кейинчалик республикадаги мактаблардан ёш йигит – қизларни танлаб олиб, институт қошида мактаб-интернатга ўхшаган лицей ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Уларни ётоқхона билан таъминлаб, тарбиявий ишларни ҳам ўз зиммамизга олсак, нима дейсизлар?» - деб барчамизга тикилди. Шундай бўлди ҳам. Мактаб - интернат ташкил қилинди. Ҳозир бу даргоҳ институт қошидаги Академик лицейдир.

Оқил Умурзоқович «Учхозда» етиштирилган мева, озиқ-овқатларни ва олиб келинган кийим-кечакларни бошқа хўжаликлар билан келишган холда, касаба уюшмаси орқали келтириб, институт жамоасига арзон нархда соттирар, бундан ҳамма хурсанд эди.

Институтнинг Илмий-педагогик салоҳиятини кўтариш ва бунинг учун кучли педагог кадрлар тайёрлашга Оқил ака катта эътибор берарди. Натижада у кишининг маслаҳати билан докторантурага юборилган Б. Ҳасанов, С. Амиров, кейинчалик институт қошидаги докторантурада иш бошлаган М. Исмоилов, Д. Бозоров, М. Ҳамидов, М. Бакиев, З. Каримов, Г. Умаров ва бошқалар докторлик диссертациясини ёқлаб, ҳозирги кунда институтда етакчи раҳбар олим ва тажрибали педагоглар бўлиб ишламоқдалар.

Камтарин инсон бошқа ишга ўтганида ҳам институт билан алоқани узмади. Механика факультети қошидаги «Трактор ва автомобил» кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Мен Оқил Умурзоқович каби зотларнинг миллатимиз бахтига омон бўлишини истайман.

Лола Салимова

ДОРОГОЙ АКИЛ!

Пусть будет много светлых дней в твоей жизни (черные дни мы уже пережили). Твое имя - Акил Умурзакович - знает каждый, я хочу добавить немного от себя. Ты всегда был для меня ярким образцом мужчины - брата, отца, дяди, дедушки и просто человека, который одинаково дарил всем тот светоч обаяния, который присуш тебе. В недавнем прошлом мне казалось, что 70-80 лет это что-то далекое, недосягаемое, однако я и не заметила, что тебе уже 75 лет, и, как оказалось, это не так страшно, так

как ты и сейчас полон сил, продолжаешь трудиться, принося посильную помощь обществу, родственникам и друзьям.

Я помню наше с тобой детство. Мы родились и выросли в не очень богатой семье. Молодые годы наших родителей пришлось на тяжелые послереволюционные годы, но наши родители жили очень счастливо, рука об руку пережили войну и не расставались вплоть до кончины отца в 1960 году. Глядя на тебя, я понимаю, что ты унаследовал трудолюбие нашего отца, его порядочность и надежность, а также заботливость и душевное тепло нашей мамы.

Культура, дух семьи и пример родителей сформировали нас как личность и научили тому, что человек всегда должен стремиться к высоким идеалам и что доброе имя можно заслужить только честным трудом на благо народа.

Я помню, как ты много работал. Тебя всегда отличала целеустремленность, последовательность и высокий профессионализм. Однако, ты никогда не забывал о своих родных и близких, и наша семья всегда чувствовала надёжную поддержку в твоём лице. Ты сделал все для того, чтобы заменить нам отца, который так рано ушел из жизни.

Дорогой Акил, хочу пожелать тебе ещё долгие годы согревать нас своим душевным теплом и радовать своим присутствием. Крепкого тебе здоровья, любимый брат!

Соибжон Нейматов,
Председатель Узбекского
Республиканского научно-
технологического комплекса
«Фан ва тараккиёт», академик

УЧИТЕЛЮ ОТ УЧЕНИКА

Впервые я увидел А.У. Салимова в 1959 году, в приемной комиссии Ташкентского политехнического института (ТашПИ), ныне Ташкентского Государственного политехнического университета, когда восемнадцатилетним юношей приехал в Ташкент поступать в институт. У меня сохранилось первое впечатление о нем, как о красивом, умном и энергичном человеке, элегантно одетом, с модной, аккуратной стрижкой, с быстрыми четкими движениями, с благородной осанкой и внимательным взглядом. С первого взгляда становилось ясно, что это интеллигентный, культурный, высокообразованный и, в то же время, скромный человек.

Во время моей учебы на Мехфаке Акил Умурзакович был замдеканом и преподавал нам курс автоэксплуатационных материалов. Во время его лекций нас, студентов, завораживал его четкий красивый голос, строгий взгляд и блестящее знание предмета. Он мало смеялся, держал себя сдержанно и никогда не позволял себе ни фамильярности, ни панибратства, ни грубости. За это все его уважали, и на его лекциях не было обычного шума, движений.

Вскоре Акил Умурзакович стал деканом Мехфака.

Кроме учебы, в этот период я занимался общественной работой. И, конечно же, много раз мне приходилось бывать в кабинете декана по различным вопросам. Как старший товарищ, он много помогал нам, руководил нашей работой и давал четкие реальные задания. Мы, студенты, относились к нему с большим уважением, что нечасто встречается между студентами и преподавателями.

К тому времени, когда Акил Умурзакович был назначен проректором по учебной части ТашПИ, я окончил институт и поступил в аспирантуру. Моими научными руководителями были соратники А.У.Салимова - профессора Н.У. Ризаев и Б.А. Шипилевский. Кроме того, моим научным консультантом был ректор ТашПИ академик М.Т.Уразбаев, с которым у А.У.Салимова также были почтительно-дружеские отношения. А.У. Салимов считал себя учеником академика М.Т.Уразбаева, поэтому мне посчастливилось быть участником встреч, дружеских бесед этих известнейших моих учителей.

Каждая встреча с А.У. Салимовым оставляла у меня почтительное уважение и симпатию. Как всегда, он был и остается неизменно подтянутым, элегантным, умным. Невольно хотелось быть похожим на него, не ударить лицом в грязь, заслужить его одобрение.

Прошли годы. Акил Умурзакович был назначен секретарем ЦК КП Узбекистана, и наши встречи перестали быть частыми. Но и на этом высоком посту Акил Умурзакович оставался скромным, доброжелательным, глубоко порядочным человеком и наши отношения не прервались. Будучи заместителем Министра высшего и

среднего специального образования, я всегда чувствовал заботу, внимание и поддержку Акила Умурзаковича.

Непосредственно под руководством академика А.У. Салимова мне пришлось работать, когда он был назначен Министром Высшего и Среднего специального образования РУз, а я работал председателем Узбекского Республиканского научно-технологического комплекса «Фан ва тараққиёт». О том времени я тоже сохранил теплые чувства к Акилу Умурзаковичу. Он был требовательным, справедливым, компетентным руководителем, привил министерству стиль деловитости, четкости, культурного взаимодействия.

Как большой ученый, крупный специалист и руководитель, он внес в развитие республики много хорошего, ценного.

И в настоящее время в должности советника министра, он постоянно помогает и поддерживает подразделения Минвуза, в том числе наш Узбекский Республиканский научно-технологический комплекс «Фан ва тараққиёт».

Руководители такого уровня могут сделать честь любому государству, а человек с такими достоинствами - честь любой нации.

Я от всего сердца выражаю ему свою благодарность, почтительность и желаю ему всему самого наилучшего.

Содир Эркинов,
Филология фанлари доктори,
профессор

БИЗНИНГ ОҚИЛ АКА

Оқил Умурзоқович – мазмунга бой исм! Оқиллик умр узоқлиги билан пайванд бўлса, бу – бахт, чунки ундан ҳамма баҳраманд бўлади. Бизнинг Оқил ака худди шундай улуғ ёшида улуғворлик касб этган инсон. Лекин бу камтар одамнинг ўзида улуғворлик даъвоси йўқ. У кўпгина хайрли ишларнинг устида турган ва жамоатчиликнинг кўмагига, маслаҳатларига таяниб иш тутган.

Оқил Умурзоқович – кўп қиррали жўшқин фаолият соҳиби. Бу фазилат йиллар давомида ўзининг янги-янги жиҳатлари билан намоён бўлиб келди, ҳаёт тажрибалари билан бойиди ва уни эл хурматиغا сазовор қилди.

Оқил Умурзоқович билан бўлган бир мулокот эсимда. Етмишинчи йилларнинг охирлари. Тошкентнинг олимлар шаҳарчасини кесиб ўтувчи академик Ҳабиб Абдуллаев номидаги кўчанинг ёнбошида Ўзбекистон фанлар академиясининг гуманитар институтлари учун етти қаватли муҳташам бино қурилди (ҳозирги академик И.Мўминов кўчаси, 9). Бу янгилик гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот институтларининг бир бинода марказлашувига қулай шароит демак эди. Бинода Тил ва адабиёт институти, методик ўқув маркази жойлашди. Унда каттагина кутубхона, кенг залга эга бўлган ошхона ишлай бошлади. Бироқ кўп қаватли бинони иситиш жараёнида мураккаблик пайдо бўлиб қолди. У тўла қувват билан

ишлай олмади, етишмовчиликлари аён бўлиб қолди. Шу муносабат билан ўша вақтдаги юқори раҳбарият тавсияси билан масалани бинода жойлашган институтлар мутасаддилари, бино қурилишида масъул бўлган ташкилотларнинг муҳандислари билан ҳамкорликда кўриб чиқиш учун олимлар шаҳарчасига Оқил Умурзоқович келди. Оқил аканинг ўшанда иш юзасидан билдирган мулоҳазалари менга ниҳоятда маъқул бўлганлиги учун ҳам ҳамон хотирамдан кўтарилмайди.

Бинодаги иситиш мосламалари масаласини кўриб чиқиш олдида муҳандислардан бири дастлаб қурилиш лойиҳаси билан танишмоқни таклиф қилди. Шунда Оқил ака: «Бироқ, ҳозир диққатни иситгич мосламалари нима учун тўла қувват билан ишламаётганлиги, муаммони ҳал қилиш учун нималар етишмаётганлигини аниқлашга қаратсақ, маъқул бўлади» деган фикрни ўртага ташлади. Бу жуда тўғри мулоҳаза эди. Кузатиш давомида Оқил Умурзоқович институтлар жамоатчилигининг ҳам, қурилиш муҳандисларининг ҳам барча таклиф ва мулоҳазаларини диққат билан тинглади, ўрни билан уларга жавоб берди. Хулосада Оқил Умурзоқович ишни ўнглашга қаратилган фойдали маслаҳатлар, танқидий фикрлар учун миннатдорчилик билдириб, бинода ишлаётган илмий ходимларни қишнинг қировли кунларидан асрашимиз керак, деган фикрини алоҳида таъкидлади. Ҳамма билан хайрлашиб йўлга чиқди.

Киши ҳаётни кенг кўламда идрок қилишини, маънавий заковатини бир лаҳзалик суҳбати давомида ҳам англаб етиш мумкин экан.

Файзулла Муминов,
доктор филологических наук

МУЖЕСТВЕННЫЙ ЧЕЛОВЕК

Как всякий взрослый узбекистанец, я знаю Акила Умурзаковича уже давно, с тех времён, как он занимал ответственные посты в руководящих органах Республики. Однако непосредственно познакомиться с ним довелось в 1996 году, когда он был министром Высшего и среднего-специального образования РУз.

Дышавшие воздухом независимого государства, мы, несколько преподавателей факультета журналистики Ташкентского государственного университета, были одержимы желанием открыть отделение международной журналистики в нашем вузе. Этому мешали серьёзные обстоятельства. Тонкость заключалась в том, что в 1992 году, когда был образован УМЭД указом президента И.А.Каримова, в нём предусматривалось открытие четырёх специальностей: международные отношения, международные экономические отношения, международные права и международная журналистика. Первые три УМЭД начал вести, четвёртую не смог открыть по известным причинам. Открытие отделения международной журналистики, за которую взялся вместе с нами Акил Умурзакович, требовало серьёзной подготовки. А.У.Салимов выслушал мое предложение об открытии отделения и сказал, чтобы мы готовили обоснование, а он поможет провести предложение на коллегии МинВУЗа.

Отделение было открыто в феврале 1996 года. И в том же году впервые 14 граждан Узбекистана получили дипломы «международная журналистика». В 1999 году отделение было преобразовано в единственный, в Центральной Азии, факультет международной журналистики в составе Узбекского Государственного Университета мировых языков, где я сейчас заведую кафедрой «Интернет-журналистики».

Сайди Умиров

Республикада хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси,
ЎЗДЖТУ кафедра мудири

О.САЛИМОВ ВА Ғ.САЛОМОВ

(илиқ, самимий муносабатлардан бир шингил)

Оқил Умурзоқович Салимовни адиб ва журналистлар, олим ва педагоглар йигинларида бир неча бор кўрган, баъзи нутқ ва маърузаларини тинглаган бўлсам ҳам, ўзлари билан уч-тўрт мартагина учрашганман, суҳбатини олганман, холос. Ва бу қисқа мулоқотларнинг ҳар бири машҳур олим ва мураббий, кўп қиррали истеъдод соҳиби устозимиз Ғайбулла Саломов (Ғайбуллоҳ ас-Салом) ҳаёти, фаолияти, шахсияти билан бевосита, билвосита боғлиқ бўлгани боис чуқур таассурот қолдирган.

1992 йил ноябрь ойи бошларида ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) маданият саройида қўшни икки йирик олий ўқув юрти вакиллари иштирокида Шароф Рашидов

таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб йиғилиш ўтказилган эди. Президентимиз Ислам Каримовнинг журъати, жасорати, саъй-ҳаракатлари билан собиқ марказ тўкиб чиқарган «Пахта иши», «Ўзбек иши», «Рашидовчилик» деган тавқи-лаънатлар олиб ташланган, сохта кампанияларга чек қўйилган, Шароф отанинг пок номи тикланган, халқнинг руҳи тетик кезлар... Йиғилишнинг қизиқарли бўлиши кутилгани боис залга одам сиғмай кетган, ҳайъатда юртимизнинг таниқли олиму-арбоблари, жумладан, О.У. Салимов ҳам бор эди. Бир неча кишининг нутқ ва хотираларидан кейин залдан профессор Ғ.Саломов сўз сўраб, минбарга чиқди. Ш.Рашидовнинг узоқ йиллар давомида, мустабид тузум шароитида юртимиз иқтисодиёти, маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлаб, у киши билан фақат бир марта қисқа муддат мулоқотда бўлгани, таржима, таржимашунослик аҳволи, истиқболи ҳақида фикрлашишгани, бу борадаги режа, таклифларини тўла қўллаб-қувватлагани, ул зот ҳақида махсус китоб ёзишни ният қилиб, материал йиғиб бораётганини айтиб (олим сўзининг устидан чиқиб «Эзгуликка чоғлан, одамзод» деган катта китоб ёзиб чиқарди – С.У.), яна шундай деганди: «Мен икки марта диссертация ёзиб, тўрт марта ёқлаганман. Аввал Тошкентда, кейин Москвада. Икки ишим ҳам қора тақризга тушган, иккисини ҳам барака топгур бир ҳамкасбим шу ердан туриб, у ёқдаги танишларини ишга солиб уюштирган, докторлигимни таржимашуносликдан узоқ бир мутахассиснинг салбий фикри орқали йўққа чиқармоқчи бўлган экан. Узоқ вақт жавоб келмай

эзилиб юрдим. Ушанда Шароф Рашидович кабинети эшигигача кузатиб кўяётиб, ёрдамчисига "Бу киши қачон иши тушиб хузуримга келса дарҳол киритинг", - деб тайинлаганини эсладим. Катта одам, иши, ташвиши кўп, вақтини олмай дедим-да, бир варақ қоғозга муаммомни қисқагина баён этиб ёрдамчиси орқали чиқариб юбордим. Кейин эшитсам, Шароф ака хатни ўқиган заҳоти, масъул бир ходимга бу иш билан дарҳол шуғулланишни тайинлаган экан. У киши тезда ҳаракатга тушади. Москва билан боғланади. Кўп ўтмай таниқли бир олим, масъул шахс ВАКга келиб, иш билан танишиб, ижобий тақриз ёзиб, юқори баҳолаб, адолатни тиклаб кетган экан. Шунга ҳам ўн уч йил ўтибди. Бу орада камина учун шунчалик жон куйдирган одамга миннатдорчилик билдиришнинг имконини тополмай юрган эдим. Мана бугун, ҳозир шунинг мавриди келди. Бу одам Оқил ака Салимов бўладилар. Сизга минг бор қуллуқ, таъзим қиламан!

Саҳнада, бир чеккада қандайдир қимтиниброк, хомушроқ ўтирган О.Салимов (собик марказ уюштирган ур-сурлардан у киши ҳам бенасиб қолмаган, бир қадар озор чеккан эди-да) юзи ёришиб кетгани, таъсирлангани, хурсанд бўлгани кўпчиликка дарров сезилди. Бирикки нотикдан кейин сўз олиб, Ш.Рашидовнинг юрт олдидаги катта хизматлари, собик марказ билан муомалада ўта тадбиркорлик, топқирлик, эҳтиёткорлик билан иш тутгани, инсоний фазилатлари ҳақида гапирди, ибратли мисоллар келтирди. Ғайбулла аканинг ҳам кайфи ниҳоятда чоғ бўлди, уйга етгунча мақтаб келди:

"Ўз оти билан Оқил-да, умри узок бўлсин, би-ир суҳбатини олишим керак, Шароф ака ҳақида кўп нарса биледи". ("Эзгуликка чоғлан, одамзод!" да О.Салимовдан олган интервьюси ҳам ўрин олган. - С.У.).

Орадан кирқ кунлар чамаси вақт ўтгач, аниқроғи, 1992 йил 11 декабрда ўша маданият саройида Тошкент давлат университети ва Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Файбулла Саломов таваллудининг 60 йиллиги нишонланди. Зал олим, адиб, талаба, мухлислар билан тўлган эди. Политехника институти ректори, профессор О.Салимов ярим соатча ўтирдилар-да, мажлис раислари - Муҳаммад Али ва каминага мурожаат этиб, соат тўртга мажлис чақириб қўйгани, юбилярни университетга алоҳида таклиф қилишини айтиб, изн сўрадилар. Чиндан ҳам, кўп ўтмай махсус таклиф қилдилар, Устознинг ҳурматини жойига қўйдилар.

Тўқсон учинчи йил июнь ойи бошларида Файбулла Саломовни кўярда-қўймай Оқил Салимовнинг ҳузурига бошлаб борганимни эслайман. "Шу масалада у киши ёрдам беришига ишонаман, сўзи ўтадиган, эътиборли одам", - дедим Устозга. Домла уч-тўрт китобига ҳайрон қоларли ҳусниҳат билан самимий, таъсирли дастхат ёздилар-да, қўшлашиб, қўшни университет ректоратига бордик. Ректор котибасига учраб, ТошДУдан таржима назарияси мудир, журналистика факультети декани яъни фалон-фалон кишилар келишибди, вақти бўлса бир неча дақиқа қабул қилармикан, бўлмаса, мана бу китобларни бериб, салом айтиб қўйсангиз, дедик. Бир пиёла чой ичганчалик вақт ўтгани йўқ, котиба чиқиб

"Ректор сизларни кутаяпти", - деди. Иши кўп, вақти зик раҳбар, жуда илиқ кутиб олдилар, бир соатдан ортиқ очилиб, яйраб суҳбат бердилар. Таниқли инсонлар суҳбатини хузур қилиб тинглаб ўтирдим, хонаси келганда кўнглимдаги гапни айтдим: "Оқил Умурзоқович, Файбулла ака, биласиз, катта олим, муаллим, мураббий, мутаржим, муҳаррир, ношир, шоир, ҳар соҳадан худо берган инсон. Уч юздан ортиқ мақола, йигирмата китоб ёзган, қирқ фан номзоди, беш фан доктори тайёрлаган, юзлаб филолог, журналистларга сабоқ берган, бадий таржимашунослик мактабини яратган, Қомусимизнинг юзага келишига катта ҳисса қўшган, ишбошлик-прораблик қилган. Ёзган, ўгирган, таҳрир қилган, тартиб берган мақола, китоб, луғат, комуслари устма-уст тахланса бўйи баробар келади. Радио, телевидениеда мунтазам чиқишлар қилиб туради. Билмаган, танимаган одам академиянинг ҳақиқий ёки муҳбир аъзоси, хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний ёки Ҳамза мукофоти совриндори, орден, медаллар соҳиби, деб ўйлаши мумкин. Лекин шу илми, шунча хизмати билан ҳозирча фақат "Ғайбулла Саломов". Ортиқча камтарлиги, фақат ишни, бошқалар ташвишини ўйлаши сабабми, ҳамкасблар, мутасаддилар лоқайдлигимми, билмадик. Одам мукофот учун ишламайди-ю, лекин меҳнатнинг ҳам қадри бўлиши керак-ку..." "Бирор унвони, орден, медали йўқми?" - ҳайрон бўлиб сўради Оқил Умурзоқович. - «Ҳужжат-пужат тайёрлаб юборилганми?». "Фан арбоблигига ҳужжат тайёрлаб берилганига анча бўлган- дедим мен. - Лекин ҳанузгача дарак йўқ." Бўлмаса тезда яна битта

ҳужжат тайёрлангизлар"-деди Оқил ака ва шу заҳоти бир-икки масъул одамга кўнғирок қилиб Ғайбулла ака-ни таъриф-тавсиф қила кетди, мақсадни тушунтирди. Маъқул жавобни олгани, ҳурмати баландлигини сезиб турдик. Бир кунда янги ҳужжат тахт қилиниб, топширилди. 1993 йил августда Президентимиз махсус фармонлари билан фан, маданият ходимларининг катта гуруҳини мукофотлади. Жумладан олимлардан бир кишини - Ғайбулла Саломовни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони билан тақдирлади. Кейинчалик "Жаҳонгашта "Бобурнома" китоби учун халқаро Бобур мукофотига сазовор бўлди. Фахрий унвонлар ягона ўғли Ҳабибуллани йўқотиб, ичидан эзилиб юрган, икки марта инфаркт бўлган кекса олимга катта маънавий далда бўлди, руҳан тетиклашди, истиқлолни улуғлаб янги китоб, мақолалар яратди, эфир, экранда мароқли чиқишлар қилди.

О.Салимов Олий ва ўрта махсус таълим вазири пайтида (кейин ҳам бир мунча муддат) ижтимоий-гуманитар бўлимни Дўнан Набиевич Ғаниев бошқарарди. Вазирликка йўлим тушганда ишчан, камсуқум, юмшоқ табиатли Дўнан ака ҳузурига кириб, бироз суҳбатлашиб, янги чиққан адабиётлардан олиб кетар эдим. Бир келишимда "Солланиб оқаётган дарё" деган рисоламни тақдим этган эдим. Бир куни Дўнан ака кўнғирок қилиб, йўлингиз тушса бир келиб кетсангиз, деди. Борсам, Ғайбулла акага бағишланган рисоламни мақтаб кетди, "Эшикни ичкаридан беркитиб охиригача ўқиб чиққач, очдим", - дея лутф қилди ва вазирнинг таклифи, топши-

риғини етказди: «Истиқлол даври талабаларига панднома, йўриқнома мақомида бир китобча ёзиб берсангиз, журналистик, мураббийлик соҳасида анча тажрибангиз бор», - деди. Мен ишонч учун миннатдорлик билдирдим, "Баҳоли қудрат бирор нарса ёзарман-у, лекин бу ишни қойил қилиб удалайдиган бир киши бор, у ҳам бўлса - Файбулла Саломов, бу ишга у кишини ҳам жалб этсак", - дедим. Таклиф Дунан акага маъқул келди, Устозни кўндириб, олиб келадиган бўлдим. Айтилган вақтда келдик, учовлашиб вазир олдига чиқдик. Оқил Умурзоқович, кўз таниш эмасми, ҳар қачонгидан илиқ кутиб олди, мақсадни тушунтирди, ҳозирги ёшларимиз, талабаларимиз ҳақида бир китоб ёзишга зарурат катта, лекин бу китоб китобий бўлмасин, баландпарвоз гаплар керакмас, ҳаётий мисоллар, ибратли воқеалар, миллий анъаналаримиз асосида табиий, самимий, мароқли ҳикоялардан ташкил топсин, йигит-қизларни Ватанга, миллатга, одамларга муҳаббат, тарихимиз, қадриятларимизни қадрлаш руҳида тарбиялашга хизмат қилсин". Мавзу, муаммолар белгилаб, муддати келишиб олинди. Файбулла ака ишонч учун маннатдорлик билдирди, қўлдан келгунча яхши бир китоб ёзишимизга ваъда берди. Ва китобнинг асосий қисмини ёзди, каминанинг чекига "Биринчи курс талабаларига", "Битирувчи курс талабаларига", "Хат ёзишга тобингиз қалай?", "Аҳволинг қандай, ётоқхона?", "Ҳаммуаллиф ҳақида" деган боб ва бобчалар тушган. Мен кўпинча Устозни илҳомлантириб, руҳини кўтариб, "Ўтин ёрганга бир танга, ҳа-ҳа, деб турганга уч танга" дея ҳазиллашиб турардим. Оқил Умурзоқович

ушбу китобни "Шарқ" матбаа концернида икки марта (1996, 1997 йилларда) яхши қоғозда чоп этилишига бош-қош бўлдилар, йигинларда кўп бор тарғиб-ташвиқ қилдилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналарига бир қанча нусхадан тарқатиш ҳақида кўрсатма бердилар. Китобга матбуотда ўнга яқин тақриз чиқди, ўқувчилардан кўплаб хатлар келди, "Дўконлардан тополмаяпмиз, яна қачон нашр этилади?" мазмунидаги хатлар ҳам бор. Марҳум устоз Гайбуллоҳ ас-Саломнинг Оқил Умурзоқович Салимов ҳақида оғзидан бол томиб такрор-такрор айтган сўзлари ҳали ҳам қулоғим тагида жаранглаб турибди: "Қанчалик мард, олижаноб, феъли кенг, янгиликни тез илғайдиган, истиқболни равшан кўра оладиган, фақат яхшилик учун туғилган инсон, ҳақиқий ўғил бола!".

Латиф Хакимов,
Заведующий кафедрой,
профессор ТАДИ

МОЙ ПЕРВЫЙ НАСТАВНИК

Наверное, если бы мне не посчастливилось встретить в жизни такого прекрасного, искреннего и обаятельного человека, каким является Акил Умурзакович Салимов, я бы не стал профессором.

Когда Акил Умурзакович после защиты диссертации начал свою педагогическую деятельность, мы учились на третьем курсе механического факультета Ташкентского политехнического института.

Несмотря на свою молодость, он с исключительной

любовью и заботой относился к нам - студентам, не с высоты педагога и наставника, а как к близкому человеку, по дружески, интересовался нашими успехами в учебе, и когда возникали трудности, помогал их преодолеть.

До сих пор в моей памяти случай, который изменил мою судьбу. Я успешно закончил институт и по направлению, должен был поехать на работу в родной Андижан. Но в моей судьбе произошел крутой поворот. По рекомендации и настоянию Акила Умурзаковича, я был оставлен в институте на педагогическую работу.

Благодаря его постоянному вниманию и поддержке, я стал педагогом высшей квалификации, защитил диссертацию, стал профессором института и вот, в течение более 30 лет бессменно возглавляю кафедру «Начертательной геометрии и графики», которая является одной из лучших в республике.

Хочу еще сказать вот о чем. Мы долгое время жили по соседству с семьей Акила Умурзаковича в институтском доме, расположенном по улице Гоголя. Живя в одном подъезде и этаже, наши семьи стали близкими.

В жизни я редко встречал такой порядочной, дружной и скромной семьи. На протяжении долгих лет наша семья была свидетелем семейной жизни Акила Умурзаковича. Нам много раз приходилось видеть Акил ака в семейном кругу всегда веселым, остроумным и заботливым главой семьи.

В этой семье выросли добрые, воспитанные и образованные дети. Это дочь Лайло и сын Равшан. Они получили хорошее воспитание и образование: Лайло

закончила консерваторию и аспирантуру в Москве, а Равшан стал архитектором.

Для нас, да и для других знакомых и родственников эта семья была подражаемой и поучительной. И все это благодаря Лаъли Фаттаховне, супруге Акила Умурзаковича. Она была любящей матерью и заботливой женой, его настоящим другом и советчиком. В семейной жизни бывали и радостные и трудные дни. Но Лаъли Фаттаховна была всегда ровной, спокойной и выдержанной, никогда не повышала свой голос. Весь домашний груз и воспитание детей она несла на своих хрупких плечах.

Много сил она прилагала к тому, чтобы Акилу Умурзаковичу хорошо, спокойно и плодотворно работалось, а это немаловажный фактор для достижения успеха в работе для главы семьи. В биографии Акила Умурзаковича она сыграла, быть может, самую значительную роль.

На всех семейных торжествах она встречала гостей с улыбкой, открытым сердцем и доброжелательно. Она была не только женственна и умна, но и очень образованной, была серьезного и сдержанного характера.

В нашей памяти Лаъли Фаттаховна запомнилась навсегда, как замечательная супруга, мать и как добрый, отзывчивый человек.

Когда обрушились трудные времена для Узбекистана, так называемое пресловутое «хлопковое дело» не обошло семью Салимовых. Я был свидетелем, как эта семья мужественно пережила этот период и, в конечном счете,

справедливость восторжествовала.

С приобретением независимости Республики, Акил Умурзакович с новой силой и энергией включился в дело построения демократического государства -- и Президент назначил его министром высшего и среднего специального образования суверенной республики.

Акил Умурзакович на протяжении всей жизни непримирим со всем тем, что представляет собой наигранное и фальшивое.

Простота, непринужденность в обращении, заразительный смех и чуть лукавая улыбка, делает его обаятельным человеком. Этого человека с живым характером, темпераментом, эмоциональностью и непосредственностью нельзя не уважать и не любить. В день Вашего 75-летия желаем Вам здоровья и благополучия, дорогой устоз Акил Умурзакович!

Ботир Ходжаев,
Техника фанлари доктори,
профессор (ТАЙИ)

КЎНГИЛ КИШИ СИ

Ҳаёт тақозоси билан биз 1958 йили Оқилхон ака билан бирга Москвадаги «Украина» меҳмонхонасида бир неча кун бирга бўлдик. Ўшанда мен Тошкентдаги автомобилларни таъмирлаш заводи раҳбари бўла туриб, Москва автомобил йўллар институти (МАДИ) аспирантурасига кириш ниятида эдим. Оқилхон ака эса айни олий мактаб - МАДИда ўқиганликлари учун ҳам,

очиқ кўнгиллик билан, мен аспирантурага кирмоқчи бўлган кафедрада Владимир Владимирович Ефремов, мудир ва у кишининг энг яқин шогирдлари Константин Иванович Кошкин билан маслаҳатлашсам ишим осон кўчиши мумкинлигини айтди. Сўнг доцент К.И. Кошкин ҳузурида бўлиб, рефератимни кўрсатдим. У киши рефератимни ўқиб бўлгач, суҳбатдан сўнг кириш имтиҳонида мени сидқидилдан қўллаб-қувватлади.

Ҳаёт жумбоқларга тўла. Дўст кишилар кўп, лекин ғайир ва нобакор одамлар ҳам бисёр. Илм йўлида қийналганлигимни зимдан кузатган Оқилхон ака чақириб: «Ботир, мен сенга баъзи бир, ўзимга тегишли бўлмаган сабабларга кўра ҳомийлик қила олмаганлигимни биласан. Мана энди йўлинг очиқ, доимо сенга кўмаклашаман» деб кўнглимни кўтарди. Шундан сўнг докторлик диссертациямга илмий раҳбарлик қилди.

Диссертацияни ҳимоя қилишимда Оқилхон ака билан бирга устозларимдан Абдусалом Абдуғаниевич ва Сарвар Муқодировичларнинг ҳиссаси бекиёсдир.

Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссиясидан менинг докторлик диссертациям ҳимояси учун Тошкентда Илмий Кенгаш тузиш таклифи муаллифи, докторлик илмий даража олишимгача менга тузоқ қўйганларнинг тузоғидан чиқишимда хомийлик қилган инсон, етук олим О.Салимовнинг садоқатли шогирди Сарвар Муқодирович Қодировдир.

Устоз О.Салимовга яратгандан пурвикор ва сарбаланд чинор умрини тилаб қоламан.

Омонулло Ғанихўжаев,

ТАЙИ профессори

ФАХРИЙ РЕКТОР

1956 йилда Ўрта Осиё Политехника институтининг «Автомобил транспорти эксплуатацияси» мутахассислигига ўқишга кирган эдим. 10 кун давомида ўқиш бўлдида, 12 сентябр куни институтимиз жамоаси Сирдарё вилоятининг совхозларига пахта теримига сафарбар этилди. Совхозга етиб борганимиздан сўнг бизнинг гуруҳ талабаларига ёш, адл қоматли, юмшоқ табиатли, замонавий кўринишдаги бир ўқитувчини раҳбар этиб тайинлашди. Танишгандан сўнг билсак, у киши «Автомобиллар» кафедрасининг ўқитувчиси, икtidорли олим, техника фанлари номзоди О. У. Салимов эканлар.

